

60.7 (y25)  
P-72

Хусан Холмўминов

# ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДА ТАРИХИЙ-ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР



Ks-6

### Kitob quyida ko'rsatilgan muddatga topshirilishi shart

Oldingi foydalanishlar miqdori

Ks-7

2.  
uzum  
marka  
ni  
qand  
qisim  
 2019.-

tel no:

Талабанинг ота-онасининг исми ва манзили

Талабанинг исми ва манзили

Талабанинг ходирга кундаги исми ва манзили

Ўқувчи тўғрисида маълумот (Ф.И.Ш, умумий, тел номери ва манзили)

Қўғиш ва йўқитиш вақти	Тўғиш вақти	Қўғиш вақти	Қўғиш вақти	5, 1 йил
Қўғиш вақти	Тўғиш вақти	Қўғиш вақти	Қўғиш вақти	5, 1 йил
Қўғиш вақти	Тўғиш вақти	Қўғиш вақти	Қўғиш вақти	5, 1 йил
Қўғиш вақти	Тўғиш вақти	Қўғиш вақти	Қўғиш вақти	5, 1 йил

60.7/1000

X-199

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲУСАН ХОЛМУМИНОВ

ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИЙ  
ВИЛОЯТЛАРИДА  
ТАРИХИЙ-ДЕМОГРАФИК  
ЖАРАЁНЛАР

*(советлар ҳукмронлиги даврида миграция масалалари)*



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

«Янги аср авлоди»

2011

УДК: 94(575.1)

ББК: 60.7 (Ўзб)

Холмўминов Ҳ. Ўзбекистон жанубий вилоятларида тарихий-демографик жараёнлар/Монография. –Т.: «Янги аср авлоди», 2011. – 136 б.

ISBN 978-9943-08-800-9

Мазкур монография фанлараро тадқиқот бўлиб, унда Ўзбекистон ва унинг жанубий вилоятларидаги тарихий демографик жараёнлар таҳлил этилган. Илк бор илмий муомалага киритилган архив ҳужжатлари, статистик маълумотларга таянган ҳолда собиқ совет сиёсатида маҳаллий шароитлар, хусусиятлар эътиборга олинмаганлиги оқибатида аҳоли демографик ҳолатида юзага келган муаммолар ва миграцион жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган.

Китоб олий ўқув юртлари талабалари ва умуман Ўзбекистон тарихи билан қизиқувчи барча китобхонлар учун мўлжалланган.

УДК: 94(575.1)

ББК: 60.7 (Ўзб)

**Масъул муҳаррир:**

**Р.Ҳ.МУРТАЗАЕВА,**

тарих фанлари доктори, профессор

**Тақризчилар:**

**О.Б.АТА-МИРЗАЕВ,**

география фанлари доктори, профессор

**С.Н.ТУРСУНОВ,**

тарих фанлари доктори, профессор

**Б.Ж.ЭШОВ,**

тарих фанлари доктори

ISBN 978-9943-08-800-9

© Ҳ.Холмўминов. Ўзбекистон жанубий вилоятларида тарихий-демографик жараёнлар. «Янги аср авлоди», 2011 йил.

## СУЗ БОШИ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида барқарорликни таъминлаш, демократик ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган кенг қўламли ислоҳотларни жорий этишда ушбу ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бу борада айниқса, юртимизда миллатлар ва динлараро тинчлик-тотувликни мустаҳкамлаш, тарихий илдизларимизга, миллий ўзликимизга қайтиш, аҳолининг сиёсий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, ижтимоий турмуш даражасини яхшилаш ҳамда демографик ҳолатини чуқур тадқиқ этишга доир аниқ мақсадга йўналтирилган ислоҳотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2007 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаган фикрлари айтиш ҳақиқатдир: «Мустақилликка эришиш даври ҳақида, эски тузум инқирозга дучор бўлиб, собиқ иттифоқ парокандаликка юз тутган бир пайтда мамлакатимизда тобора кескин тус олган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазият, ўзликимизни англаш ва топталган миллий ғуруримизни тиклашга қаратилган интилиш кучайиб боргани, Ватанимиз мустақиллигини қўлга киритиш қандай шароитда кечгани ҳақида яхлит, ягона ва холис кўз билан қараб баҳо берадиган жиддий таҳлил-тадқиқот ҳозиргача амалда йўқлигини афсус билан айтишга тўғри келади».<sup>1</sup>

Ўзбекистондаги демократик ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида ёш авлодни мустақилликка ишонч ва ватанпарварлик руҳида

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 2007 йил. 4-бет.

TerDU ARM  
№ 391461

тарбиялашда тарих фанининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Хусусан, яқин ўтмишда бўлиб ўтган тарихий воқеалардан сабоқ чиқариш, қилинган хатоларни такрорламаслик бугунги кунда давр талабига айланмоқда. Тарихий ҳақиқатни тиклаш зарурати давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўз маърузасида совет тузуми даврида Ўзбекистонда юз берган зиддиятли демографик ҳолатлар ҳақида тўхталиб: «Ўзбекистон иқтисодиёти асосан хом ашё тайёрлашга йўналтирилганлиги, бир ёқлама ривожланиш ҳисобидан мўрт ва ночор ҳолга тушиб қолган бўлиб, иқтисодиётга, экология ва аҳоли генефондига ҳалокатли таъсир ўтказадиган пахта яккаҳокимлиги юртимиздаги вазиятни жар ёқасига олиб келиб қўйган эди. Бунинг оқибатида улкан табиий, минерал хом ашё, меҳнат ва инсон салоҳиятига эга бўлишига қарамай, республикамиз собиқ СССР аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий ва гуманитар соҳалар ривожига бўйича охириги ўринлардан бирида турар эди. Бунинг аҳолини рўйхатга олиш бўйича 1989 йилда ўтказилган статистик маълумотлар ҳам тасдиқлайди»<sup>2</sup> – деб таъкидлади.

Монографияда архив ҳужжатлари, статистик тўпламлар, матбуот материаллари, эълон қилинган ҳужжатлар ва материаллар тўпламлари, хотира ва эсдаликларнинг таҳлили асосида Ўзбекистон ва унинг жанубий вилоятларида Иккинчи жаҳон урушидан сўнг мустақиллик йилларигача бўлган даврдаги аҳолининг демографик ҳолати, миграцион жараёнлари, аҳоли миллий таркибининг ортиб бориши, бу жараёнларнинг республикадаги иқтисодий, ижтимоий ривожланишга кўрсатган салбий таъсири, маҳаллий шароит ва хусусиятларни эътиборга олмаган ҳолда ўтказилган собиқ совет сиёсати оқибатлари ва уларнинг сабаблари архив манбалари асосида тадқиқ этилган.

---

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 2007 йил. 8-бет.

# ТБОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРИХИЙ-ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТИ

## 1.1. Мавзу тарихшунослиги ва манбашунослиги

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб Ватанимиз тарихига доир тадқиқотларда ҳаққонийлик ва ҳолисонлик тамойилларига тўла амал қилиш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шунингдек, ўзбек халқининг урф-одатлари, қадриятлари билан боғлиқ демографик жараёнларни ўрганиш, Ўзбек халқига хос бўлган хусусият ва анъаналарни ҳисобга олган ҳолда аҳоли сонининг ўсиши ва миграцион жараёнларни илмий тадқиқотлар нуқтаи назаридан аниқлаш ва тадқиқ этиш долзарб масала бўлиб қолди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси тараққиётининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшганлигини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешиklarидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда» деб баҳо берганлиги тарихий ҳақиқатдир.<sup>3</sup> Қолаверса, бугунги кунда дунё миқёсида тан олинган «Ўзбек модели» асосида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида эришилаётган ютуқлар замини ҳам юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакилларининг фаровон ҳаёт кечиришларини таъминлашга қаратилгандир.<sup>4</sup>

Жаҳон цивилизацияси тарихида алоҳида аҳамиятга эга бўлган Қашқадарё ва Сурхон воҳалари ўз даврида ижтимоий-иқтисодий, маданий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган воқеа-ҳодисаларни ўз бошидан кечирганлиги кўплаб тарихий-илмий манбаларда акс эт-

---

<sup>3</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008. 30-бет.

<sup>4</sup> Асосий вазирамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришди. Президент И.Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси. Халқ сўзи, 1 феврал, 2010 йил.

тирилган. Маълумки, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари Ўрта Осиёнинг янги даври давлатчилиги тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган воқеа-ҳодисалар юз берганлиги билан ажралиб туради. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда олиб борилаётган тарихий тадқиқотлар йўналишида XX асрда содир бўлган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларнинг тарихий демографик нуқтаи назаридан таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон тарихини чуқур қайта тафаккур қилиш, ўтмишни тадқиқ этиш учун мутлақо янгича назарий ва методологик ёндашувларни ишлаб чиқишга катта эҳтиёж борлиги хусусида Республика Президенти И.А.Каримовнинг қатор асарлари ҳамда нутқларида бир неча бор эслатиб ўтилган. Жумладан, Ўзбекистонда тарих фани тараққиётида И.А.Каримовнинг республика тарихчи олимлари билан 1998 йил 26 июнда ўтказган учрашуви алоҳида ўрин тутди.<sup>5</sup> Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида тарих фани муаммоларига, тарихни миллий истиқлол мафкураси нуқтаи назаридан ўрганишнинг фалсафаси ва услубиятини эгаллаш масалаларига жиддий эътибор қаратилди.<sup>6</sup> Бу ҳужжатда биринчи навбатдаги вазифалар сифатида «Ўзбек халқи ва давлатчилигининг ҳақиқий тарихини ўрганиш», жумладан, «Бизнинг ҳудудимизда энг қадимдан ҳозирга қадар, давлатчиликнинг турли тарихий босқичларида яшаб келган халқларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаёти масалаларини тадқиқ этиш зарурлиги»<sup>7</sup> кўрсатиб ўтилади.

Ўзбекистоннинг янги тарихидаги туб йўналишлардан бири совет давлати ҳукмронлиги билан боғлиқ ўзига хос, мураккаб тарихий даврни ҳолисона ёритиш ҳамда советлар ҳукмронлиги даврининг мамлакат халқлари ижтимоий тузуми ва турмуш тарзига ўтказган ҳар томонлама таъсири, миграция, демография масаласини ўрганишдан иборатдир.

---

<sup>5</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998. 38-бет.

<sup>6</sup> Халқ сўзи. 28 июл, 1998 йил.

<sup>7</sup> Ўша манба.



Биз тадқиқ этишни мақсад қилиб қўйган советларча сиёсатнинг миграция жараёнларига таъсири ва унинг собиқ иттифоқдош республикалар, хусусан Ўзбекистондаги кўриниши масаласини тадқиқ эттишдир. 1946–1990 йиллар давомида Ўзбекистонда миграция муаммоларига бағишланган барча адабиётларни 2 гуруҳга бўлиб, ўрғаниш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Советлар давридаги аҳоли миграциясига доир адабиётлар, илмий тадқиқот ишлари, мақолалар.<sup>8</sup>

---

<sup>8</sup> Файзиев И. Некоторые проблемы развития народонаселения новых городов Узбекской ССР. Автореф.дисс.... канд. экон. наук. – Т.:1961; Шодмонов Э. Коммунизм қуриш даврида миллатлар ва миллий тиллар. «Ленин байроғи».1962.15 май; Соқиев. К. Оташин чақириқ ва қўриққа ҳужум. «Ленин байроғи».1962.4 ноябр; Муродов Р. Юксалаётган колхоз. «Ленин байроғи».1962.19 декабр; Салимов Х. Особенности развития и размещения населения Узбекской ССР (1939–1959 г). Автореф.дисс....канд. экон.наук – Т.: Фан. 1964; Файзиев Н. Ўзбекистон янги шаҳарларининг аҳолиси. – Т.: 1964; Мулладжанов И.Р. Народонаселение Узбекской ССР. Автореф. дисс.канд. экон. наук. – Т.: 1966; Шу муаллиф: Народонаселение Узбекской ССР (Социально-экономический очерк), – Т.: Узбекистан, 1967; Муллажонов И.Р. Ўзбекистон аҳолисининг миграцион алоқалари. – Т.: Ўзбекистон КПКМ Бирлашган нашр, 1967; Ўша муаллиф. Ўзбекистон аҳолиси. Справочник. – Т.: Фан, 1967; Аҳмедов Э., Файзиев Н. Дунё аҳолиси ва инсониятнинг келажаги. – Т.: 1969; Асонов Г.Р. Аҳоли ўсиши ва ҳаёт ресурслари. – Т.: Ўзбекистон, 1970; Янгибоев М. Қашқадарё област аҳолиси ва меҳнат ресурслари. геогр.фан.ном.и.д. ... дисс. – Т.: 1973; Сафаров И. Народонаселение Сурхандарьинской области (Демог и геогр. анализ): Автореф.дисс.... канд. геог. наук. – Т.: 1974; Чориев А., Очилов М. Қашқадарё области. – Т.: Ўзбекистон, 1974; Солиев А. Ўрта Осиё шаҳарларининг ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон. 1978; Ата-Мирзаев О.Б. Региональное прогнозирование расселения и управления процессом урбанизации. – Т.: Узбекистан. 1979; Караханов М.К. Некапиталистический путь развития и проблемы народонаселения. – Т.: Фан, 1983; Мулладжонов И.Р. Демографические развитие Узбекской ССР. – Т.: Узбекистан, 1983; Очилов Н., Селиванова Т. Сув ва меҳнат туфайли.//Фан ва турмуш.№8. 1984; Тўраев. Х. Содиқ ва ишончли. // Фан ва турмуш. №8. 1984; Манзаров Ю. Чўлдан гул иси келади. // Фан ва турмуш. № 4. 1985; Мулладжанов И.Р. Социально-экономические основы развития и размещения народонаселения Узбекистана. (1965–1985 гг.), Автореф.дисс.док.эконом.наук. – Т.: 1985 г.; Максакова Л.П. Миграция населения Узбекистана. – Т.: Узбекистан, 1986; Брук С.И. Население мира. Этнодемографический справочник. – М.: Наука, 1986; Ташпулатов Х. Сотрудничество народов СССР в орошении и освоении новых земель на юге Узбекистана. (1971–80 гг). Автореф.дисс. канд. ист. наук. – Т.: 1987; Ибрагимбейли И. Сказать правду о

2. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин нашр этилган илмий адабиётлар, дарсликлар, илмий тадқиқотлар ва мақолаларни кiritиш мумкин.<sup>9</sup>

Биринчи гуруҳга кирувчи адабиётлар – советлар ҳукмронлиги йилларида чоп этилган аксарият адабиётлар коммунистик партиянинг таъсиридан чиқа олмаганлиги оқибатида уларда биз ўрганаёт-

---

трагедии народов. // Политическое образование. 1989. №4; Максакова Л.П. Демографические проблемы занятости в Узбекской ССР. – Т.: Узбекистан, 1989; Каримов А.Ш. Социально-экономические аспекты переселения населения в новоорошаемые районы (на примере Каршинской степи) Автореф. дисс. ... канд. экон. наук. – Т.: 1990; Смыков. Ф. Советские немцы: история и современность. // Вопросы истории. №2. 1990; Вдовин А.И. Национальный вопрос и социальная политика в СССР в годы Великой Отечественной войны: мифы и реалии. // Вестник МГУ. Серия –8. История. №5.

<sup>9</sup> Бердиев Х. Биринчи одам вилояти. – Т.: «Нур» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, 1991; Мирзаев З. Культурная жизнь села Узбекистана: состояние, особенности и проблемы (60 с-Середины 70-х годов): Автореф. дисс. ... док. ист. наук. – Т.: 1991; Ким П.Г. Корейцы Республики Узбекистан: история и современность – Т.: Узбекистан. 1993; Зияев Ф. Формирование сельскохозяйственных кадров в целинных районах Узбекистана: Опыт, проблемы (на примере голодной степи. 1965–70 гг.) Автореф. канд.ист.наук. – Т.: 1994; Бобожонова Д. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва уларнинг хусусияти. – Т.: Фан, 1995; Ата-Мирзаев О. Ўзбекистон аҳолиси: демографик вазият ва сиёсат. // Иқтисод ва ҳисобот. 1996. 8-сон; Бўриева М. Ўзбекистонда оила демографияси. – Т.: Университет, 1997; Бабаджанова Д. Б. Социально-экономические аспекты межнациональных отношений в Узбекистане (70-е середина 80-х гг.). Автореф. дисс.... док. ист. наук. – Т.: 1997; Осипов А. Месхетинские турки. – М.: 1998; Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. – Т.: Медицинская литература им. А.А.Ибн Сина, 1998; Мўминова Г. Ўзбекистонда тиббиёт ва соғлиқни сақлаш: муаммо ва оқибатлар (1946-90 йй. Жанубий вилоятлар мисолида). Тарих фан. ном. ... дисс. автореферати. – Т.: 1999; Alikhan Aman-Ulu. Population migration in Uzbekistan (1989-1998). UNHCR. – Tashkent, 2000; Жўрақулов О. Чандир туркманлари. – Т.: Фан, 1992; Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Т.: Шарқ, 2000; Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р., Салиев А. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. – Т.: Университет, 2002; Максакова Л.П. Миграция населения Республики Узбекистан. – Т.: Изд. дом. «Элдинур», 2000; Раҳмонкулова А. Ўзбекистонга зўрлик билан кўчирилган халқларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига доир (1930–50 йй.) // Ижтимоий фикр. 2002. №1; Шу муаллиф Ўзбекистон немислари. // Фан ва турмуш.

ган мавзу бир томонлама ёритилган.<sup>10</sup> Совет даври адабиётларининг алоҳида ажралиб турадиган хусусияти шундаки, улар ҳукмрон мафкура асосида ёзилган бўлиб, муаллифлар мураккаб тарихий жараёнга ушбу мафкура манфаатлари нуқтаи-назаридан ёндошганлар. Мазкур адабиётларда аҳоли рўйхати, статистик маълумотлар, шунингдек архив ҳужжатларидан фойдаланилса-да, улардан ҳукмрон партия манфаатини кўзловчи хулосалар чиқариларди. Аҳолининг ижтимоий турмуш тарзи ва ҳолати кенг жамоатчиликка маълум этилмасди.

Бу йилларда Ўзбекистонда аҳолининг демографик ҳолати (миграцион жараёнлар, аҳолининг ўсиши), Ўзбекистоннинг ягона халқ ҳуж-

---

2002. №3; Ўзбекистон тарихи (Проф. Р.Муртазаеваниннг умумий таҳрири остида) – Т.: Университет, 2003; Фафоров Ш.С. Переселенческая политика Российской империи в Туркестане (вторая половина XIX- начало XX-веков): Автореф. дисс. докт. ист. наук. – Т.: 2003. С. 53; Бобоев М. Хўжанқолик шифокор. – Т.: Янги аср авлоди, 2004; Турсунов С.Н, Қобилов Э.О. ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. – Т.: Шарқ, 2004; Бобожоновна Н. Тоталитар тузумнинг кам сонли миллатларга нисбатан олиб борган сиёсати (1930–1960 йй.) // Ижтимоий фикр 2004 й. № 3; Раҳмонқулова А. Ўзбекистонга бадарға қилинган греклар ҳақида. // Қонун ҳимоясида. 2004. №4; Ўша муаллиф. Совет даврида халқларни зўрлик билан кўчириш тарихшунослигига доир. // Ўзбекистон тарихи. 2004. № 1.; Ўзбекистонда этнодемографик жараёнлар. Халқаро конференция материаллари 1,2 қисмлар. – Т.: Университет. 2005; Юнусова Х. Ўзбекистонда совет давлатининг миллий сиёсати ва унинг оқибатлари. (XX аср 80-йиллари мисолида). – Т.: Зарқалам, 2005; Фафоров Ш. Тарих ва тақдир: Россия империясидан Туркистонга кўчирилганлар (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари) – Т.: Фан, 2006.

<sup>10</sup> Караханов М.К. Некапиталистический путь развития и проблемы народонаселения. – Т.: Фан, 1983. Мулладжонов И.Р. Демографическое развитие Узбекской ССР. – Т.: Узбекистан, 1983; Шу муаллиф. Ўзбекистон аҳолиси юз йил ичиди. – Т.: Ўзбекистон, 1966; Ўша муаллиф. Народонаселение Узбекской ССР (Социально-экономический очерк). – Т.: Узбекистан, 1967; Ўша муаллиф. Ўзбекистон аҳолисининг миграцион алоқалари. – Т.: Ўзбекистон КПМК бирлашган нашриёти, 1967; Ата-Мирзаев О.Б. Региональное прогнозирование расселения и управления процессом урбанизации. Т.: Фан, 1979; Максакова Л.П. Демографические проблемы занятости в Узбекской ССР. – Т.: Узбекистан, 1989; Шу муаллиф. Миграция населения Узбекистана. – Т.: Узбекистан, 1986; Аҳмедов Э., Файзиёв Н. Дунё аҳолиси ва инсониятнинг келажаги. – Т.: Фан, 1969; Асонов Г.Р. Аҳоли ўсиши ва ҳаёт ресурслари. – Т.: Ўзбекистон, 1970; Муллажонов И.Р. Ўзбекистон аҳолиси. // Справочник. Т.: Фан; 1967 й. Солиев А. Ўрта Осиё шаҳарларининг ривожланиши. – Т.: Фан, 1978; Файзиёв Н. Ўзбекистон янги шаҳарларининг аҳолиси. – Т.: Фан, 1964.

лигидаги ўрни, хусусан, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларидаги ижтимоий ҳолатларга тўхталган асарлар ҳам мавжуд. Бундай адабиётларга Қорахонов М., Райимжонов З., Кононенко С.Н., Ковалев С.А., Акрамов З.М., Раймов Т.И., Муллажонов И.Р., Ата-Мирзаев О.Б., Максакова Л.П., Файзиев Н.М., Солиев А., Зиёдуллаев С.К., Зиёдуллаев Н.С., Тўхтаев Э.С. ва бошқаларнинг асарларини алоҳида қайд этиш мумкин.<sup>11</sup> Юқорида тилга олинган олимлар асарларининг илмий қимматини инкор этмаган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, мазкур асарларда тадқиқ этилаётган йиллардаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, миграция масалалари ўша давр мафқураси нуқтаи назаридан таҳлил этилган.

Н. Зиядуллаев, Э. Тўхтаевларнинг асарларида Ўзбекистон халқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалигидаги вазият ҳақида фикр юритилади. Жумладан, Э. Тўхтаевнинг асари қишлоқ хўжалигини жадаллаштириш, аҳоли турмуш даражасини оширишга бағишланади. Муаллиф меҳнатнинг минтақавий бўлиниши, республикада қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурсларидан фойдаланиш каби омилларни партия дастурлари асосида ривожлантириш зарур деган хулосага келади. Муаллифнинг меҳнат ресурсларидан фойдаланиш масалалари бўйича билдирган фикрларида маълум даражада мантиқ бўлса-да, уни тўла қўллаб-қувватлаш қийин. Бироқ, бу масалалар

---

<sup>11</sup> Караханов М.К. Некапиталистический путь развития и проблемы народонаселения. – Т.: Фан, 1983. Мулладжанов И.Р. Демографическое развитие Узбекской ССР. – Т.: Узбекистан, 1983; Шу муаллиф. Ўзбекистон аҳолиси юз йил ичида. – Т.: Ўзбекистон, 1966; Ўша муаллиф. Народонаселение Узбекской ССР (Социально-экономический очерк). – Т.: Узбекистан, 1967; Ўша муаллиф. Ўзбекистон аҳолисининг миграцион алоқалари. – Т.: Ўзбекистон КПМК бирлашган нашриёти, 1967; Ата-Мирзаев О.Б. Региональное прогнозирование расселения и управления процессом урбанизации. Т.: Фан, 1979; Максакова Л.П. Демографические проблемы занятости в Узбекской ССР. – Т.: Узбекистан, 1989; Шу муаллиф. Миграция населения Узбекистана. – Т.: Узбекистан, 1986; Аҳмедов Э., Файзиев Н. Дунё аҳолиси ва инсониятнинг келажаги. – Т.: Фан, 1969; Асонов Г.Р. Аҳоли ўсиши ва ҳаёт ресурслари. – Т.: Ўзбекистон, 1970; Муллажонов И.Р. Ўзбекистон аҳолиси. // Справочник. 1967 й. Т.: Фан; Солиев А. Ўрта Осиё шаҳарларининг ривожланиши. – Т.: Фан, 1978; Файзиев Н. Ўзбекистон янги шаҳарларининг аҳолиси. – Т.: Фан, 1964. Тухтаев Э.С. Социально-экономические проблемы повышения уровня жизни сельского населения УзССР. – Т.: Фан, 1990.

кўпроқ мажбурият асосида ёритилгани бугун сир эмас. Умуман, советлар ҳукмронлиги йилларида асосан пахтачилик саноати билан боғлиқ кўплаб асарлар нашр этилди. Мазкур асарларда ерлардан фойдаланишнинг социалистик усуллари хусусида атрофлича фикр юритилган.<sup>12</sup>

Тадқиқ этилаётган вилоятларга тааллуқли адабиётлар – Д. Бичков, Л. Блинниковларнинг «Сурхондарё области» номли китоби Сурхондарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий тарихига бағишланган. Мазкур асар Сурхон-Шеробод чўлларининг ўзлаштирилиши, совхозларнинг барпо этилиши жараёнларини ёритиб, унда совет ҳукумати йилларида амалга оширилган ишларнинг фақат ижобий томонларигина талқин этилади.<sup>13</sup> Дарҳақиқат, тадқиқ этилаётган йилларда темир йўллар қурилган, янги шаҳарлар барпо этилган, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда сезиларли ютуқларга эришилган. Бироқ республика асосий хом ашё етиштириб берувчи базага айланган, бу ўз навбатида, вилоят ҳаётига ҳам таъсирини ўтказган. Маҳаллий аҳоли асосан хом ашё етиштириб бериш билан шуғулланган, бу ҳолатга советлар даврида чоп этилган адабиётларда ижобий баҳолар берилган. Бундай ёндошув А. Каримовнинг «Чўл ва одамлар» номли монографиясида ҳам учрайди. Муаллиф янги ўзлаштирилаётган ерларга аҳолининг кўчириб келтирилиши – хусусан, ички миграция партиянинг байналмилалликка асосланган режаларнинг бажарилиши деб таъкидлаб ўтган. Муаллиф Сурхондарё вилоятининг XX аср бошларидан бошлаб 1970 йилларгача бўлган тарихини, хусусан, вилоятда ирригация ишларини ёритишга тўхталиб ўтади.<sup>14</sup> Бундай қарашлар И.Шукуров, Х.Раҳмонқулов,

---

<sup>12</sup> Давидов А. Аграрные преобразования и формирование социалистического земледользования в Узбекской ССР. – Т.: Наука, 1965; Джураев А. Восстановление и дальнейшее развитие хлопководства (1946–1953 гг.). – Т.: Узбекистан, 1966; Раззаков Л. Борьба трудящихся Узбекистана за достижение хлопковой независимости СССР. – Т.: Узбекистан, 1968; Ризаев Г. Аграрная политика советской власти в Узбекистане (1917–1965 гг.). – Т.: Узбекистан, 1967; Ризаев Г. Социалистическое сельское хозяйство Узбекистана. – Т.: Узбекистан, 1978.

<sup>13</sup> Бичков Д.А., Блинников Л.И. Сурхондарё области. // (Қисқача справочник) – Т.: Ўзбекистон, 1970.

<sup>14</sup> Каримов А. Чўл ва одамлар. – Т.: Ўзбекистон, 1978. 79-бет.

С. Давханов, А. Чориев, М. Очилов, А. Рўзиев, С. Турсуновларнинг асарларида ҳам учрайди.<sup>15</sup>

Биз тадқиқ этаётган даврга доир бўлган муҳим адабиётлардан бири И. Муллажоновнинг «Ўзбекистон аҳолисининг миграцион алоқалари» номли китобидир. Муаллиф республикадаги аҳоли миграцияси масалаларига тўхталиб, унинг уч муҳим жиҳатини кўрсатиб ўтади. Булар **биринчидан**, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ тарзда рўй берган миграция натижасида меҳнат ресурслари ҳудудий миқёсда қайта тақсимланади. **Иккинчидан**, шахсий манфаатдорлик принципи асосида аҳолида миграцияга ихтиёрий равишда мойиллик пайдо бўлади ва бунда миграция режали тарзда ёки режа асосида амалга оширилса, жамият манфаатларига катта фойда келтиради. **Учинчидан**, миграция натижасида турли миллат вакиллари ўзаро яқинлашади, кўплаб аҳоли пунктлари пайдо бўлади, деган хулосаларни беради.<sup>16</sup> Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўша йилларда совет ҳукумати сиёсатининг фақат ижобий томонларини излаш юқоридаги фикрларни юзага келтирган, аммо юзага келиши мумкин бўлган турли миллий манфаатлар, демографик муаммолар эътибордан четда қолган.

Тадқиқ этилаётган давр тарихшунослигида миллатлараро муносабатлар, аҳолининг демографик ҳолати, уларнинг ижтимоий-иқтисодий томонлари билан боғлиқ бўлган муаммолар иккинчи даражали ҳисобланиб, бошқа масалалар соясида қолиб келган. Маълумки, миллий муносабатлар, шубҳасиз, енгил тарзда кечмаган. Бу муносабатларни иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа омиллар ҳамда шарт-шароитлар мажмуи белгилайди. Шундай экан, ҳозирги даврда миллий сиёсатни мустаҳкамлашда энг аввало ижтимоий-иқтисодий асосларга таяниш лозим. Бу эса ижтимоий-иқтисодий масалаларни чуқур, изчил, ҳар қандай ташқи ва ички таъсирдан холи тарзда ўрга-

---

<sup>15</sup> Рўзиев А. Сурхон–Шеробод қишлоқ хўжалиги. – Т.: Ўзбекистон, 1967; Раҳмонкулов Х., Давханов С. Гуллаб-яшнаётган Сурхондарё. – Т.: Билим, 1974; Чориев А, Очилов М. Қашқадарё области. – Т.: Ўзбекистон, 1974; Шукуров И. Уч авлод қувончи. – Т.: Меҳнат, 1989; Турсунов С. Шеробод тарихидан лавҳалар. – Термиз давлат университети, 1993.

<sup>16</sup> Муллажонов И.Р. Ўзбекистон аҳолисининг миграцион алоқалари. – Т.: Ўзбекистон КПКМ бирлашган нашр, 1967. 31-бет.

нишни талаб этади. Совет даври адабиётларининг асосий мазмуни кўриб чиқиладиган қоидаларга ҳаддан ташқари мафкуравий ва сиёсий тус беришдан, мавжуд тузумни кўкларга кўтариб мақташдан, КПССнинг раҳбарлик ролига ортиқча баҳо беришдан, унинг миллий сиёсат соҳасидаги эришган «оламшумул» муваффақиятларини устун даражада исботлашдан иборат эди. Айни пайтда муаллифлар иқтисодий ва маданий ҳамкорлик масалаларига кўпроқ эътибор бериб, аҳолининг ижтимоий ҳаётидаги демографик муаммоларни юзак тарзда кўрсатар эдилар. Мавжуд сиёсатнинг аҳоли ҳаётига таъсири, хатолари ва нуқсонлари ҳақида одатда ҳеч нарса дейилмас эди. Шундай бўлса-да, бу даврдаги миллатлараро муносабатларнинг турли жиҳатларини ўрганишга, таърифлашга бағишланган кўпгина адабиётларда бу масалаларга объектив баҳо беришга муваффақ бўлинди.

Ўша даврнинг ижтимоий воқелиги туфайли эълон қилинган асарларнинг энг кўп сонли гуруҳини тарихий-партиявий асарлар ва улар билан мавзу жиҳатидан яқин бўлган фалсафий нашрлар ташкил этади. Улар пролетариат байналмилалчилик ва коммунистик партиянинг «бунёдкорлик» фаолиятини мақташ ғояларини тарғиб этишга қаратилган эди.<sup>17</sup> Бу асарларда қайд қилинган республикалар ўртасидаги иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқаларни ривожлантиришда, халқ хўжалигида мутахассис кадрларни тайёрлашда эришилган баъзи муваффақиятларни қайд этиш билан бир қаторда, сохта илмий-методологик йўл-йўриқлар ҳамда яккапартиявий мафкура талаблари таъсирида миллатлараро ва республикалараро муносабатларда, умумий меҳнат тақсимоотида партия – давлат сиёсатининг ижобий томонлари бўрттириб кўрсатилган. Бироқ йўл қўйилган камчиликлар тилга олинмаган. Шундай бўлса-да, улардан манба сифатида фойдаланиш, ҳамда КПСС МҚ ва собиқ совет ҳокимияти олиб

---

<sup>17</sup> Рашидов Ш.Р. Ленинизм-знамя освобождения и прогресса народов. – Т.: Узбекистан, 1972; Ўша муаллиф. Торжество ленинской национальной политики. – Т.: Узбекистан, 1974; Холмухаммедов М.Х. Дружба народов СССР – могучий ускоритель общественного прогресса. – М.: Знание, 1972; Рахмонов Н. Осуществление ленинской национальной политики в Средней Азии. – Т.: Фан, 1973. Туйчиев К. Роль КПСС в укреплении сотрудничества народов Средней Азии. – Т.: Фан, 1973. Халиков И. Борьба трудящихся Республик Средней Азии за решение крупных целинных массивов. – Т.: Фан, 1982.

борган марказлаштириш ҳамда буюк давлатчилик сиёсатини тадқиқ этиш учун ҳам фойдали бўлиши мумкинлигини айтиб ўтиш муҳимдир.

Тадқиқ этилаётган йилларда собиқ иттифоқда марказлаштириш сиёсатига эътибор кучайди. Шу йўсинда собиқ иттифоқ ҳудудида яшаган халқларнинг хилма-хиллигини сунъий тарзда бартараф этиш мақсадида «ягона совет халқи» деган тушунчани амалиётга тадбиқ қилишга киришилди. Натижада, ҳеч қандай тарихий асосга эга бўлмаган, маданиятнинг миллийлигини инкор этувчи «совет маданияти» вужудга кела бошлади. Мана шундай сунъий равишда яратилган тўқималарни тарғиб ва таҳлил қилиш ишлари барча бошқа илмий тадқиқотчилар сингари Ўзбекистон тарихчиларининг зиммасига ҳам юклатилган эди. Уларнинг тадқиқотларида шу сабабдан аҳолининг ижтимоий турмуш тарзидаги камчиликларга, аҳолини кўчириш сиёсатидаги зиддиятларга ва тафовутларга жиддий эътибор берилмади, қийинчиликлар эса хаспўшланди.

Мавзуни тадқиқ этиш давомида 1970 йиллари чоп этилган «Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи»<sup>18</sup> (очерклар) номли кўп жилдли адабиётлар туркумидан ҳам унумли фойдаланилди. Мазкур манбаларда Ўзбекистоннинг қўриқ ва бўз ерларини ўзлаштирилиши жараёнида барпо этилган колхоз ва совхозлар тарихи ҳақида туркум мақолалар берилди. Албатта, бу адабиётларда келтирилган маълумотлар орқали мавжуд тузумни ўша давр мафкураси таъсири остида кўкларга кўтариб мақталса-да, лекин янги барпо этилган хўжаликларда меҳнаткаш халқнинг машаққатли меҳнати, турли миллат вакиллари билан биргаликда олиб борган фаолиятлари ҳақидаги маълумотлар олиниб, улардан тадқиқот ишида унумли фойдаланилди.

Собиқ совет давлатининг миллий сиёсати тарихини чуқур ўрганиш ва холис таҳлил этиш, асосан, 80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошланди. СССР Олий Совети томонидан юридик ҳужжатлар, жумладан, «Зўрлик билан кўчирилган халқларга қарши қўлланилган қатағон актларини ноқонуний ва жиноий деб топиш ҳамда уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш тўғрисида»ги декларацияси (1989 йил 14

---

<sup>18</sup> Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи. (Очерклар) Саккизинчи китоб. – Т.: Ўзбекистон, 1979. Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи. (Очерклар) Тўққизинчи китоб. – Т.: Ўзбекистон, 1980.



ноябр)нинг қабул қилиниши мазкур йўналишдаги тадқиқотлар доирасининг кенгайишига ижобий туртки бўлди. Декларацияга мувофиқ СССР Халқ Комиссарлари кенгаши ва Давлат мудофаа комитетининг 1937 йилдан 1956 йилгача бўлган даврдаги поляк, немис ва бошқа халқларнинг тақдирига тааллуқли 42 та қарор ва фармойишлари бекор қилинди.<sup>19</sup> Бу йўналишдаги, айниқса, СССР Министрлар Советининг ноқонуний равишда зўрлик билан кўчирилган айрим халқларнинг тақдири билан боғлиқ меъёрий ҳужжат ва материалларнинг ошкор этилиши тўғрисидаги фармойиши (1991 йил 26 мартдаги 225 (р) – рақамли<sup>20</sup>) муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу мавзуга оид махфий ҳужжатларнинг ошкор этилишини тезлаштирди.

С.И.Брукнинг этнодемографик маълумотномасида кўрсатилишича, собиқ СССР таркибида 15 та иттифоқдош республика, 8 та автоном вилоят, 10 та автоном округ, 6 та ўлка, 123 вилоят (РСФСР таркибида Автоном вилоятлар ўлкалар таркибига кирган, автоном округлар эса ўлка ёки вилоятлар таркибига кирган) мавжуд бўлган.<sup>21</sup> Биз ҳам бу мавзу доирасида фикр юритиб, ўз монографиямизда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларидаги демографик вазиятга тўхталиб ўтдик.

Собиқ иттифоқ даврида эълон қилинган ишларда 1940–50 йилларда халқларни мажбурий тарзда кўчириш сиёсати совет ҳукумати-нинг аҳолига нисбатан асоссиз равишда ўтказган зўравонлиги сифатида ёритилган.<sup>22</sup> Х.Ибрагимбейли ўз илмий тадқиқотларида Ўзбекистонга – Қримдан, Грузиядан ва Шимолий Кавказдан кўчирилган халқларнинг тақдири ҳақида маълумот берибгина қолмасдан, марказнинг маҳаллий ҳукумат органлари билан келишилган ҳолда махсус кўчирилганларни республикаларга жойлаштириш, иш билан таъминлаш ҳақидаги ёзишмалари бўйича ҳам маълумот келтиради.

---

<sup>19</sup> Хусанбоева Ю. Ўзбекистонга депортация қилинган греклар ҳақида. Ўзбекистонда этнодемографик жараёнлар // Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: Университет, 2005. 93-бет.

<sup>20</sup> Ўша манба.

<sup>21</sup> Брук С.И. Население мира. Этнодемографический справочник. – М.: Наука, 1986. С. 129.

<sup>22</sup> Ибрагимбейли М. Сказать правду о трагедии народов // Политическое образование. 1989. № 4. – С. 59.

Ўрганилаётган даврда Ўзбекистон аҳолисининг демографик ҳолати, меҳнат ресурслари, Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши масаласи ҳамда тарихига доир маълумотлар Муллажонов И.Р., Тошпулатов Х., Салимов Х., Файзиёв И., Сафаров И., Янгибоев М., Турсунов Ж., Қобилов Э. ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ҳам келтирилган бўлиб, уларни алоҳида қайд этиш мумкин.<sup>23</sup>

И.Р.Муллажоновнинг тадқиқотида миграцион жараёнларнинг советлар давридаги ҳолати ва уларнинг миллий масалаларга таъсири ёритиб берилган. Шунингдек, Ўзбекистон аҳолисининг қўшни республикалар, РСФСР билан миграцион алоқалари ҳақида ҳам маълумотлар берилган бўлиб, уларда аҳоли миллий таркибининг ортишида миграцион жараёнлар билан боғлиқ ҳолатлар ҳам таҳлил қилиб ўтилган. Аммо мазкур иш ушбу давр моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ёритилган бўлиб, аҳолининг кўчиш жараёнларидаги мавжуд муаммо ва камчиликлар деярли ёритилмаган. Шунингдек, Ўзбекистон ССРда аҳолининг миллий таркиби, демографик ҳолати ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилган бўлиб, аммо Қашқадарё ва Сурхондарё ҳудудларида аҳолининг аниқ миграцион ҳаракатига доир маълумотлар учрамайди. Мазкур тадқиқотда Ўзбекистонда аҳолишунослик масаласига давр сиёсатидан келиб

---

<sup>23</sup> Мулладжанов И.Р. Народонаселение Узбекской ССР Автореф. дисс.канд. экон. наук. – Т.: 1966; Ўша муаллиф. Социально-экономические основы развития и размещения народонаселения Узбекистана. (1965-1985 гг.), Автореф. дисс. док.эконом.наук. – Т.: 1985 г.; Тошпулатов Х. Сотрудничество народов СССР в орошении и освоении новых земель на юге Узбекистана. (1971-80 гг). Автореф.-дисс. ... канд. ист. наук. – Т.: 1987; Файзиёв И. Некоторые проблемы развития народонаселения новых городов Узбекской ССР. Автореф.дисс.... канд. ист. наук. –Т.: 1961; Салимов С. Особенности развития и размещения населения Узбекской ССР (1939-1959 г). Автореф.дисс. ... канд экон. наук –Т.: 1964; Сафаров И. Народонаселение Сурхандаринской области (Демог и геогр. анализ): Автореф.дисс.... канд. геог. наук. –Т.: 1974; Янгибоев М. Қашқадарё област аҳолиси ва меҳнат ресурслари. Геогр.фан.ном.и.д. олиш у-н ёзилган дис. –Т.: 1973., Турсунов Ж.Н. История экономического и социального развития городов Узбекистана (на примере городов Бойсун Шаргун и Шурчи) 1971-1990 гг. Автореф.дисс.кан.ист.наук. – Самарканд, 1995; Кабулов Э.А. История развития лёгкой и пищевой промышленности в южных областях Узбекистана в 1946-1960 гг. Опыт и проблемы. Автореф.дисс.кан.ист.наук. – Самарканд, 1994.

чиқиб баҳо берилган. Шунингдек, Ўзбекистон ССРда янги барпо этилаётган шаҳарлардаги аҳолининг турмуш тарзи, ривожланиш босқичлари хусусида ҳам маълумотлар берилган. Бундай қарашлар Х.Салимов, И.Файзиев ва бошқаларнинг тадқиқотларида ҳам учрайди.<sup>24</sup>

Х. Тошпулатов тадқиқотида Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида янги ерларнинг ўзлаштирилиши, иқтисодий омиллар, шунингдек, янги ўзлаштирилган совхозларга кўчиб келган аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳоли хусусидаги маълумотлар баён қилинган. Тадқиқотда 1950–1960 йиллардан бошлаб Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида ирригация иншоотларининг кенг қўламда бунёд этилиши, воҳада пахтачиликнинг тараққий этишида қардош халқларнинг ўзаро ҳамкорлик масалаларига ҳам тўхталиб ўтилган. Шунингдек, ушбу тадқиқот ишида Сурхондарё вилоятида Сурхон-Шеробод даштларида янги ерларнинг ўзлаштирилиши, 1950 йилда «Таллимарон» канали, 1952 йилда сифими 800 млн. м<sup>3</sup> бўлган «Учқизил» сув омборининг қуриб битказилиши воҳадаги ирригация ишларининг ривожланишига ҳисса қўшганлиги таъкидланади. Шунингдек, янги ўзлаштирилган ерларга кўчирилган аҳолининг ижтимоий аҳоли, уларнинг турмуш шароитлари, маиший хизмат кўрсатиш масалалари ҳам кенг ёритилган.<sup>25</sup>

М.Янгибоев тадқиқотларида Қашқадарё вилояти аҳолиси, унинг миллий таркиби, демографик аҳоли ва ижтимоий муносабатлар масалалари ёритиб берилган. Муаллиф Қарши даштларини ўзлаштириш учун қурилган йирик сув омборлари, янги шаҳар ва тузар жойларнинг қурилиши ҳамда ижтимоий масалаларга ҳам тўхталиб ўтган. Бу муаммолар Таллимаржон, Пачкамар, Чимқўрғон сув омборларининг қурилиши мисолида таҳлил этилса-да, аммо аҳоли хўжаликларининг ижтимоий турмуш шароити хусусида ушбу тузум нуқ-

---

<sup>24</sup> Файзиев И. Некоторые проблемы развития народонаселения новых городов Узбекской ССР. Автореф. дисс. канд. экон. наук. –Т.: 1961; Салимов Х. Особенности развития и размещения населения Узбекской ССР (1939-1959 г). Автореф. дисс.... канд экон. наук – Т.:1964.

<sup>25</sup> Ташпулатов Х. Сотрудничество народов СССР в орошении и освоении новых земель на юге Узбекистана (1971-80 гг.). - Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Т.: 1987.

таи назаридан баҳо бериб ўтилган.<sup>26</sup> И. Сафаров Сурхондарё аҳолиси демографияси, миллий таркибини таҳлил қилар экан, демографик жараёнлар, туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажралиш жараёнлари ва аҳоли сонининг табиий равишда ортиб бориши масалаларини ҳам ёритади. Лекин тадқиқотда аҳоли сонининг ўсишида миграцион жараёнларнинг таъсири қайд қилиб ўтилмаган.<sup>27</sup> Шунингдек, Ж Турсуновнинг тадқиқотида Сурхондарё вилоятида шаҳарларнинг ривожланиш тарихи ва истиқболлари таҳлил этилган бўлса, Э.Қобиловнинг тадқиқотида эса вилоятдаги энгил саноат тизимининг ривожланиш босқичлари, муаммо ва тажрибалар хусусида фикр юритилган.<sup>28</sup>

Ўзбекистоннинг жаиубий вилоятларида яшаган аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, демографик ҳолати, миграцион жараёнлар Сурхондарё, Қашқадарёда янги ўзлаштирилган ерларга кўчиб келган аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ кўплаб бошқа илмий мақолаларни ҳам келтириб ўтишимиз мумкин. Манбаларда қайд этилишича, II жаҳон урушидан кейинги йилларда Ўзбекистонга собиқ иттифоқ иқтисодиётини тиклаш учун бошқа республикалардан кўплаб саноат корхоналарининг бутун ишчи кучи жамоаси билан бирга кўчириб келтирилиши масаласи хусусида ҳам фикр юритилди. Жумладан, И. Отақуловнинг мақоласида<sup>29</sup> Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги Инқобод қишлоғидан Музработ туманидаги «Бешқўтон» массивига кўчирилган хўжаликлар хусусида сўз юритилади. Муаллиф ўша даврга мафкуравий қарашлар билан ёндошган ҳолда кўчирилган хўжаликлар, колхозлар ва совхозларнинг барпо этилишини қишлоқ хўжалиги ривожидан муҳим таянч вазифасини бажарган деб ҳисоблайди. Бундай қарашларни Р. Муродов, Н. Очи-

---

<sup>26</sup> Янгибоев М. Қашқадарё област аҳолиси ва меҳнат ресурслари. Геогр.ф.ан.номз.илм.дар.олиш учун ёзилган диссертация –Т.: 1973.

<sup>27</sup> Сафаров И. Народонаселение Сурхандарьинской области (Демог. и геог. анализ). Автореф.дисс.канд.геог. наук. – Т.: 1974.

<sup>28</sup> Турсунов Ж.Н. История экономического и социального развития городов Узбекистана (на примере городов Бойсун, Шаргун и Шурчи) 1971-1990 гг. Автореф.дисс.кан.ист.наук. – Самарканд, 1995. С. 24.; Кабулов Э.А. История развития легкой и пищевой промышленности в южных областях Узбекистана в 1946-1960 гг. Опыт и проблемы. Автореф.дисс.кан.ист.наук. – Самарканд, 1994. С. 26.

<sup>29</sup> Отақулов И. Чўл қувлаётганлар. «Ленин байроғи». 1962, 29 апрел.

пов, Х. Тўраев, Ю. Манзаров, К. Соқиевларнинг<sup>30</sup> мақолаларида ҳам кўриш мумкин.

Совет давлатининг қатағонлик сиёсати, собиқ иттифоқдаги демографиялик жараёнлар хориж тадқиқотчилари эътиборидан ҳам четда бўлмаган. Жумладан, 1960–1970 йилларда собиқ иттифоқда халқларнинг зўрлик билан кўчирилишига доир тадқиқотлар чет элларда ҳам ёллон қилинган. Бундай тадқиқотларнинг муаллифлари хорижий олимлар ҳамда Россиянинг сиёсий эмигрантлари эдилар. Улар кам сонли ҳамда зўрлик билан кўчирилган халқларнинг собиқ иттифоқ миллий сиёсатида тутган ўрни ва ролини ўрганишга алоҳида эътибор қаратдилар. Мазкур мавзуни ўрганишда умумлаштирувчи тадқиқотлардан бири А.Некрининг «Наказанные народы» монографияси<sup>31</sup> бўлиб, у бу йўналишдаги дастлабки қадам сифатида муҳим аҳамиятга эга. Унда муаллиф совет давлатининг миллий сиёсатини таҳлил қилишга, иккинчи жаҳон уруши йилларида мамлакатдаги ички вазиятни очиб беришга, кўчирилган халқларнинг сони ва уларнинг ижтимоий аҳволини аниқлашга уринган. Гарчи, тадқиқотчининг хулосалари, баъзан зиддиятли бўлса-да, у ўз асарида ўрганилаётган муаммоларга комплекс равишда ёндошишга ҳаракат қилган. А.Некрин тадқиқотлари натижасида халқларни депортация қилиш «Совет давлати ва жамияти тарихининг ажралмас таркибий қисмидир», деган хулосага келган. Бундан ташқари, бу мураккаб муаммонинг кўп томонлари, жумладан, кўчирилган халқларнинг янгидан жойлашган ҳудудлардаги ҳаёти, уларнинг ҳўжалик ва ишлаб чиқаришдаги иштироки, давлатнинг уларга нисбатан олиб борган иқтисодий, сиёсий муносабатлари муаллиф назаридан четда қолган ва бу масалалар етарлича ёритиб берилмаган. Бу фикрлар «Ўзбекистон тарихи» журнали саҳифаларида А Раҳмонқулова томонидан чоп этилган «Совет дав-

---

<sup>30</sup> Соқиев. К. Оташин чақириқ ва қўриққа ҳужум. «Ленин байроғи». 1962. 4 ноябр; Муродов Р. Юксалаётган колхоз. «Ленин байроғи». 1962 19 декабр; Очилов Н., Селиванова Т. Сув ва меҳнат туфайли. // Фан ва турмуш. №8. 1984; Тўраев. Х. Содиқ ва ишончли. // Фан ва турмуш. №8. 1984; Манзаров. Ю. Чўлдан гул иси келади. // Фан ва турмуш. № 4. 1985:

<sup>31</sup> Раҳмонқулова А. Совет даврида халқларни зўрлик билан кўчириш тарихшунослигига доир. // Ўзбекистон тарихи. 2004. № 1. 61-бет.

рида халқларни зўрлик билан кўчириш тарихшунослигига доир» номли мақоласида батафсил ёритилган.

Ўзбекистонда 80-йилларга келиб кучайган миллатлараро можаролар масаласига бағишланган бир қанча мақолалар ҳам мавжуд.<sup>32</sup> Лекин бу мақолаларда асосан миллатлараро зиддиятларнинг келиб чиқиши тафсилоти берилади, аммо фожиалар оқибатида юзага келган демографик жараёнлар хусусида фикр билдирмайди.

Ўзбекистон демографик тарихининг манбашунослиги тўғрисида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, демографик тарих йўналиши бўйича бажарилган тадқиқотларда асосий манба сифатида қўлланиладиган аҳолини рўйхатга олиш маълумотларида 1920, 1926, 1939, 1959, 1970, 1979, 1989 йиллар бўйича кўплаб чалкашликларга, камчилик ва баъзан эса очиқдан-очиқ жиддий хатоларга йўл қўйилган. **Биринчидан**, аҳолини рўйхатга олиш ҳужжатлари фақат рус тилида тузилар эди. **Иккинчидан**, совет давлатининг 74 йиллик ҳукмронлиги даврида аҳоли сони ва таркибий тузилишини рўйхатга олишни доимий равишда ташкиллаштирадиган идораларнинг ўзи ҳам мавжуд эмас эди. Ўтган даврнинг турли босқичларида аҳоли сонини рўйхатга олишда қатнашадиган ташкилотлар фавқулодда ҳолатлардагина фаолият кўрсатар эди. Шу туфайли мустақилликка қадар мазкур тадқиқот тарихи билан боғлиқ тўлиқ ҳақиқат юзага чиқмади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда аҳолининг демографик ҳолати ҳамда миграцион жараёнлар тарихини ўрганишга доир бир қатор асарлар чоп этилди. Тарихга янгича ёндошиш натижасида тарихчи, демограф, сиёсатшунос, иқтисодчи олимларнинг турли манбалардан фойдаланган ҳолда чоп этилган асарлари диққатга сазовордир.

Ҳозирги кунда О.Ата-Мирзаев, Р.Муртазаева, Л.Максакова, Р.Убайдуллаева, А.Аман, А.Раҳмонкулова, Н.Умарова, М.Бўриева, Д.Бобожонова, Д.Алимова, А.Солиев, Р.Шамсутдинов, Ш.Ғаффоров ва бошқа бир қатор олимлар фандаги эски услубиятдан воз кечиб, миллий қадриятлар нуқтаи назаридан келиб чиқиб, миллий му-

---

<sup>32</sup> Фарғонадаги фожиа хусусида ривоятлар ва далиллар. «Ленин байроғи». 1989, 11 июл; Шавкат Раҳмон. Махфия ёки Ўшдаги сиёсий фитна тарихи. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1991, 8 феврал.

посабатлар мушгараклиги, аҳоли демографик жараёнларининг турли даврларини ўз ичига олган тадқиқотлар устида ишламоқдалар.<sup>33</sup>

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига бағишланган Д.Бобожонованинг илмий монографияси мавзуни ўрганишда муҳим аҳамият касб этди. Бу асарда, жумладан, демографияга доир 1970–1980 йиллардаги Ўзбекистон аҳолисининг ўсиш динамикаси, миллий таркиби, ижтимоий-иқтисодий ҳолати, шунингдек, аҳоли миграциясига оид эътиборга молик маълумотлар мавжуд. Шунингдек, бу асарда Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари аҳолисининг демографик ҳолатлари, миллий таркиби хусусида маълумотлар келтирилган бўлса-да, ammo ушбу вилоятлар миграцияси масаласи алоҳида ўрганилмасдан, уларга умумий тарзда тўхталиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази томонидан чоп этилган «Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида» дарслигида ҳам<sup>34</sup> Ўзбекистонда совет ҳукумати сиёсатининг асл моҳияти, ушбу тузумнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати натижасида юзага келган аҳолининг турмуш шароитидаги муаммолар, Европача турмуш тарзининг тарғиб қилиниши ва унинг оқибатлари каби қатор масалалар аниқ далиллар асосида ҳолисона ёритилган.

О.Ата-Мирзаев, В.Гентшке, Р.Ҳ.Муртазаеваларнинг монографиясида демографик жараёнлар, миграция ва урбанизация жараёнлари

---

<sup>33</sup> Ата-Мирзаев О. Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко демографический аспект. – Т.: Медицинская литература им. А.А.Ибн Сина, 1998; Ата-Мирзаев О. Гентшке В., Муртазаева Р., Салиев А. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. – Т.: Университет, 2002; Бўриева М. Ўзбекистонда оила демографияси. – Т.: Университет, 1997; Бобожонова Д. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва уларнинг хусусияти. – Т.: Фан, 1995; Н.М. Голдфарб Б.Я. Размещение населения Ферганской долины (демографический аспект) – Т.: Фан, 1990; Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка, 1929–1955 гг. Документы и материалы. (Под ред. д.и.н. проф. Д.А.Алимовой) – Т.: Шарқ, 2006; Фафоров Ш. Тарих ва тақдир: Россия империясидан Туркистонга кўчирилганлар (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари) – Т.: Фан, 2006.

<sup>34</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Т.: Шарқ, 2000.

илмий таҳлил қилиб берилган.<sup>35</sup> Ўзбекистондаги 1959–1970 йиллардаги аҳоли сонининг юқори суръатлар билан ўсиш масалалари ва бу жараёндаги муаммоларнинг, аҳоли сонининг кўпайиши, яъни урбанизация жараёнларига таъсири масалалари талқин қилинган. Шунингдек, республика шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва ортиб бориш омиллари илмий таҳлил қилинган.

Республикада таниқли тарихчи олимлар томонидан нашрга тайёрланган «Трагедия среднеазиатского киблака: коллективизация, раскулачивание, ссылка, 1929–1955 гг» номли материаллар ва ҳужжатлар тўпламини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Мазкур асар ҳам илмий тадқиқотни шакллантиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилди.<sup>36</sup>

Ким П.Г. ўз монографиясида эса корейс халқларининг Ўрта Осиёга, жумладан, Ўзбекистон ҳудудига жойлаштирилиши ва республика ҳудудига кўчирилган корейс халқларининг сони, таркибига ҳам аниқлик киритиб ўтган.<sup>37</sup> Бироқ асарда муаллиф корейсларнинг кўчириб келтирилган ҳудудлардаги ҳаёт тарзига, уларнинг янги жойларга иқтисодий жиҳатдан мослашувига деярли тўхталмаган. Ваҳоланки, совет давлатининг халқларни мажбурий тарзда кўчириш сиёсати моҳиятини тушуниш ва тарихини атрофлича ёритиш учун бу масалаларни алоҳида ўрганиш талаб этилади.

Ю.Хусанбоевнинг тадқиқотларида ҳам 1949 йилнинг июлида Сухуми, Ботуми, Краснодар ва Қора денгиз бўйининг шаҳар ва қишлоқларидан қувғин бўлган 12000 этник грекларнинг Тошкент, Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарларига жойлашиши, уларнинг ижтимоий турмуш шароитлари хусусида маълумот бериб ўтилган. 1959 йилга қадар грек оилаларининг қўшилиши жараёнида Ўзбекистонда истиқомат

---

<sup>35</sup> Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р.Х. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. – Т.: Медицинская литература им. А.А.Ибн Сина, 1998; Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р., Салиев А. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. – Т.: Университет, 2002.

<sup>36</sup> Трагедия среднеазиатского киблака: коллективизация, раскулачивание, ссылка, 1929-1955гг. Документы и материалы. (Под ред. проф. Д.А.Алимовой). – Т.: Шарқ, 2006.

<sup>37</sup> Ким П.Г. Корейцы Республики Узбекистан: история и современность. – Т.: Узбекистан, 1993.



қилиб келаётган сиёсий эмигрантларнинг сони (1957 йил 15000, 1970 – 20502, 1979 – 14025) келтириб ўтилган.<sup>38</sup> Шунингдек, грециялик сиёсий эмигрантларнинг Ўзбекистон халқ хўжалигида қилган хизматлари, ҳозирги кундаги икки давлат ўртасидаги ўзаро дўстона алоқалар хусусидаги маълумотлар ҳам таъкидлаб ўтилган.

Ш. Примқуловнинг поляк халқининг кўчирилиши масалаларига бағишланган монографиясида Польша, Россия ва Ўзбекистон давлатлари архив ҳужжатлари асосида 1941–1946 йилларда Самарқанд вилояти ҳудудига мажбурий кўчирилган поляк фуқаролари билан боғлиқ бўлган муаммолар ёритилган. Мазкур асарда поляк фуқароларининг Самарқанд вилоятига келиши, жойлашиши ва уларни иш билан таъминлашдаги қийинчиликлар сабаблари, шунингдек ўзбек халқининг иккинчи жаҳон урушининг оғир йилларида поляк фуқароларига кўрсатган ёрдамга алоҳида тўхталиб, бу ҳолатнинг икки халқ ўртасидаги муносабатларига кўрсатган таъсирини ҳам муаллиф ёритиб ўтади.<sup>39</sup> Гарчи ушбу тадқиқотда Ўзбекистонга кўчирилган поляк фуқаролари ҳақида архив материаллари маълумотлари илмий-қисий жиҳатдан таҳлил этилган бўлса-да, фикримизча, бу маълумот фақат полякларнинг кўчирилиши мисолида мустабид тузум кўчириш сиёсатининг моҳиятини етарлича ёритиб берган, деб бўлмайди.

А. Раҳмонқулованинг мақоласида Ўзбекистонга кўчирилган – корейслар, крим-татарлари, грекларнинг ижтимоий турмуш тарзи муаммолари архив ҳужжатлари асосида умумлаштирилган ҳолда ўрганилган.<sup>40</sup> Шунингдек, ушбу кўчирилган халқларга ҳукумат томони

---

<sup>38</sup> Ҳусанбоева Ю. Ўзбекистонга депортация қилинган греклар ҳақида. Ўзбекистонда этнодемографик жараёнлар (халқаро илмий-амалий анжуман материаллари). – Т.: Университет, 2005. 93-бет; Бобожонова Н. Тоталитар тузумнинг кам сонли миллатларга нисбатан олиб борган сиёсати (1930–1960 йй.) // Ижтимоий фикр. 2004 й. № 3, 106-бет.

<sup>39</sup> Примқулов Ш. Поляк фуқаролари Самарқандда (1941–1946 йй.) – Самарқанд, 1999.

<sup>40</sup> Раҳмонқулова А. Ўзбекистонга зўрлик билан кўчирилган халқларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига доир (1930–50 йй.) // Ижтимоий фикр. 2002. №1; Раҳмонқулова А. Ўзбекистон немислари. // Фан ва турмуш. 2002. №3; Ўзбекистонга бадарга қилинган греклар ҳақида. // Қонун ҳимоясида. 2004. №4; Шу муаллиф. Ўзбекистонга кўчирилган халқларнинг тарихшунослиги ҳақида // Ўзбекистон тарихи. 2004. № 2.

дан қўлланилган ижтимоий ёрдам масалалари, айрим муаммоларни ҳал этиш усуллари устида олиб борилган ишларга тавсифлар берилган. Муаллифнинг мақолаларида ижтимоий ҳолат тўлақонли акс эттирилганлиги билан бошқа тадқиқотлардан ажралиб туради. О.Ата-Мирзаевнинг мақоласида Ўзбекистонда аҳолининг демографик ҳолатлари таҳлил этилган. Шунингдек, ушбу мақолада муаллиф Ўзбекистон аҳолиси сонининг ўсишини Республикадаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиётнинг тарихий хусусиятларига тўғридан-тўғри боғлиқ деб таъкидлаб ўтган. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ўсиш омилларини ҳам тавсифлаб ўтган.<sup>41</sup>

Alikhan Aman-Ulu. Population migration in Uzbekistan (1989–1999) номли монографиясида Ўзбекистон Республикасининг 1989–1999 йиллардаги аҳоли сони, миллий таркиби, миграцион алоқалари масалалари таҳлил қилинган.<sup>42</sup> Ушбу монографияда мамлакат ичидаги миграцион жараёнлар, шу жумладан, Ўрта Осиё республикалари ва МДХ давлатларининг ўзаро миграцион алоқалари ва унинг ижтимоий оқибатлари таҳлил этилган. Шунингдек, монографияда собиқ СССРнинг парчаланиши билан барча МДХ мамлакатларида бўлганидек, маълум бир этник гуруҳларнинг кўчиш жараёнлари ва сабаблари ҳақида ҳам маълумот бериб ўтилган.

Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар, совет давлатида демографик жараёнлар масаласини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқот ишларидан ҳам унумли фойдаланилди. Ушбу тадқиқотларнинг муҳимлиги шундаки, уларда манбаларга таянган ҳолда совет мустамлакачилиги сиёсатининг Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари, унинг республикадаги демографик вазият билан боғлиқлиги, шаҳар ва қишлоқ жойлардаги ижтимоий турмуш тарзидаги муаммолар умумлашган ҳолда ўрганилиб, совет давлатининг ушбу соҳадаги фаолиятига назарий хулосалар чиқарилган.

Хусусан, А.Каримов, З.Мирзаев, Д.Бобожонова ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларини алоҳида эътиборга олиш муҳимдир.

---

<sup>41</sup> Ата-Мирзаев О. Ўзбекистон аҳолиси: Демографик вазият ва сиёсат // Иқтисод ва ҳисобот. 1998 йил 8-сон.

<sup>42</sup> Alikhan Aman-Ulu. Population migration in Uzbekistan UNHCR. – Tashkent, 2000. – P.80

А. Каримов ўз тадқиқотида Қашқадарё воҳасидаги Қарши чўлининг ўзлаштирилиши натижасида XX асрнинг 70-йилларида янги шаҳарларнинг вужудга келиши саноат, қишлоқ хўжалигининг тараққий этиши, шунингдек турли миллат вакилларининг самарали меҳнатларини баён этган. Тадқиқотда Қашқадарё вилоятида Эски Анҳор канали, Жар канали, Қамашши, Чимқўргон ҳамда Пачкамар сув омборларининг қурилиши натижасида вилоятнинг шимолий-шарқий қисмида янги ерларнинг ўзлаштирилиши ва бу ерларга тоғолди туманлари аҳолисининг кўчирилиши жараёни баён этилган.<sup>43</sup> Д. Бобононованинг тадқиқотида Ўзбекистондаги кейинги йилларда (XX асрнинг 70-йиллари) рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги туб ўзгаришлар кўпгина амалий ва назарий муаммоларни, шу жумладан, аҳоли миграцияси сиёсатини ишлаб чиқиш масаласининг нақадар муҳим ва долзарблиги, совет даврида бу муаммоларга нисбатан нотўғри муносабатлар янги методологик асосда таҳлил қилинган. Унда Ўзбекистон аҳолисининг демографик ҳолати, республика аҳолисининг сони, миллий таркибидаги ўзгаришлар, аҳолининг ўрғача йиллик ўсиш муаммолари ёритилган. Шунингдек, тадқиқотда аҳолининг миллий таркиби ортиб бориши натижасида юзага келадиган муносабатлар ҳамда миллий масалалар, бу муаммоларни ҳал этиш усуллари чуқур ўрганилган. Муаллиф Ўзбекистон ҳудуди табиий иқтисодий жиҳатидан мослигини ва унинг 6 та иқтисодий районларга бўлинганлигини кўрсатиб, улар орасида Сурхондарё иқтисодий райони ва Самарқанд-Қарши иқтисодий районларининг ишлаб чиқариш воситаларини жойлаштиришдаги ўрнини кўрсатиб беради.<sup>44</sup>

Миграция ва аҳолининг ўсиши, совет ҳукуматининг миллий сиёсати ва унинг оқибатлари хусусидаги масала С.Ҳайдаров, Н.Иномов, Х.Юнусоваларнинг монографияси ҳамда О.Мусаевнинг мақо-

---

<sup>43</sup> Каримов А.Ш. Социально-экономические аспекты переселения населения в новоорошаемые районы (на примере Каршинской степи); Автореф.дисс.... канд. экон. наук. –Т.: 1990.

<sup>44</sup> Бабаджанова Д. Б. Социально-экономические аспекты межнациональных отношений в Узбекистане (70-е середина 80-х гг) Автореф. дисс. док. ист. наук. – Т.: 1997.

ласида ҳам ўз аксини топган.<sup>45</sup> С.Ҳайдаров ва Н.Иномовлар ўз монографияларида Тожикистонда содир бўлган фуқаролар урушининг ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги миграцион алоқаларга таъсирини ва миллий муносабатлар масаласидаги кескинлик ҳолатини атрофлича баён этган. Уруш туфайли Тожикистон Республикасидан муҳим соҳа тармоқлари ишчи-ходимларнинг республикадан ташқарига чиқиб кетиши ҳолатлари ва бунинг натижасида юзага келган муаммолар далилий материаллар асосида баён этилган. О.Мусаевнинг мақоласида<sup>46</sup> собиқ иттифоқнинг парчаланиши оқибатида ҳамда 1988–1992 йилларда МДҲ мамлакатларидаги миллатлараро муносабатларнинг кескинлашуви натижасида миграцион жараёнлардаги салбий ҳолатлар баён қилинган. Шунингдек, Фарғона, Ўш фожиялари оқибатидаги миллий масаладаги зиддиятлар ва унинг миграцион жараёнга таъсири ҳақидаги фикрлар вақтли матбуотда ҳам ёритиб борилган. Аммо юқорида келтирилган тадқиқотларда жанубий вилоятлардаги миграцион жараёнлар тарихига оид фикрлар билдирилмаган.

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларидаги аҳоли демографияси ҳамда миграцион жараёнлар шундан далолат берадики, бу мавзу бугунги кунгача тўлиқ, ҳар томонлама ва яхлит тадқиқот объекти сифатида мукамал даражада ўрганилмаган. Аммо тарихни қиёсий таҳлил қилиш, бугунги воқеликни мушоҳада этиш жамиятда юз бераётган ижобий ўзгаришларни тўлалигича ҳис қилиш имконини беради. Шунинг учун ҳам мазкур мавзунинг ўрганишининг Ўзбекистон мустақилликка эришган шароитда аҳоли демографияси ва миграцион жараёнлар назариясини ишлаб чиқиш ва унинг амалиётини такомиллаштириш учун долзарблиги, юксак ижтимоий аҳамиятга молик эканлигини ҳисобга олиб, алоҳида тадқиқот объекти сифатида танланди.

---

<sup>45</sup> Ҳайдаров С. Иномов М. Тожикистон: халқ фожияси ва дард-алами. – Т.: Ўзбекистон, 1993; Юнусова Х. Ўзбекистонда совет давлатининг миллий сиёсати ва унинг оқибатлари (XX аср 80-йиллари мисолида) – Т.: Зарқалам, 2005.

<sup>46</sup> Мусаев О. Барқарор мустақиллик таянчи. // Фан ва турмуш. 1998. №4.

## 1.2. Миграцион жараёнларнинг моҳияти

Аҳоли – мамлакатнинг энг катта бойлиги бўлиб, у ишлаб чиқариш жараёнларида муҳим ва ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Миграция<sup>47</sup> (лотинча, migration – кўчиш, кўчиб ўтиш), яъни мамлакатлар, минтақалар ёки мамлакат бўйлаб, аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтиш жараёни ҳисобланади. Миграция мамлакат минтақалари, шаҳар ва қишлоқ ўртасида меҳнат ресурсларини қайта тақсимлаш ҳамда аҳоли сони, таркиби, жойлашуви ўзгаришининг омили бўлиб, тадқиқ этилаётган йилларда миграция жараёнлари ўзига хос тарзда бўлиб ўтган. Собиқ совет давлатининг Сталин қатагонлари натижасида қарийб йигирмадан ортиқ миллат вакиллари Марказий Осиёга, жумладан, Ўзбекистонга кўчирилиши, янги завод ва фабрикаларнинг қурилиши ва уларни малакали ишчи кадрлар билан таъминлаш мақсадида мамлакатнинг марказий районларидан кишиларни кўчириб келтириш аҳолининг миллий таркиби ҳамда демографик ҳолатига ўз таъсирини ўтказган.

1940–1950 йилларда собиқ СССР нинг турли ҳудудларидан бир қатор халқларни Ўрта Осиё ва Қозоғистонга кўчириш сиёсати ўтказилиб, бу асосан бутун халқларни бир-биридан ажратиш ва жазолаш мақсадида амалга оширилганди. Совет ҳукуматининг бу хатти-ҳаракатлари фашистлар оккупацияси даврида айрим кишилар ва гуруҳларнинг хоинлиги учун берилган жазо, мамлакат хавфсизлигини кўриқлаш деб таърифланган эди.

1937 йил 21 августда 1428-326-сонли «Узоқ Шарқ чегара районларидан корейс халқини кўчириш» тўғрисидаги қарорига мувофиқ, Узоқ Шарқ, Бурятия, Монголия АССР, Хабаровск, Приморье ўлкасидан ҳамда Чита вилоятларидан корейс халқларини Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикаларига оммавий тарзда зудлик билан кўчириш белгиланган эди. Ушбу кўрсатмага мувофиқ, 1937 йил кузида 11 минг корейс оилалари (55 минг киши) Ўзбекистонга кўчириб келтирилди. 1938 йил ноябрида Ўзбекистонда яшаётган корейс оилалари сони 16,3 минг нафар (74,5 минг киши)га етди.<sup>48</sup> Кўчириб келтирилган корейслар

---

<sup>47</sup> Муллажанов И.Р. Ўзбекистон аҳолиси. – Т.: Ўзбекистон, 1974. 18-бет.

<sup>48</sup> Ким П.Г. Корейцы Республики Узбекистан: история и современность. Т.: Узбекистан. С. 35.

даставвал барча ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум этилган эди. 1953 йил Сталин вафотидан кейингина улар барча фуқаролар каби тенг ҳуқуқли имтиёзлари тикланиб, эркин яшаш имкониятига эга бўлишган. Ҳозирги вақтда уларнинг кўп қисми Сахалин, Жанубий Сахалин шаҳарларида истиқомат қилишмоқда. 1989 йилдаги аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, қарийб 100 мингга яқин корейслар Қозоғистон республикасида ва 183,1 мингга яқини Ўзбекистонда истиқомат қилишган.<sup>49</sup>

1943–1944 йилларда қалмиқлар, қрим татарлари, чеченлар, ингушлар, немислар, қорачойлар, понтия греклари, месхети турклари, болқорлар ўзларининг тарихий ватанлари, доимий ёки вақтинчалик яшаш жойларидан мамлакатнинг шарқий туманларига кўчириб юборилди.<sup>50</sup> Умуман, 1936–1952 йиллар мобайнида 20 дан ортиқ миллат вакилларидан иборат қарийб 3 млн.га яқин киши хоинликда айбланиб, марказ кўрсатмасига мувофиқ Сибирь ва Ўрта Осиё республикаларига мажбуран кўчириб юборилган эди. Қатағонга учраган халқларнинг саккизтаси ўз она юртларидан бутунлай кўчирилиб юборилган<sup>51</sup> бўлиб, булар Поволжье немислари, қалмиқлар, чеченлар, ингушлар, қорачойлар, болқорлар, қрим-татарлари ва месхети турклари эди.

1944 йилнинг 18 майида СССР мудофаа вазирлиги буйруғи билан «Ватан хоинлари» сифатида Ўзбекистонга кўчириб келтирган қрим-татарларининг умумий сони 889.400 кишини ташкил этган. «Ишончсиз» ҳисобланмиш бу халқлар кўчириляётган вақтдаёқ конституциявий ҳуқуқларидан маҳрум этилиб, республикада ишчи кучига эҳтиёж кучли бўлган Олмалиқ, Бекобод, Чирчиқ каби саноат шаҳарларига, яъни янги ўзлаштирилган ерларда барпо этилган колхоз ва совхозларга жойлаштирилган. Етарлича шарт-шароитлар бўлмаганлиги боис, кўчириб келтирилган вақтнинг ўзидаёқ бадарға қилинганлардан 195000 киши вафот этган.<sup>52</sup>

---

<sup>49</sup> Ўша манба. С.36.

<sup>50</sup> Ата-Мирзаев О. Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный историко-демографический аспект. – Т.: Медицинская литература им. А.А.Ибн Сина, 1998. С.18.

<sup>51</sup> Alikhan Aman-Ulu. Population migration in Uzbekistan UNHCR. – Tashkent, 2000. P. 80

<sup>52</sup> Бобожонова Н. Депортация қилинган халқларга меҳрибонлик – Ўзбекона бағрикенглик (1930–1950 йй.) // Бағрикенглик – жамият барқарорлигининг асоси. Илмий-амалий анжуман материаллари. Т.: Университет. 2003. 58-59-бетлар.

1944 йил 1 октябргача бўлган маълумотга кўра, Ўзбекистонга Қримдан 147170 кишидан иборат 37325 оила кўчирилган, шундан 18444 таси корхоналарга, 18881 таси колхоз-совхозларга жойлаштирилди. Бундан ташқари, 175 минг нафар чеченлар, 157 минг нафар ингушлар, 4,5 минг нафар болқор, арман ва греклар келтирилди.<sup>53</sup>

1945 йил 1 июлгача бўлган маълумотга кўра, Фарғона вилоятига жойлаштирилган Қримдан ва Грузиядан махсус кўчирилган 6569 оиладан 4322 оила колхоз аъзолигига қабул қилинган ва шахсий томорқа ҳамда ер билан таъминланган. 3847 оиладан 979 оила қишлоқ хўжалиги кредитини олган.<sup>54</sup>

1949 йилда Қора денгиз бўйларида ва Қримда истиқомат қилган грекларни кўчиришнинг иккинчи босқичида 12 минг этник греклар Тошкент, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарларига жойлаштирилди. Улар учун махсус 14 та шаҳарча барпо этилди.<sup>55</sup>

1949 йил 1 январь маълумотларига кўра Ўзбекистонга махсус кўчирилганлар сони 177 090 кишини ташкил этган.<sup>56</sup>

Кўчириб келтирилганлар муҳтожлик ва оддий шарт-шароитлар йўқлигига қарамай, янги жойларга аста-секин ўрганиб, мослашиб бордилар. 1944 йилнинг июлидан 15 августигача махсус кўчирилганларни озиқ-овқат билан таъминлаш асосан қониқарли даражада бўлган. Давлат мудрофаа Қўмитасининг қарорига мувофиқ, махсус кўчирилган ҳар бир киши йиллик норма ҳисобидан 8 кг ун ва 2 кг ёрма шаклида давлат ссудаси билан таъминланган.<sup>57</sup>

Ҳукумат томонидан махсус кўчирилганларга нисбатан баъзи ижтимоий-иқтисодий характердаги чора-тадбирлар белгиланган бўлса-да, лекин аксарият тарзда улар ҳамма жойда таъқиб этилди, махсус

---

<sup>53</sup> Раҳмонқулова А. Ўзбекистонга зўрлик билан кўчирилган халқларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига доир (1930–1950 й). // Ижтимоий фикр. 2002. №1. 69-бет.

<sup>54</sup> Раҳмонқулова А. Ўзбекистонга зўрлик билан кўчирилган халқларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига доир (1930–1950 й). // Ижтимоий фикр. 2002. №1. 70-бет.

<sup>55</sup> <http://www.russred.ru>

<sup>56</sup> Юнусова Х. XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистонда миллий муносабатларнинг баъзи жиҳатлари. // Ўзбекистон тарихи. 2002 №1, 48-бет.

<sup>57</sup> ЎзР МДА. 314-фонд. 423-ёзув.26-иш. 471-варақ.

лагерларга «жойлаштирилиб» турли қийноқларга дучор қилинганлиги қайд этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, халқларни кўчириб юборишнинг барча зарарли оқибатларини ҳисоблаб бўлмайди. Буни нафақат одамларнинг нобуд бўлиб кетганлиги билан, балки кўчирилган халқлар маданияти, миллий давлат тузилиш принциплари бузилганлиги, республикалар ва автоном вилоятлар мустақиллиги поймол этилганлиги билан унинг оқибатини ифодалаш ўта мушкул.

Уруш йилларида аҳоли таркибида ҳарбий хизматчилар оилалари, эвакуация қилинганлар, уруш туфайли ногирон бўлганлар, етим болалар, асир олинганлар каби ижтимоий гуруҳлар ҳам кўчирилиб<sup>58</sup>, уларнинг таркибида турли миллат вакиллари бор эди. Шубҳасиз, бу каби ҳолатлар миграция жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини белгилар эди. Ўша йиллари 682 нафар япон асирлари ҳам Ўзбекистонга келтирилди.

Ўзбекистонда миграция жараёнининг яна бир ўзига хос томони бўлиб, бу иккинчи жаҳон урушидан сўнг сезиларли таъсир кўрсатди. Урушдан кейинги дастлабки йилларда Ўзбекистон халқи олдида қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама тараққий эттириш, мавжуд муаммоларни тезроқ тугатиш, моддий техникавий аҳволни яхшилаш каби вазифалар турган эди. Пахта маҳсулотига бўлган эҳтиёжни таъминлаш мақсадида Иттифоқ директив органлари 1946 йил февралда махсус қарор қабул қилди. Унда Ўзбекистонда пахта етиштиришни «социалистик беш йиллик»да 2,5 баравар кўнайтириш қатъий талаб қилиб белгиланди.

Тиклаш даврининг кўп қиррали муаммоларини ҳал этишда суғориш тизими муҳим роль ўйнади. 1949 йил апрелда Республика ҳукумати томонидан «Мирзачўлни янада ўзлаштириш тадбирлари тўғрисида»ги қарор қабул қилиниши билан 1950 йилда ўзлаштирилган ер майдонлари 281,4 минг гектарни ташкил этди.<sup>59</sup> Бу вазифалар ички миграция жараёнларини ҳам кучайтирар эди. Нагжида, 1949 йил-

---

<sup>58</sup> Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси. Қомуслар Бош таҳририяти. – Т.: 1997. 177-бет.

<sup>59</sup> Ризаев Р. Социалистическое сельское хозяйство Узбекистана. – Т.: Узбекистан, 1978. –С. 150-155.



нинг ўзида 6615 нафар хўжалик, жумладан, Мирзачўл туманига 3337 нафар оила, Сирдарё туманига 3278 нафар оила кўчирилганди. Кўчирилган хўжаликларни жойлаштириш ва уларнинг ижтимоий муаммоларини (иш, уй-жой билан таъминлаш, моддий ёрдам кўрсатиш) ҳал қилиш жуда сушт даражада олиб борилганлиги боис яна кўпинча қайтиб кетиш ҳолатлари ҳам бўлиб турар эди. Масалан, аҳолини уй-жой билан таъминлаш учун режадаги 6600 та уй-жой ўрнига 5000 та уй-жой қуриб битказилган. 1600 нафар оила эса бошпанасиз, зах жойларда истиқомат қилишган. Оқибатда, 650 нафар хўжалик ўз туманларига кўчиб кетишга мажбур бўлган.<sup>60</sup>

Шунингдек, 1953 йилда Республиканинг бир қатор вилоятларидаги ички кўчиш жараёнлари ҳам эътиборга моликдир. Биз тадқиқ этаётган вилоятларда ушбу жараён қуйидагича кечган. Бойсун туманидан Ангор туманига 350 та, Шўрчи туманидан «Сурхон» совхозига 200 та хўжалик оилалари кўчирилган бўлиб, улардан 150 таси уй-жой билан таъминланган.<sup>61</sup> Қашқадарё вилоятдан Тошкент вилоятига 400 та хўжалик кўчирилган.

Ҳукумат ташкилотлари янги ўзлаштирилган колхоз ва совхозларга аҳолини кўчириш ишларини махсус органлар орқали амалга оширишга ҳаракат қилганлар. Жумладан, пахтачилик ишлари министрлигининг 602-рақамли 1950 йил 11-январда қабул қилинган «Ўзбекистон ССР нинг янги ўзлаштирилган ерларга аҳолини кўчириш» ҳақидаги қарорида<sup>62</sup> Ўзбекистон ССРда келажақда пахтачиликнинг тараққий этиши учун аҳолининг янги ўзлаштирилган ерларга кўчиришни жадаллаштирилиши алоҳида қайд қилиб ўтилган эди. Ушбу қарорга мувофиқ, 1953 йилда кўчириш ишларини бажариш қуйидаги режа асосида амалга оширилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон ССР пахтачилик совхозларига аҳоли хўжаликларини кўчириш, яъни Тошкент вилоятининг бир қатор совхоз ва колхозларига Тошкент вилоятдан, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларидан 1953 йил жами 1350 та хўжалик оилаларини кўчириш режалаштирилган ва тақсимланган<sup>63</sup> (1-жадвал).

---

<sup>60</sup> ЎЗР. МДА. 2347-ф, 30-рўйхат, 7-иш, 66-варақ

<sup>61</sup> ЎЗР. МДА. 314-ф. 423-рўйхат. 166 иш. 9-варақ.

<sup>62</sup> ЎЗР. МДА. 2454-ф, 2789-рўйхат, 7-иш, 66-варақ.

<sup>63</sup> ЎЗР. МДА. 314-фонд. 423-рўйхат. 166-иш. 13-варақ.

Хукумат томонидан чиқарилган қарорга мувофиқ республиканинг янги ўзлаштирилган туманларига 1953 йил якунига қадар 21 минг хўжалик оилаларни белгиланган ҳудудларга кўчириш режалаштирилган эди. Аммо жорий йилнинг октябригача бўлган маълумотларга кўра, 14 минг хўжалик кўчириб келтирилган ва уларнинг атиги 8053 нафари уй-жой билан таъминланган, холос.<sup>64</sup> Қурилиш ишларига сарфланиши зарур бўлган жами 29 миллион 925 минг рубл маблағдан бор-йўғи 20 фоиздан фойдаланилган. Қурилиш ишлари эса 0,9 фоизга бажарилган холос.<sup>65</sup>

Шунингдек, кўчирилган хўжаликларни уй-жой билан таъминлаш муаммолари билан бирга, уларга кредит пулларини ажратиш, тиббий санитария хизмати кўрсатиш ҳам оғир аҳволда бўлган. Жумладан, Тошкент вилояти Мирзачўл туманига Қашқадарё вилоятидан кўчирилганларнинг ижтимоий аҳволини ўрганиш борасида 1949 йил 1 январда туман раҳбарларининг текшируви натижасида қуйидагилар аниқланган: Мирзачўл тумани «Янги йўл» қишлоқ советига қарашли 4 та колхозга («Янги Маданият» колхозига—20, «Будённий»га—20, «Пахтабод»га—21, «Иттифоқ»га—8 хўжалик) жойлаштирилган 69 та аҳоли хўжаликларига 1 та амбулатория (3 та ишчи ходимлари билан — 1 та врач, 1 та фельдшер, 1 та фаррош) хизмат кўрсатган.

Маиший хизмат кўрсатиш уйида клуб, ҳаммом, кутубхона ишламаган. Шунингдек, ушбу хўжаликларда халқ таълими соҳаси ҳам оғир аҳволда бўлган. Мавжуд 2 та мактабнинг дераза ойналари йўқлиги, иситиш тармоқларининг ишламаслиги туфайли 51 нафар мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг таълим олишларига деярли шароит яратилмаган.<sup>66</sup>

Ўзбекистон ССР МК ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1960 йил 30 апрелдаги 103–сонли қарорига мувофиқ «Кўчиш ва кўчириш» ишлари бош бошқармаси (даставвал бу бошқарма турли номларда бўлган) ташкил этилган эди. Аҳолини кўчириш билан биргаликда янги ўзлаштирилган ерларда аҳоли, хўжаликлар учун уй-жой қурилиш ишларини олиб бориш ҳам мўлжалланган эди. Шу мақсад-

---

<sup>64</sup> ЎЗР. МДА 2118-ф, 1-рўйхат, 7-иш, 13-варақ.

<sup>65</sup> ЎЗР. МДА. 314-фонд. 423-рўйхат. 166-иш. 13-варақ.

<sup>66</sup> ЎЗР. МДА. 837-ф. 33-рўйхат. 5753-иш, 8-варақ.

да Ўзбекистон ССР МКнинг 1967 йил 11 апрелидаги қарорига мувофиқ, Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш давлат комитети ҳамда ЎзССР Министрлар Совети билан ҳамкорликда «Ишчи кучлари таъминоти» уюшмаси тузилиб, кўп йиллар мобайнида уй-жой қурилиш ишлари амалга оширилди.<sup>67</sup> Бу ташкилотларнинг меҳнат фаолияти натижасида 1950 йилдан бошлаб Қарши, Жиззах, Сирдарё вилоятларидаги янги ерларни ўзлаштириш билан бирга, бу ерларда қурилиш ишларини амалга ошириш билан ҳам машғул бўлинган. Умуман олганда, 1980 йилларга келиб қўриқ ерларни ўзлаштириш ишлари ниҳоясига етказилди. Мирзачўлда қарийб 300 минг гектарга яқин ерлар ўзлаштирилиб, 60 мингга яқин янги аҳоли хўжаликлари – совхозлар бунёд этилган. Қарши чўлида 350 минг гектар ер ўзлаштирилиб, 192 минг гектар ерда 40 та янги совхоз ташкил қилинган. Жиззах чўлида 50 минг гектарга яқин ерлар ўзлаштирилиб, янги пахтачилик колхоз ва совхозлари бунёд этилди.<sup>68</sup> Аммо янги аҳоли хўжаликларини жойлаштириш ва уларни уй-жой билан таъминлаш ишлари қониқарсиз ҳолатда бўлган.

«Кўчиш ва кўчириш» бошқармасининг 1951 йил республика ҳудудида аҳоли хўжаликларини кўчириш ишларига харажат маблағларини ажратиш сметаси тасдиқланиб, бунга кўра Тошкент вилоятига кўчиш ва кўчириш ишларига боғлиқ бўлган почта, телеграф, телефон, типография хизматлари учун 300 минг сўм, тиббий санитария хизматларига 21 минг сўм, маданий маиший хизматларига 11 минг сўм, кундалик сарф-харажатларига 60 минг сўм, кўчирилаётган аҳолини жўнатиш ва қабул қилиб олиш харажатларига 125 минг сўм, кредит, ёрдам пуллари ва озиқ-овқатга 155 минг сўм, жами 511,0 сўм маблағ ажратилиши белгиланган.<sup>69</sup>

Қўриқ ерларни ўзлаштиришнинг барча даврларида ҳам оилаларни уй-жой билан таъминлаш масалалари анча ёмон ҳолатда бўлган. Чунки қурилиш материалларининг йўқлиги, маҳсулотларнинг етишмаслиги қатор муаммоларни келтириб чиқарган. Буларнинг ҳаммаси шундан далолат берадики, янги ўзлаштирилган ерларга кўчирил-

---

<sup>67</sup> ЎзР. МДА. 837-ф. 33-рўйхат. 5753-иш, 8-варақ.

<sup>68</sup> ЎзР. МДА. 314-ф, 1-ёзув, 26-иш, 421-варақ.

<sup>69</sup> ЎзР. МДА. 314-ф. 7-рўйхат, 17-иш, 13-14 варақ.

ган аҳоли хўжалиklarини жойлаштириш, уларни уй-жой билан таъминлаш ишлари ҳукумат томонидан бир меъёрда олиб борилмаган. Шу сабабли янги ўзлаштирилган ерларда аҳоли хўжалиklarининг қайтиб кўчиб кетиш ҳолатлари доимо юқори бўлгани ҳолда, доимий яшаш тарзи паст кўрсаткичда бўлган. Масалан, Жиззах чўлларига

1-жадвал

**Ўзбекистонда янги ўзлаштирилган ерларга кўчирилган хўжалиklarнинг жойлашиши<sup>70</sup>**

№	Вилоятлардан кўчирилган хўжалиklar	Кўчирилган хўжалиklar сони	Кўчирилган хўжалиklarни қабул қилган вилоятлар	Қабул қилинган хўжалиklar
1	Тошкент вилояти	200	Тошкент вилояти «Далварзин» №1 с-зи.	200
2	Тошкент вилояти	200	Тошкент вилояти «Ўз ССР 5 йиллик» с-зи	200
3	Самарқанд вилояти	100	Тошкент вилояти «Боявут №1» с-зи	100
4	Самарқанд вилояти	150	Тошкент вилояти Боявут №3» с-зи	150
5	Самарқанд вилояти	300	Тошкент вилояти «Боявут» №4» с-зи	300
6	Қашқадарё вилояти	400	Тошкент вилояти «Боявут №4» с-зи	400
	<b>Жами</b>	<b>1350</b>		
7	Наманган вилояти	200	Наманган вилояти «Гулбоғ» с-зи	200
8	Андижон вилояти	250	Андижон вилояти «Савой» с-зи	250
9	Сурхондарё вилояти	200	Сурхондарё вилояти «Сурхон» с-зи	200
	Ҳаммаси	2000		2000

<sup>70</sup> ЎзР. МДА. 314-фонд. 423-рўйхат. 166-иш. 13-варақ.

1974 йилда 7815 нафар киши кўчириб келтирилган бўлса, шундан 5346 нафари турмуш даражаси ёмонлиги туфайли қайтиб кўчиб кетишга мажбур бўлганлар.<sup>71</sup> Бунинг устига қониқарсиз турмуш шароити, иссиқ иқлим уларнинг кўпчилигини қувватсизланиб қолишига олиб келган, бундай ҳолат зарур дори-дармонларнинг етишмаслиги шароитида оммавий юқумли касалликларнинг кўпайишига, баъзан эса ўлим ҳолатларининг содир бўлишига, меҳнатга лаёқатсиз аҳоли сонининг ошишига сабаб бўлган. Масалан, Самарқанд вилоятидан Сирдарё туманига кўчирилган 2683 кишидан 819 киши, Андижон вилоятидан Мирзаўл туманига кўчирилган 2112 кишидан 578 нафари, Тошкент вилояти Бўка туманига кўчирилган 1400 кишидан 302 киши, Қашқадарё вилоятдан Бекобод туманига кўчирилган 2319 кишидан 725 нафари меҳнатга лаёқатсизлиги ҳамда турли хасталиклар сабабли ишлаб чиқаришда иштирок этмаган.<sup>72</sup>

Ҳукумат томонидан республиканинг янги ўзлаштирилган бир қанча туманларига кўчириб келтирилган хўжаликларга ижтимоий ёрдам кўрсатилса-да, аммо булар қоғозларда битилган чора-тадбирларни қамраб ололмас ва аҳоли эҳтиёжини тўла қондириш имконини бермас эди. Бунинг устига Ўзбекистонда янги шаҳарлар бунёд этилганлиги, завод-фабрикалар, электростанциялар қурилиши ва уларни малакали ишчи мутахассис кадрлар билан таъминлаш мақсадида собиқ СССРнинг марказий районларидан аҳоли кўчириб келтирилди. Масалан, 1933 йилда РСФСРдан янги қурилишлар учун 3062 ишчи ходимлар келтирилган бўлса, 1935 йил – 3000, жами 1933–1938 йиллар оралиғида 650 минг ишчи ходим кўчириб келтирилган.<sup>73</sup> 1939 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатида кўра, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган руслар 727,3 минг кишини ташкил этган. Улар умумий аҳолининг 11,5%ни ташкил этиб, уларнинг 35,5% шаҳарларда истиқомат қилишган.<sup>74</sup>

---

<sup>71</sup> Болтаев А. Дружба и сотрудничество народов СССР в освоение целинных земель. 1971-1980. (На материалах освоение Джиззахской области). Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Т.: 1990. С.18.

<sup>72</sup> ЎзР. МДА. 837-ф. 33-рўйхат, 5753-иш. 98-варақ.

<sup>73</sup> Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р., Салиев А. Историко-демографическое очерки урбанизации Узбекистана. – Т.: Университет, 2002. С.88.

<sup>74</sup> Миграция населения. Сборник научных трудов. – Т.: ТашГУ, 1981. С.117.

1959 йилги Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган миллат вакиллари орасида рус миллатига мансуб кишиларнинг салмоғи ўсганлигини кўриш мумкин. Уларнинг миллий таркиб бўйича сони 1939 йилга нисбатан 1,9 фоизга ошиб, 13,4 фоизни ташкил қилган. Кўчиб келган аҳолининг аксарият қисми катта шаҳарларга келиб ўрнашган. Республикада янги саноат корхоналарининг бунёд этилиши ҳамда бу завод-корхоналарда меҳнат қиладиган ишчиларни четдан кўплаб жалб қилиш натижасида республика аҳолисининг ортиқ даражада кўпайиб кетиш ҳоллари содир бўлди. Бунга йўл қўймаслик мақсадида олиб борилган ишлар натижасиз бўлди. Аксинча, янги корхоналар учун ишчилар маҳаллий миллатлар вакилларида эмас, балки четдан келтириш натижасида шаҳар аҳолиси улар ҳисобига ортиб борди, яъни 1961–1975 йилларда қарийб 400 минг кишининг Ўзбекистонга кўчиб келганлиги қайд этилган. Ваҳоланки, Тошкент шаҳарида 200 минг ортиқча ишчи кучи бўлгани ҳолда 125 минг ишчи ҳамда мутахассислар бошқа минтақалардан жалб қилинди.<sup>75</sup>

Республиканинг бошқа шаҳарларидаги кўплаб саноат корхоналарида ҳам ишчилар сафи асосан кўчиб келувчилар ҳисобига узлуксиз тўлдириб борилди. Бошқача қилиб айтганда, ана шундай йўллар билан маҳаллий миллат кишиларидан малакали саноат ишчилари шакллантирилмади. Бундай ҳамкорлик оқибатида ва кўплаб кўчиб келувчилар сабабли бир томондан Ўзбекистонда миллий ишчи кадрлар тайёрланмаган бўлса, иккинчи томондан ушбу йилларда мамлакатда бошқа миллат вакиллариининг салмоғи ошиб кетишига сабаб бўлди. Россия, Украина давлатлари қатори Шимолий Кавказ ва Кавказ ортида яшовчи бир қатор миллат ва элат вакиллари салмоғи ҳам ушбу йилларда кескин орта борган. Бунинг сабаби маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ўзлаштириш имкони мавжудлиги ва кооператив ишлаб чиқариш шакли ривожланганлигидир. Кавказорти, Шимолий Кавказ, Россия, Украинадан кўчиб келганлар, асосан, Ўзбекистоннинг муайян туманларида муқим ўрнашиб қолганлар.<sup>76</sup>

---

<sup>75</sup> Максакова Л.П. Миграция населения Республики Узбекистан. – Т.: изд. Элдинур, 2000. С. 23.

<sup>76</sup> Миллатлараро муносабатлар маданияти ва байналмилал дунёқараш. Ўқув қўлланма – Т.: Ўзбекистон, 1993. 48-бет.

Бошқа миллатларнинг ҳудудлараро бўлиниши ҳам ўзига хос хусусиятга эгадир. Масалан, қozoқлар асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Бухоро вилоятларига тарқалган бўлса, тожиклар Самарқанд, Сурхондарё, Наманган, Фарғона вилоятларига, қирғизлар Андижон, Фарғона ва Жиззах вилоятларига жойлашган. Руслар энг аввало шаҳар жойларда ва айниқса, Тошкент ва Тошкент вилоятида истиқомат қилишган. Бухоро, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида ҳам уларнинг сони сезиларли даражада катта бўлган. Республикада яшовчи татарларнинг деярли ярмиси Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига туғри келган (улар айниқса Чирчиқ, Янгийўл шаҳарларида кўпчиликни ташкил этар эдилар), яҳудийларнинг аксарияти пойтахтда яшар эдилар. Марказий Осиё ва Бухоро яҳудийларининг эса бу ерда 30 фоизга яқини истиқомат қилар эдилар.<sup>77</sup> Бундай айрим миллат ва элатларнинг республика ҳудудида жойлашувининг ўзига хос жуғрофий хусусиятларини ҳисобга олиш миллий маънавий қадриятларни тиклаш ва сақлаб қолиш борасидаги вазифаларни миллий маданий марказлар фаолияти ва республика раҳбариятининг ижобий ёндашувини тадқиқ этиш ва уларга илмий ёндашган ҳолда ўрганиш ҳозирги миллатлараро вазиятни яхшилаш борасида, шунингдек ўқув таълим тармоғини тегишли тилда олиб бориш катта аҳамиятга эгадир.

1966 йил Тошкент шаҳрида содир бўлган zilзила натижасида ҳам Ўзбекистоннинг собиқ иттифоқдош республикалар билан миграцион алоқалари янада тезлашди. Тошкент шаҳрининг аҳолиси миграция алоқалари туфайли 9 йил мобайнида (1951–59 йиллар) 96,2 минг кишига кўпайган бўлса, 1966–69 йилларда эса бу жараннинг камайганлигини кўришимиз мумкин. Бундай табиий офат натижасида кўплаб бошпанасиз қолган Тошкент шаҳри аҳолиси собиқ иттифоқнинг бир қанча республикаларига кўчирилди. 1966 йил 14 майда zilзиладан талофат кўрган 75 мингдан кўпроқ оилани эвакуация қилиш учун махсус комиссия ташкил қилинди.<sup>78</sup> Ташкил этилган махсус комиссияларнинг фаолиятига кўра Тош-

---

<sup>77</sup> Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари. – Т.: Университет, 1992. 14-бет.

<sup>78</sup> ЎзР. МДА. 2515-ф, 1-рўйхат, 484-иш, 72-варақ.

кент шахри аҳолиси РСФСР, Ўзбекистон вилоятларига, Қозоғистон ҳамда Ўрта Осиё республикаларига кўчирилди.<sup>79</sup> Ҳукумат раҳбарларининг Тошкент шаҳрида зилзиладан талофат кўрган аҳолини собиқ Иттифоқ ҳудудларига кўчириш ишларининг бо-риши тўғрисидаги 1967 йил 1 мартдаги маълумотига кўра, РСФСР га – 980 нафар, Украина ССР га–1377, Белоруссия ССРга–538, Литва ССРга–199 та оила кўчирилган бўлса, Ўрта Осиё ре-спубликаларидан Қозоғистон ССРга–72, Қирғизистон ССРга–123, жумладан Ўзбекистоннинг турли вилоятларига 770 та оила, жами 5465 оилани собиқ иттифоқнинг республикалари ҳудудларига кўчирилган эди.<sup>80</sup> Шунингдек, зилзила натижасида вайрон бўлган ерларни тиклаш мақсадида собиқ иттифоқнинг турли минтақа-ларидан қурувчилар, архитекторлар ва бошқа кўплаб мутахас-сислар келди. Бу каби миграцион жараёнлардаги алмашинувлар натижасида Ўзбекистон шаҳарларига кўчиб келган аҳолининг кат-та қисмини руслар, кейинги ўринда украинлар ва белоруслар ташкил этган.<sup>81</sup> Уларнинг кўпчилиги кейинчалик доимий исти-қомат қилиб қолишди.

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, миграцион жараёнлар натижасида 1968–1979 йилларда аҳолининг миллий таркибидаги ўзгаришлар қуйидаги миллат вакиллари ҳисо-бига анча ўзгарган. Аҳолининг миллий таркибида ўзбеклар сал-моғи 4 мартага, яъни 15,6 фоиздан 42,0 фоизга, қирғизлар 3,8 мар-та, тожиклар 3,2 марта ортган. Баъзи миллат вакилларининг сал-моғи эса пасайган. Масалан, руслар 53,0 фоиздан 31,3 фоизга ка-майган.<sup>82</sup>

1970 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати яқунларига кўра, ўзбек, то-жик ва қорақалпоқлар нисбатан «ўтроқ» ҳаёт кечирувчи халқ жумла-сига киритилган, чунки уларда миграцияга мойиллик нисбатан кам-

---

<sup>79</sup> Муллажонов И.Р. Ўзбекистон аҳолисининг миграцион алоқалари. – Т.: Ўзбекистон КПМК бирлашган нашр, 1967. 28-бет.

<sup>80</sup> ЎЗР. МДА. 2515-ф, 1-рўйхат, 1-иш, 69-варақ.

<sup>81</sup> Максакова Л.П. Миграция населения Республики Узбекистан. – Т.: Изд. дом. «Элдинур», 2000. С.25.

<sup>82</sup> Ўша манба. С. 24.



роқдир. Масалан, 1968–1969 йилларда Ўзбекистонда яшаш жойларини ўзгартирган у ёки бу миллатга мансуб аҳоли орасида руслар

2-жадвал

**Ўзбекистон шаҳарларига кўчириб келтирилган аҳолининг миллий таркибидаги ўзгаришлар (1968–1979 йиллар, фоиз ҳисобида)<sup>83</sup>**

Миллат вакиллари	1968	1975	1979
Руслар	53,0	44,3	31,3
Украинлар	6,1	4,4	3,3
Белоруслар	1,1	0,8	0,6
Ўзбеклар	15,6	20,6	42,0
Қозоқлар	3,0	3,0	4,7
Қирғизлар	0,3	0,6	0,8
Тожиклар	1,1	1,3	2,3
Туркманлар	0,5	0,4	10,5
Бошқа миллат вакиллари	19,3	24,6	14,5
Жами:	100,0	100,0	100,0

6.7, литваликлар 6.0, эстонлар 5.8, белоруслар 5.4, латишлар 5.1, украинлар 5.0, қозоқлар 4.6, молдаванлар 3.1, қирғизлар 2.5, тожиклар 2.2, арманлар 1.9, грузинлар 1.7, ўзбек, қорақалпоқ ва турклар 1.4, озарбайжонлар 1.3 фоизни ташкил этганлар.<sup>84</sup>

Иқтисодий ривожланиш жиҳатидан истиқболга эга бўлган туманлар ёки шаҳарлар айна пайтда аҳоли миграцияси содир бўладиган асосий манзил ҳисобланади. Чунки аҳоли миграцияси бир томондан мажбурий ҳолда амалга оширилса, иккинчи томондан у ёки бу жой-

<sup>83</sup> Максакова Л.П. Миграция населения Республики Узбекистан. – Т.: Изд. дом. «Элдинур», 2000. С. 24.

<sup>84</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР в 1971 году. Статистический ежегодник. – Т.: Узбекистан, 1972. С.142.

ларда саноат тармоқларининг ривожланишига ёки корхоналар ва ишлаб чиқариш объектлари қурилишига, фан, санъат, маданият ҳамда ўқув юртларининг ривожланиш даражасига, жойлардаги иқлим ва турмуш шароитига ва ниҳоят моддий манфаатдорлик принциплари-га ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

XX аср 70–80-йиллар оралиғидаги меҳнат ресурслари билан таъминланиш даражаси юқори бўлган Ўзбекистон шароитида турли хил чақириқлар, ишчилар ва мутахассисларни уюштириш йўли билан тўплаш ва қишлоқ хўжалигидаги аҳолини бошқа жойларга кўчириш сингари меҳнат ресурсларини қайта тақсимлаш усулларининг роли ошиб борди. Бундай усулларнинг объектив зарурлиги республика ҳудудида аҳоли жойлашувининг нотекислиги, шунингдек, бошқа минтақалардаги табиий ресурсларнинг ўзлаштирилишида Ўзбекистон аҳолиси иштирокининг ўсиб бораётганлиги, ишчи кучини ҳудудлар бўйича қайта тақсимлашни шунга яраша кучайтиришни талаб қилар эди. Қурилиш ташкилотлари ташкилий равишда ишчиларни ёллаши, жамоатчилик асосида ёшларни чақириш, оилаларни янги ерларни ўзлаштириш мақсадида кўчириш йўли билан ҳар йили республиканинг минг-минглаб вакиллари РСФСРнинг ноқоратупроқ, Фарбий Сибирь, Узоқ Шарқдаги турли қурилиш объекти ва жамоа хўжаликларига жўнатилад эди. СССР Министрлар Совети ва КПСС МҚнинг 1974 йил 20 мартдаги «РСФСРнинг ноқоратупроқ ерларидаги қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорида «Иккинчи қўриқ» деб номланган ноқоратупроқ ерларини ўзлаштириш ишлари иттифоқ таркибидаги барча республикалар ҳамкорлигида амалга оширилиши лозим бўлган вазифа деб белгиланган эди.<sup>85</sup>

Ўзбекистон Республикасининг сув хўжалиги ташкилотлари ҳам Россия Федерациясининг Иваново, Новгород, Владимир вилоятларини оталиққа олдилар. 1975–80 йилларда ўзбекистонлик ишчилар 225 млн. сўм ҳажмидаги ишларни бажардилар.<sup>86</sup> 23 минг гектар ер мелиорацияланди ва экин оборотига киритилди, 60 минг квадрат метр уй-жой қурилди.<sup>87</sup> Ўзбекистон халқи мудҳиш Чернобил (1986 йил

---

<sup>85</sup> Тураев Ҳ. Содиқ ва ишончи // Фан ва турмуш. 1984. №8. 3-бет.

<sup>86</sup> Ўша манба. 3-бет.

<sup>87</sup> Совет Ўзбекистони. 1980 йил, 20август.

апрел) фожиаси кунларида украин қардошларини қўллаб-қувватлади. Минглаб ўзбекистонликлар ҳалокат оқибатларини тугатишда украинлар билан елкама-елка туриб меҳнат қилдилар.<sup>88</sup>

Бундай ҳолат эса айниқса, меҳнатга лаёқатли аҳоли ўртасида миграцион жараёнларнинг авж олишига сабаб бўлган. 1971–1976 йилларда 15 ёшгача бўлган аҳоли ўртасида кўчиш 10,4 фоиз, 55-60 ёшгача 8,1 фоизни ташкил этган бўлса, меҳнатга лаёқатли аҳоли ўртасида, яъни 16-54 ёшгача 81,5 фоизни ташкил қилган.<sup>89</sup>

1980 йилнинг бошларига келиб, Ўрта Осиё республикаларидан жумладан, Ўзбекистондан аҳолининг режали тарзда кўчирилиш ҳажми ортди. Россия, Қозоғистон, Украина ва Белоруссиядаги қурилиш ва саноат объектларига Ўзбекистондан ташкилий йўл билан ишчи ва қишлоқ хўжалик ходимларининг кўплаб оилалари кўчирилди. Ўзбекистон ССР Давлат Меҳнат Қўмитаси маълумотларига кўра, 80-йилларнинг ўрталарида 11 минг ишчи сафарбар этилган, бу 1981 йилдагидан 2,7 марта ортиқ эди. Ундан кейинги йилда эса 5613 та оила кўчирилди, уларнинг асосий қисми руслар ва татарлардан иборат эди. Ташкилий кўчишларда ўзбек миллатига мансуб аҳоли анчагина фаол иштирок эта бошладилар.<sup>90</sup>

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги бўйича оилаларни кўчириш ва ишчиларни уюштирган тартибда қабул қилишни республика Меҳнат қўмитаси ва унинг жойлардаги ташкилотлари томонидан амалга оширилар эди.

1985 йилда бу ташкилотлар орқали Ўзбекистондан 5,7 мингдан зиёд киши бошқа республикаларга ишга йўлланди. Бу кўрсаткич 1981 йилдагига қараганда, деярли 40 фоиз кўпдир. Умуман 1981–1985 йилларда 25 мингга яқин ишчи республикадан ташқарига ишга юборилди, қишлоқ хўжалигида оилаларнинг республикалараро кўчиши эса

---

<sup>88</sup> Украина-Ўзбекистон: ишончли шериклик ва самимий дўстлик (муносабатларнинг тарихий жиҳатлари). Мақола Украинанинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси томонидан лутфан тақдим этилган // «Мозийдан садо». 2003. №4. 52-бет.

<sup>89</sup> Мулладжанов И.Р. Демографические развитие Узбекской ССР. – Т.: Узбекистан, 1983. С. 116.

<sup>90</sup> Юнусова Х. Ўзбекистонда совет давлатининг миллий сиёсати ва унинг оқибатлари (XX аср 80-йиллари мисолида) – Т.: Зарқалам, 2005. 32-бет.

қарийб 3 барабар кўпайди.<sup>91</sup> Табиийки, бундай жараён республиканинг ичкарасида ҳам содир бўлган. Қишлоқ аҳолиси ҳисобига ҳам шаҳарларда яшовчи аҳолининг ўсиб бориш анъаналари давом этди.

Қишлоқларда яшаш шароитларининг шаҳарга нисбатан ноқулайлиги, ишсизлик, ижтимоий-иқтисодий, маданий қолоқлиги ёшларнинг шаҳарга келишга мажбур қиладиган сабабларга айланди. Масалан, 1970 йилда шаҳар аҳолиси 4322 минг кишидан иборат бўлиб, бутун республика аҳолисининг 36,6 фоизини ташкил этган бўлса, 1986 йилда эса 7443 мингга етди.<sup>92</sup>

Янги ўзлаштирилган туманларга ҳам аҳоли хўжаликларининг оммавий кўчириш натижасида бу ерларда қишлоқ аҳолиси сони ҳам етарли даражада ошганлигини кўриш мумкин. 1970 йилларга келиб Жиззах вилояти аҳолиси 4,4 марта, Қашқадарёда 2,6, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида 1,7 марта қишлоқ аҳолиси сони ортган.<sup>93</sup>

Юқоридагилардан кўринадики, Ўзбекистонда аҳолининг табиий ўсишдан ташқари, миграциянинг ҳам маълум даражада роли ва ўрни бўлиши билан бирга, айрим йилларда миграция умумий аҳоли сонининг 10 фоизгача ўсишини таъминлади.<sup>94</sup>

Тадқиқ этилаётган йилларда янги шаҳарларнинг вужудга келиши, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши натижасида Ўзбекистонга бошқа минтақалардан, жумладан Россия, Украина, Белоруссия ва Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларидан кўчиб келган аҳоли салмоқли ўринда бўлган.<sup>95</sup>

Ўзбекистонда республикалараро миграция жараёнларининг ривожланиши натижасида республика аҳолисининг таркиби борган сари

---

<sup>91</sup> Юнусова Х. Ўзбекистонда совет давлатининг миллий сиёсати ва унинг оқибатлари (XX аср 80-йиллари мисолида) – Т.: Зарқалам, 2005. 64-бет.

<sup>92</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г. Статистический ежегодник – Т.: Узбекистан, 1991.- С. 14.

<sup>93</sup> Максакова Л.П. Миграция населения Республики Узбекистан. – Т.: Изд. дом. «Элдинур», 2000. С.19.

<sup>94</sup> Абдурахмонов.К. Управление трудовым потенциалом региона. – Т.: Узбекистан, 1990. С.55.

<sup>95</sup> Бобожонова Д. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари (70-80 йиллар ўрталари) тарих.фан.док.илм.дар.олиш у-н.ёз-ган. дисс. – Т.: 1997. 188-бет.

кўп миллатли бўлиб борди. Республикада 1989 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, ўзбеклар сони 16 697 762 кишини ташкил қилган. 1959–1989 йилларда ўзбеклар сони 3 мартага ошган ва республикада аҳолисининг 71,4 фоизини ташкил этган. Шунингдек, республикада руслар сони ва салмоғи жиҳатдан етакчи ўринларда турган. Уларнинг умумий сони 1959 йили 1 042 462 кишидан 1989 йилдан 1 653 478 кишига етди.<sup>96</sup>

1966 йилги Тошкент zilzilасидан сўнг шаҳарнинг қайта барпо бўлиши, шунингдек ушбу йилларда республикада кўплаб саноат марказлари барпо этилиши, шу муносабат билан Ўзбекистонга кўплаб рус ва бошқа европалик миллат вакилларининг жалб қилинганлиги ўзига хос ҳолат бўлди. Шунингдек, Ўзбекистонда ушбу миллат вакилларининг жуғрофий жойлашишига назар ташланса, ўзбеклар қишлоқларда кўпроқ, саноат марказларида камроқ жойлашди. Улар жами аҳолининг Тошкент шаҳрида 44,2%, Қорақалпоғистон АССРда 32,8%, Тошкент вилоятида 50,2% ташкил қилган.

Қолган вилоятларда эса аҳолининг асосий қисмини ўзбеклар ташкил этган: Самарқандда 77,3%, Фарғонада 81,0%, Андижонда 87,5%, Қашқадарёда 87,7%, Наманганда 85,1%, Бухорода 75,6%, Сурхондарёда 62,0%. Руслар асосан шаҳарларда, саноат марказларида яшаганлар. Масалан, жами русларнинг 42,4 фоизи Тошкент шаҳрида, 19 фоизи Тошкент вилоятида, 8,1 фоизи Бухоро вилоятида, 6,9 фоизи Самарқанд шаҳрида, 7,5 фоизи Фарғона вилоятида, 16,1 фоизи қолган вилоятлардаги шаҳарларда истиқомат қилишган.<sup>97</sup> Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда турли миллат ва халқларнинг жуғрофий жойлашиши бир текис эмас. Бунинг сабаби биринчидан, миллатларнинг тарихий ривожланиши бўлса, иккинчидан республикада, айниқса, ушбу йилларда саноат, завод-корхоналарнинг кўплаб бунёд этилиши ҳамда ушбу корхоналарда меҳнат қилувчи кўплаб ишчи ходимларнинг четдан (айниқса Россиядан) жалб қилинишидир.

Жумладан, Ўзбекистон ва Ўрта Осиё олимлари Сибирь ва Узоқ Шарқ районларидан Ўрта Осиё республикалари, шунингдек, Ўзбе-

---

<sup>96</sup> Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари – Т.: Университет, 1992. 14-бет.

<sup>97</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г. Статистический ежегодник. – Т.: Узбекистан, 1991. С. 160.

кистонга ҳам меҳнат ресурслари кейинги йилларда кўплаб олиб келинганлигини таъкидлаб, бундан буён иш ўринларини фақат туб аҳоли ҳисобига тўлдириш, ташқи миграцияни тўхтатиш ёки камай-тиришни таклиф қилган эдилар. Бироқ бундай таклифлар рад этилди ва шундай кўпол ёндошувларга йўл қўйилдики, қишлоқдан иш сўраб келган маҳаллий аҳолини саноат корхоналарига малакасизлиги, кўп болалилиги рўкач қилиниб, ишга қабул қилинмайдиган бўлди.<sup>98</sup> Аини пайтда, четдан келувчиларни иш билан таъминлаш биринчи галдаги вазифага айланди. Жумладан, 1971 йил Тошкент тўқимачилик комбинатига четдан келиб ишловчилар учун 2 та кўп қаватли турар жой биноси қурилиб, бу биноларга биринчи навбатда бошқа минтақалардан қисқа муддатга ишга таклиф этилган 250 нафар ишчи кўчиб кирди.<sup>99</sup> Бу ишчилар Тошкент вилояти партия қўмитасининг илтимосига кўра, СССР енгил саноат вазирлиги томонидан бир йил муддатга юборилган. Бундай махсус турар жой бинолари 1981–1985 йилларда ҳам қурилди. Республикага четдан ишчи кучларининг келтирилишига саноат корхоналарида малакали ишчилар етишмаслиги сабаб қилиб кўрсатилган. Аини пайтда, Россиянинг бир қанча вилоятларига, жумладан Иваново шаҳридаги саноат корхоналарида ишчи кучи етишмаслигидан Тошкент вилоятидан 400 нафар ёш ишчилар юборилди. Демак, у ерларда ҳам ишчи кучи танқис бўлиб турган бир пайтда республикага минглаб ишчи келтирилишида ҳеч қандай мантиқ йўқ эди. Республикада малакали ишчи кадрлар маҳаллий аҳоли орасидан тайёрланмасдан, четдан тайёр кадрлар келтиришни афзал деб билган маҳаллий мутасадди раҳбарлар улар учун барча шарт-шароит ва имкониятларни яратиб бердилар. Ўз навбатида, маҳаллий аҳолининг бундай ҳуқуқ ва имкониятлари чекланган эди.

Совет давлатининг халқларни кўчириш сиёсати, табиийки, мазкур тузумнинг зўравонлиги орқали амалга оширилди. Оқибатда, маълум бир халқлар турди сабаб ва баҳоналар билан ўз она юртидан бадарға қилинган. Ушбу халқлар ўз она ватанларига қайтиш учун кўплаб тўсиқларга дуч келишган.

---

<sup>98</sup> Бобожонова Д. Ўзбекистондаги демографик жараёнлар ва уларнинг хусусиятлари. – Т.: Фан, 1995. 28-бет.

<sup>99</sup> Ўша манба. 29-бет.

### 1.3. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлардаги зиддиятларнинг миграцион жараёнларга таъсири

Ўзбекистонда азалдан турли миллат вакиллари яшаб келгани боис, улар ўртасидаги тотувлик, ҳамжиҳатлик ўзининг қадимий илдизларига эга. Бағрикенглик, ҳамдardлик, ҳамнафаслик каби ўзбек халқига хос хислатлар авлод-аждождлардан мерос бўлиб қолган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бу хусусда шундай деган эди: «Миллатлараро муносабатларда уйғунлик бўлмаслиги... нафақат айрим давлатларнинг, балки бутун-бутун минтақаларнинг ҳам ички сиёсий барқарорлиги ва миллий хавфсизлигига путур етказувчи бош омилга айланган».<sup>100</sup> Маълумки, етмиш йилдан ортиқроқ ҳукмронлик қилган собиқ совет давлатининг миллий сиёсати кўп миллатли бирликни вужудга келтириш ниқоби остида адолатсизлик ва зўравонлик билан узвий боғлиқ бўлган. Совет давлатида амалга оширилган миллий сиёсат республикадаги демографик вазиятнинг кескинлашувига ҳам сабаб бўлди. «Коммунизм даврида барча халқлар қўшилиб кетади», деган сохта шиорни мутлоқ ҳақиқатга айлантириб олган сиёсий маъмурият фаолиятида, миллий масалада шовинизм сиёсати яққол намоён бўлди.

Совет давлатида миллий масала ҳал этилди, халқлар «ягона оилага» бирлашгани ҳақида бонг уриб келинган бўлса-да, аслида мақсад собиқ иттифоқдош республикаларни иқтисодий жиҳатдан бир-бирига боғлиқ қилиб қўйиш, шу орқали бошқарувни тўлиқ қўлга олишдан иборат бўлган.<sup>101</sup> Аслида, собиқ совет давлатининг бутун тарихи давомида мамлакатда миллий масалада барқарорлик бўлмаган. Юқоридаги шиорни байроқ қилиб кўтарган совет давлати ҳукумати ва коммунистик партия вакиллари 70 йилдан ортиқроқ вақт давомида муттасил шовинистик сиёсатни амалга ошириб келдилар. 70-80-йилларга келиб миллий сиёсатнинг бошқа жиҳатлари кўзга ташланди. Ана шундай вақтда мамлакатдаги инқирозий жараёнлар миллий тус ола бошлади. Айниқса, 80-йиллардан эълон қилинган «қайта

---

<sup>100</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998 йил, 171-бет.

<sup>101</sup> Қаранг: Юнусова Х. Ўзбекистонда совет давлатининг миллий сиёсати ва унинг оқибатлари. – Т.: Зарқалам, 2005. 7-бет.

қуриш» жамият ҳаётини янгилаш, демократлаштиришга қаратилган «ошкоралик» жиддий ўзгаришларга сабаб бўлди. «Қайта қуриш» сиёсати дастлаб иқтисодий муаммолар ечимини топишга қаратилган бўлиб, унинг доирасига миллий масалага оид муаммолар киритилмади. Натижада, жамият ҳаётига кириб бораётган «ошкоралик»дан фойдаланган халқлар ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш жараёнини бошлаб юбордилар. Халқлар орасида миллий тилга нисбатан муносабат кучайиб, миллий ҳаракатлар авж олди. 1984–1989 йиллардаги мудҳиш қора кунларга баҳо бериб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов шундай фикрни билдирди: «Ўша даврда республикамызда юзага келган оғир ижтимоий аҳвол сабабли аҳолининг кучайиб бораётган норозилигининг олдини олиш ва тўхтатиш учун КПСС марказий комитети қарори билан Ўзбекистонга юборилган, халқ жуда топиб, «десантчилар» деб атаган гуруҳ томонидан содир этилган қонунсизлик ва зўравонликни кўпчилик яхши эслайди. Бу ҳақда гапирганда Қувасой, Фарғона ва Қўқон, Наманган, Бўка ва Паркент, Гулистон, Тошкент ва Ўшда рўй берган фожиали воқеалар одамларимиз қалбида қолдирган битмас жароҳатларни эслашимиз лозим...».<sup>102</sup>

Мамлакатдаги жиддий ўзгаришлар чиқишларга, миллий манфаатларни ҳимоя этиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатларга айланиб кетди, қолаверса, бу чиқишларда республикалар билан марказ ўртасида турли даражадаги миллий давлатчилик шакллари автоном республикаларни иттифоқдош республикаларга айлантириш учун сепаратчилик ҳаракатлари ҳам кучайиб кетди. Шундай тўқнашувлар Олма Ота, Ўш, Фарғона, Тоғли Қорабоғ, Тбилиси ҳамда Молдавия давлатларида бўлиб ўтди.

Ўзбекистонда, жумладан, Фарғона, Андижон, Тошкент вилоятларида бўлиб ўтган можаролар ҳам республикадаги сиёсий вазиятнинг кескинлашишига ва миграцион жараёнларга таъсир этди.<sup>103</sup>

---

<sup>102</sup> Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси. –Халқ сўзи, 2007, 31 август.

<sup>103</sup> Исоқов Б. Ўзбекистондаги демографик жараёнлар ва миграцион вазият. // Жамият ва бошқарув. 2003 йил 4-сон, 18-бет.



Бутун собиқ СССРда юзага келган вазиятни сиёсий дастур воситаси билан ҳал этиш ўша йиллари марказий раҳбарият томонидан кун тартибига қўйилди. 1989 йил СССР халқ депутатларининг I съезидан сўнг ҳокимиятнинг янги иттифоқ – республика маҳаллий органлар тузилиши миллий масалани қайта қуришнинг таркибий қисми сифатида белгилаб олиш заруриятини юзага келтирган эди. Натижада, КПСС МКнинг 1989 йил 20 сентябр пленумида «Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати» (КПССнинг ҳаракат дастури) қабул қилинди. Мазкур дастурда ҳам турли сабабларга кўра миллатлараро заминда юзага келаётган можароларга алоҳида эътибор билан ёндошувни<sup>104</sup> тақозо этиши таъкидлаб ўтилди ва миллий сиёсатнинг мамлакатда ҳар бир халқнинг ўзига хос манфаатларини қондириш, миллий тиллар ва маданиятларнинг эркин ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, фуқароларнинг ҳуқуқларини, уларнинг миллатига қараб камситишни истисно этадиган кафолатларни мустаҳкамлаш, ҳар бир халқнинг тарихий анъаналарини ва миллий ўзига хослигини ўзаро ҳурмат қилишни қарор топтириш каби йўналишлари бажарилиши лозим бўлган муҳим вазифалар қаторига киритилди.

Бироқ бу вазифаларнинг миллий манфаатларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар анча жонланиб, миллий ривожланиш йўллари белгилаб олган республикалар, халқлар ўртасида амалга оширишнинг имкони кам эди.

Таъкидлаш жоизки, миллат тушунчаси, миллий масала муаммосига назарий-услубий аснода ёндошиш зарур. Миллий масалани ҳал этиш учун танланган йўл тўғри бўлиши керак, акс ҳолда бунда йўл қўйилган хато миллионлаб кишилар тақдирида асоратли из қолдириши мумкин. Бунга табиий-объектив сабабларга кўра тарқалиб кетган совет иттифоқи мисол бўла олади. Унинг парчаланиши кўп миллионлаб кишиларнинг кўчиб кетиши ва кўчиб келиши жараёнига таъсир этди ва аҳолининг ўзаро нисбатини ўзгартириб юборди.<sup>105</sup> Масалан, рус ва бошқа миллатга мансуб аҳолининг собиқ иттифоқдош республикалардан Россияга кўчиб кетиши жараёнлари кучайди. Кейинги йиллардаги

---

<sup>104</sup> Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати (КПССнинг ҳаракат дастури) // Совет Ўзбекистони, 1989, 24 сентябр.

<sup>105</sup> Совет Ўзбекистони. 1989, 24 сентябр.

тадқиқотлардан маълум бўлишича, бундай ҳолатлар Қрим, Эстония, Латвияда яққол кўзга ташланган.<sup>106</sup> Айни пайтда, шу йиллардаги жараёнлар миллатлараро муносабатлар ва миграция жараёнларига таъсир этди. Ўзбекистондан эса аҳолининг кўп миқдорда кўчиб кетиши 1989–90 йилларда нисбатан янада кучайди. Ана шу икки йил давомида 350 мингдан ортиқ киши республикадан кўчиб кетди. Ташқи миграция ҳажмининг асосий қисмини европалик халқлар – руслар, татарлар, яҳудийлар ва қрим татарлари ташкил этди. 1990 йилда мазкур миллат вакиллари республика ҳудудидан кўчиб кетганларнинг деярли 60 фоизига тўғри келди.<sup>107</sup> Хусусан, 1988–1991 йиллардаги кескинлик, кўп ҳолларда рус миллатига қарши кайфият асносида юз берди. 1991 йилнинг охиридан бошлаб, 25 миллион руслар собиқ иттифоқдаги республикалардан ўз ватанларига кўчиб кетишди.<sup>108</sup>

Бу жараёнларни 1981–1990 йиллардаги Россиянинг Ўрта Осиё республикалари билан миграцион алоқалар маълумотлари асосида ҳам кўриш мумкин.

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўрта Осиё республикаларида миграцион алоқалар, айниқса, 1986–1990 йилларда энг юқори даражага чиққан.

3-жадвал

### Ўрта Осиё республикаларидан Россия Федерациясига кўчган аҳоли сони (минг киши ҳисобида)<sup>109</sup>

Республикалар	Йиллар			Ҳамма аҳолига нисбатан – фоиз ҳисобида	Жами
	1981–1985	1986–1990	1991–1994		
Қозоғистон	403	482	840	11,0	1725
Ўзбекистон	205	479	364	6,0	1048

<sup>106</sup> Яковлев И.Г. Союз, содружества, Россия ... межэтнические отношения в постсоветском пространстве в 1990-е годы: проблемы анализа и оценки риска при принятии решений – М.: 1990. С.103.

<sup>107</sup> Ата-Мирзаев О. Ўзбекистон аҳолиси: демографик вазият ва сиёсат. // Иқтисод ва ҳисобот. 1996 йил 8-сон. 34-бет.

<sup>108</sup> Мусаев О. Барқарор мустақиллик таянчи // Фан ва турмуш. 1998. 29 бет.

<sup>109</sup> Alikhan Aman-Ulu. Population in Uzbekistan UNHCR. – Tashkent, 2000. – P.89.

Қирғизистон	76	106	285	4,0	467
Тожикистон	46	113	166	3,0	325
Туркменистон	42	39	20	2,0	101

1989 йил аҳоли рўйхати маълумотига қўра, Ўзбекистонда 1653 минг руслар истиқомат қилишган.<sup>110</sup> 1989–1999 йиллар оралиғида 729.900 руслар Ўзбекистондан Россияга кўчиб кетган бўлса, 197.981 киши кўчиб келган. Миграция сальдоси (қолдиғи) – 531 919 кишини ташкил қилган. Кўчиб кетганлардан руслар 350 минг, татарлар 70 минг, украинлар 10 минг, озарбайжонлар 14 минг, корейслар 10 минг, немислар 5 минг, шунингдек арман, яҳудий ва ҳоказо миллатларга мансуб аҳолидан иборат бўлган.<sup>111</sup>

Ушбу йилларда масалан: Украинага 187615 киши кўчиб кетган бўлса, 32743 киши кўчиб келган (миграция сальдоси–154872), Белоруссияга 12314 киши кўчиб кетган, 5789 киши кўчиб келган (миграция сальдоси–6525).<sup>112</sup>

Бу даврга келиб шаҳар аҳолиси салмоғида руслар ва бошқа Европа миллатига мансуб аҳоли сонининг камайганлигини кўриш мумкин. 1959 йили ўзбеклар шаҳар аҳолисининг 34,4%, руслар 42,5%, татарлар 7,0%, яҳудийлар 5,2% ни ташкил этган бўлса, 1989 йилга келиб энди ўзбеклар шаҳар аҳолисининг 44,2%, руслар 34,0%, татарлар 6,3%, яҳудийлар 21% ни ташкил қилган.<sup>113</sup>

Маълумки, аҳолининг бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга кўчиб ўтиш тенденцияси табиий жараён ҳисобланади. Ўзбекистонда бу соҳада ҳеч қандай чеклашлар ёки бошқа чоралар амалга оширилмасда, 1980 йилнинг охирида баъзи марказдаги оммавий ахборот воситалари ходимлари, хусусан матбуотчилар, мухбирлар Ўрта Осиёда, айниқса Ўзбекистонда «русийзабон аҳолига» турли тазйиқлар ўтка-

<sup>110</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г. Статистический ежегодник. – Т.: Узбекистан, 1991. С.55.

<sup>111</sup> Alikhan Aman-Ulu. Population migration in Uzbekistan UNHCR. – Tashkent, 2000. – P.90.

<sup>112</sup> Ўша манба. P.91.

<sup>113</sup> Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р., Салиев А., Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. – Т.: Университет, 2002. С.106.

зилаётир, шунинг учун ҳам улар бу ҳудудлардан кўчиб кетаётирлар, деб жар сола бошладилар. Масалан, бундай руҳдаги мақолалар «Труд» ва «Комсомольская правда» газеталарида чоп этилди.<sup>114</sup> Оммавий ахборот воситаларида «Бугунги кунда Ўзбекистон учун аҳоли кўчиши характерлидир», деган овозалар кўплаб учради. Хусусан, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши муносабати билан чидаб бўлмайдиган шароит вужудга келганлиги туфайли Ўзбекистонни тарк этмоқдалар,<sup>115</sup> дейишди. Айни пайтда, бундай ҳолатлар фақат рус миллатига эмас, ўша йилларда бошқа миллат вакилларига ҳам тегишли эди. Бунда Фарғонадаги фожиавий воқеаларнинг таъсири ва бир вақтлар қатағон қилиниб, бу ерга мажбуран кўчирилган халқларнинг тарихий ватанига қайтиш истагидаги ҳаракатлари яққол кўзга ташланган эди.<sup>116</sup>

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 80–йилларга келиб миллий маданий қадриятларни қайта тиклашга эътибор қаратилиб, турли миллат вакилларининг она ватанларига қайтиш ҳаракатлари кучайса-да, Ўзбекистон раҳбарияти оммавий ахборот воситаларида, турли нашриётларда, таълим соҳасида рус тилидан фойдаланиш имкониятини яратиб, турли миллат вакилларининг миллий манфаатларини ўйлаган ҳолда сиёсат юритди. Масалан, Гофур Гулом нашриётида 1989 йилда рус тилида 27 номда бадиий адабиёт чоп этилиб, ҳажми 462 босма тобоқни, тиражи салкам 2 млн. нусхани ташкил қилган. «Ўқитувчи» нашриётида эса йилига салкам 4 минг босма тобоқ китоб босиб чиқарилган. Шундан рус тилидаги нашр ҳажми 1200 босма тобоқни ёки 30% ни ташкил қилган.<sup>117</sup> Шунингдек, 1989 йилда Ўзбекистонда 259 та мактаб тожик тилида, 491 та мактаб қozoқ тилида, 52 та мактаб туркман тилида, 40 та мактаб қирғиз тилида, 12 та мактаб грек тилида, 7 та синфда

---

<sup>114</sup> Комсомольская правда; 1990 йил, 2 сентябр.

<sup>115</sup> Миллатлараро муносабатларни такомиллаштирайлик, халқлар дўстлигини мустаҳкамлайлик // Инсон ва сиёсат, № 1, 1991. 3-бет.

<sup>116</sup> Миллатлараро муносабатларни такомиллаштирайлик, халқлар дўстлигини мустаҳкамлайлик // Инсон ва сиёсат, № 1, 1991. 44-бет.

<sup>117</sup> Ўша асар.

корейс тилида таълим берилди. Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Сирдарё, Сурхондарё вилоятларида ҳар ҳафтада тожик ва қозоқ тилларида радиоэшиттиришлар бериб турилди.<sup>118</sup> Айни пайтда, миллий-маданий марказлар ҳам ташкил этилган, улар 1990 йилда 13 тага етган эди. Тошкентнинг ўзида рус драма театри, ёш томошабинлар театри, оперетто театри ишлаб турди. Тошкент давлат консерваторияси, Ҳамза, Глиэр номли мусиқа билим юртлирида классик ва миллий рус мусиқасини тарғиб қилиш соҳасида сезиларли ишлар олиб борилди.<sup>119</sup> Бу соҳада В.В.Ниволюк, В.Матусевич, С.М.Королодино, Е.Г.Артомоновларнинг хизматлари катта бўлди.

Бундай машмашалар аслида асосиз сафсата эканлиги жамиятдаги илғор фикр юритувчи кишиларга шундоқ ҳам маълум эди. 1989–1992 йиллар мобайнида миллатлараро муносабатлардаги кескинликлар натижасида аҳолининг Ўзбекистонга ва бошқа республикаларга кўчиш жараёнлари кескин тус олган. Уни 4-жадвал маълумотлари асосида ҳам кўриш мумкин.

1990 йил 21 январиди Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида миллий ва этник характерга эга тўқнашув содир этилди. Кавказ муслмонлари диний бошқармаси раиси Шайхулислам Оллошукур Пошшозода Бокудаги қирғин муносабати билан собиқ иттифоқ ҳукумати раҳбарларига йўллаган мурожаатномасида шундай деган эди: «Ўзининг мустамлакачилик мақсадлари учун миллатлараро низоларни бартараф этиш ўрнига, ўт олдирган мамлакат шармандаликка мувофиқдир. Бундай мамлакат ўз армиясини ўз фуқароларининг қотилига айлантиради, бундай мамлакатда инсон ҳақиқий ҳаётдан кўра кўпроқ ўлимга маҳкумдир. Бирор халқ билан жумладан, озар халқи билан ҳам қуроли тилида сўзлашиш мумкин эмас. Бу Афғонистондаги каби, эҳтимол, ўн йил, эҳтимол ўн кун давом этар, аммо эртами, кечми ҳақиқат қарор топади».<sup>120</sup>

---

<sup>118</sup> Совет Ўзбекистони. 1989 йил, 25 апрел.

<sup>119</sup> Ўша манба.

<sup>120</sup> Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1991 йил, 8 феврал.

## Миллатлараро низолар содир этилган ҳудудлардан аҳолининг Ўзбекистонга кўчиб келиши (1989–1998)<sup>121</sup>

Республикалар	Республикалар	Келганлар сони	Чиқиб кетганлар сони	Миграция (нетто) сальдоси (қолдиғи)
Озарбайжон	Ўзбекистон	5632	21294	-5562
Тожикистон	Ўзбекистон	58219	26219	-32090
Арманистон	Ўзбекистон	1363	3956	-2593
Грузия	Ўзбекистон	1244	1669	-426

Ушбу тўқнашувлар оқибатида халқ хўжалигига кўплаб иқтисодий зарар келтирилди ва бир неча минг киши бошпанасиз қолди. Натижада, 1988–1998 йиллар оралиғида 5632 киши Озарбайжондан Ўзбекистонга кўчиб келганлиги қайд этилди.<sup>122</sup>

Ўрта Осиё ва Қозоғистонда миллий масаланинг кескинлашуви бу йилларда аҳолининг миграцион жараёнларига салбий таъсир этди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари собиқ иттифоқдош республикалар орасида географик, иқтисодий, демографик жиҳатдан эътиборга молик минтақа бўлган. Бу ердаги республикалар орасида Тожикистон «қайноқ нуқта»лардан ҳисобланган.<sup>123</sup> Тожикистондаги биродаркушлик ҳаракатлари, айниқса, миллатлараро муносабатларга жиддий таъсир қилди. Маълумотларга кўра, 1990 йилларнинг бошларида Тожикистонда 1 миллион 200 минг ўзбек миллатига мансуб, Ўзбекистонда эса 933 мингдан ортиқ тожик миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилган. Тожикистонда бошланган фуқаролар уруши миграция жараёнларини кескин кучайтириб юборди. Хусусан, Тожикистон воқеаларининг дастлабки даврларидаёқ бу ерда 30 мингдан ортиқ одам ҳалок бўлди, 600 мингдан кўпроқ аҳоли мажбуран

<sup>121</sup> Alikhan Aman-Ulu. Population migration in Uzbekistan UNHCR. – Tashkent, 2000. – P.90

<sup>122</sup> Ўша манба. P.31.

<sup>123</sup> Яковлев И.Г. Союз, содружества, Россия ... межэтнические отношения в постсоветском пространстве в 1990-е годы: проблемы анализа и оценки риска при принятии решений. – М.: Славянский диалог, 1990. С.45

Ўзлари яшаб турган жойларини ташлаб кетди.<sup>124</sup> 1993 йилда расмий равишда 537 минг қочоқ борлиги рўйхатга олинди. (Фақат Душанбе шаҳрининг ўзидагина қочоқлар сони салкам 12 минг кишини ташкил этди).<sup>125</sup>

Ўзаро зиддиятли урушлар туфайли республикадан чиқиб кетган аҳоли ичида, табиийки, муҳим соҳа тармоқларининг ишчи ходимлари ҳам мавжуд эди. Натижада, уларнинг ўрнида меҳнат қиладиган янги кадрларни тайёрлаш учун Тожикистон ҳукумати томонидан камида 3 млрд. рубл миқдоригаги маблағ (1993 й.) сарфланиши зарур бўлган. Республиканинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилмай қолганлиги ҳамда асосий фондлар барбод этилганлиги сабабли 29 млрд. сўмлик зарар кўрилди. Миграция жараёнларининг кучайиши натижасида республика иқтисодиёти амалда фалаж ҳолатига тушиб қолди. Умумий иқтисодий зарар 200 млрд. сўмдан ошиб кетди.<sup>126</sup>

Ушбу тўқнашувлар натижасида аҳолининг Ўзбекистонга оммавий равишда қочиб ўтиш жараёни тезлаша бошлади. 1989 йили Ўзбекистонга кўчиб келган Тожикистон Республикаси фуқаролари сони 153 кишини ташкил қилган бўлса, 1992 йилда эса Ўзбекистонга қочиб келганлар сони 11420 нафар кишини ташкил қилди.<sup>127</sup> Можаро ва зиддиятларнинг келиб чиқиши натижасида халқлар тақдирига ўзаро таҳдид солиш, уларнинг муносабатларига путур етказиш, азалдан қондош-жондош бир миллат вакили бўлган аҳолини бир-бирига қарма-қарши қўйиш ҳолатлари ҳам кучайиб борди. Тарихдан маълумки, Марказий Осиё давлатларида келиб чиқиши бир илдизга бориб тақаладиган тили, дини, маданияти бир-бирига яқин бўлган халқлар қадимдан аралаш тарзда яшаб келишган. Масалан, Тожикистонда жами аҳолининг 24 фоизини, Қирғизистонда 13,8 фоизини, Туркменистонда 9 фоизини, Қозоғистонда 2,5 фоизини ўзбеклар ташкил

---

<sup>124</sup> Мусаев О. Барқарор мустақиллик таянчи. // Фан ва турмуш. 1998. 4-сон. 29-бет.

<sup>125</sup> Ҳайдаров С. Иномов М. Тожикистон: халқ фожиаси ва дард-алами. – Т.: Ўзбекистон, 1993. 127-бет.

<sup>126</sup> Ўша жойда.

<sup>127</sup> Alikhan Aman-Ulu. Population migration in Uzbekistan UNHCR. – Tashkent, 2000. – P.78.

этади. Айни вақтда, Ўзбекистонда жами аҳолининг 4,7 фоизини тожиклар, 4,0 фоизини қozoқлар, 0,9 фоизини қирғизлар, 0,7 фоизини эса туркманлар ташкил этмоқда.<sup>128</sup>

Гарчи собиқ иттифоқдаги республикаларнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳаётида яккахуқмронликни қўлдан бермай турган «марказ» сиёсий раҳбарияти бу ҳаракатларни доимо таъқиб ва тазйиқ остида бостириб келишга муваффақ бўлган бўлса-да, бироқ ҳар қандай таъқибга қарамай, мамлакатда яшаган кўп миллатлар ўзининг миллий, диний маданияти, урф-одатларини маълум даражада сақлаб қолдилар. Мамлакатнинг турли минтақаларида миллий манфаатларини ҳимоя қилиб чиқувчи кучлар сони ортиб борди. Бу ҳаракатларнинг баъзилари айирмачилик кўринишларида бўлиб, кам сонли ҳисобланган, ўз юртидан узоқда яшаётган халқлар бу ҳолатда асосий қурбонлар қаторига кириб қолдилар.

Ўзбекистонга кўчириб келтирилган қрим-татарлари (1944–56 йиллар оралиғида) шу ерда узоқ вақт мобайнида истиқомат қилишган. КПСС МКИ нинг 1956 йил 28 апрелида бўлиб ўтган йиғилишида махсус кўчирилган халқлардан «Ватан хоини» айби олиб ташланди.<sup>129</sup> Айниқса, 80–йилларда эълон қилинган «қайта қуриш» ва «демократия» ғоялари уларнинг ўз талаблари билан чиқишига имкон берди. 1989–1998 йилларда Ўзбекистондан кўчиб кетган қрим-татарларнинг умумий сони 105 минг кишини ташкил этди.<sup>130</sup>

Жумладан, Фарғона фожиалари (1989) замирида ҳам шовинизмга алоқадор сабаблар бўлгани эҳтимолдан холи эмас. Ш.Рашидов ўлимидан сўнг марказий матбуотнинг «рашидовчилик», «Ўзбек иши» каби ғавғолари билан чалғитилган ҳукумат раҳбарлари «илтимосларига» кўра Россиядан юзлаб чаласавод раҳбарлар «десанти» Ўзбекистонга ташланди. Тўрт йилда неча ўн минг миллий кадрларни бадном қилган «десантчилар» сиёсати фош бўла бошлагач, республикани миллатчиликда айблаш керак бўлиб қолди. Ярим йиллик тайёргарликдан сўнг, 45 йил давомида СССР ҳукуматидан Месхетияга қайтаришни талаб қилиб чарчаган, май ойида кетишни режалаштираётган турк-

---

<sup>128</sup> Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари. – Т.: Университет, 1992. 18-бет.

<sup>129</sup> Юнусова Х. XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистонда миллий муносабатларнинг баъзи жиҳатлари. // Ўзбекистон тарихи. 2002, №1 48-бет.

<sup>130</sup> Ўша манба.



ларнинг фаоллашувидан, худди шу ойда ишсизлик жонларига тегиб, намоийшларга ҳозирланаётган Фарғона ёшларининг соддалигидан фойдаланилди. Ўзбеклар эса ижтимоий-сиёсий талаблари учун Қўқонда ўққа тутилди.<sup>131</sup>

1989 йили Фарғонада бўлиб ўтган можаролар ҳам аҳолининг кўчиш жараёнига таъсир этди. 1989 йил 15 июнда республика партия хўжалик фаолларининг йиғилишида Министрлар Совети раиси Н.И.Рижков Ўзбекистонда вазият изга тушгунга қадар аҳолини Россиянинг ноқоратупроқ районларига кўчишлари мумкинлиги хусусида маъруза қилади. Ваҳоланки, ўша йилларда Россиянинг чекка вилоятларидаги қишлоқлар бўшаб қолган ва харобага айланган уй-жойларнинг сони 900 мингга етган эди. Бундай ҳаракатлар натижасида 1989 йил 10 июнгача 2839 киши Белгород шаҳрининг Корога, Новый оскол, Прохоровка, Красногвардейская, Борисовка районларига, 500 киши Калинин областининг Зубцова, Ржев, Опенино районларига, 1875 киши Орел областининг қишлоқларига кўчирилди. Кўчиб борган меҳмеги турклари асосан клубларга, мактабларга, бўш қолган уйларга жойлаштирилди. 1989 йил июн ойи охирига келиб, Фарғона вилоятидан Смоленск, Орел, Курск, Белгород, Воронеж областларига 16.282 киши кўчирилди.<sup>132</sup> Аммо ушбу таҳликали даврда бошқа миллат вакиллари билан ҳам шундай воқеалар такрорланмаслигига кафолат борми деган савол туғилиши табиий эди. Иқтисодий муаммолар, мафкуравий ишларнинг сустлиги, Давлат хавфсизлиги комитетининг пассивлиги, матбуотнинг ташаббуссизлиги оқибатида содир бўлиши мумкин бўлган воқеалар олдиндан намоён бўла бошлаган бўлса-да, олдини олиш чоралари кўрилмади. Яйпан, Тошлоқда, шунингдек, марказий бозорларда содир этилган воқеаларга<sup>133</sup> панжа ортидан қаралди ва бу миллий можароларнинг авж олишига олиб келди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳар бир фуқаро, миллат вакиллариининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган, уларнинг хавфсизлигини таъминлайдиган қонунлар ҳамда давлат

---

<sup>131</sup> Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1991 йил, 8 феврал.

<sup>132</sup> Қаранг: Юнусова Х. Ўзбекистонда совет давлатининг миллий сиёсати ва унинг оқибатлари. (XX аср 80-йиллари мисолида). – Т.: Зарқалам, 2005. 105-106-бетлар.

<sup>133</sup> Ленин байроғи. 1989 йил, 11 июл.

кафолатлари зарур эди. Бу муаммоларнинг авж олганлиги боис, Фарғона шаҳарларида рус тилида сўзлашадиган аҳолининг кўчиб кетиш ҳоллари ҳам кескин ортди. Шаҳарда темир йўл контейнерларига навбатда туриш учун одамлар бир неча ой олдиндан рўйхатга олинган, Фарғона област партия комитети эса област газетасига Ўзбекистондан ташқарига чиқиб кетишни хоҳлаётган кимсаларнинг уй-жойларини алмаштириш тўғрисидаги эълонларни босиб чиқаришни тўхтатиш ҳақида кўрсатма беришдан бошқа йўлни топа олмади.

Тўқнашувлар натижасида қарийб 70 мингга яқин меҳсети туркларни Ўзбекистондан кўчиб кетишди. Ҳукумат кўрсатмасига мувофиқ, улардан 46 минги Озарбайжон республикасига, (қочоқлар сифатида) 30 мингга яқини эса, Россиянинг бўшаб қолган қишлоқларига кўчирилди.<sup>134</sup> 1990 йилга келиб республикада миллатларо муносабатларни такомиллаштириш мақсадида доимий равишда иш кўрувчи кенгашлар ташкил этилди. Бундай кенгашлар Фарғона, Андижон, Наманган, Сирдарё, Жиззах ва бошқа вилоятларда, Тошкент шаҳрида гузилди. Уларнинг таркибига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари, олимлар кириб, асосий мақсад миллатларо муносабатларда юз бераётган жараёнларни чуқур англаб олиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини, жамоатчиликнинг куч-ғайратини мувофиқлаштириш, юзага келган муаммоларни ҳал қилиш учун чора-тадбирларни кўришдан иборат эди.<sup>135</sup>

Миллий можаролардан яна бири 1990 йил Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида қирғиз ва ўзбек аҳолиси ўртасида бўлиб ўтди. Бу воқеалар баёни вақтли матбуотда қуйидагича талқин қилинган: «Кейинги 20 йилда нега Ўшда ўзбек кўп деган сиёсат оқибатида шаҳар марказидан 55 минг аҳоли 9–10 чақирим наридаги сувсиз яйдоқ адирларга кўчирилди, ҳатто шаҳар харитасига киритилмаган бу адирларда ўзбеклар бир машина сувни 20 сўмдан (1990 йил) сотиб олиб, ҳозиргача иморат қуриш билан банд».<sup>136</sup> Шаҳарда қирғизлар миқдорини кўпайтириш учун 2–3 йил аввал 10–12 чақирим наридаги қирғиз қишлоқлари шаҳар ҳудудига қўшиб олинди. Ҳолбуки, вилоят партия

<sup>134</sup> Лебедев С. Беженцы // Диалог.// 1990 г. №9. С.99.

<sup>135</sup> Миллатларо муносабатларни такомиллаштирайлик, халқлар дўстлигини мустаҳкамлайлик // Инсон ва сиёсат, № 1, 1991. 42-бет.

<sup>136</sup> Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1991 йил, 8 феврал.

қўмитаси идорасидан бир чақирим наридаги ўзбек маҳаллалари 25 чақирим наридаги Қорасув туманига қараган»<sup>137</sup> Аниқ маълумотлар бўйича, Ўшда 55% ўзбек, 23,7% қирғиз (кўпчилиги талабалар), Жалолободда 39% ўзбек, 2,3% қирғиз, Ўзганда 82% ўзбек, 13% қирғиз бўлгани ҳолда шаҳар ижроқўмларида ўзбеклар 10,8% ни, ички ишлар бўлимларида эса 16% ни ташкил қилган. Тўқнашувлар оқибатида 320 киши ҳалок бўлди, 1200 киши ярадор бўлди. 503 хонадон, 80 та автомашина, 36 та давлат объекти ёндирилди. Умумий иқтисодий зарар 4 млн. 587 минг сўмдан ошиб кетди.<sup>138</sup>

Ўш фожиасидан кўзланган мақсад – демократия шиори остида ҳокимият жиловини маъмурий-бюрократик аппарат қўлида сақлаб қолиш, қирғизларнинг миллий йўналишдаги ҳаракатига зарба бериш, ўзбек халқининг эса маъмуриятчиликка қарши курашини тўхтатиш эди.

Албатта, бу сиёсий воқеалар ўша даврдаги аҳволнинг ҳақиқий натижасини кўрсата олмайди. Шундай бўлса-да, бу ҳаракатлар совет давлатининг ич-ичидан емирилиб бўлганини, йиллар давомида партиянинг миллий масала «тўлиқ ҳал этилди», «ягона совет халқи шаклланди» деган тушунчалари аслида қуруқ сафсатадан иборат эканлигини исботлаб берган эди. Ўшдаги миллатлараро тўқнашувлар туфайли (1989–1992 йиллар) Қирғизистондан 33845 киши Ўзбекистонга кўчиб келишга мажбур бўлган эди.<sup>139</sup>

1980 йилнинг охири ва 1990 йилнинг бошларида МДХ мамлакатларида бир неча марта содир бўлган миллатлараро можаролар аҳолининг миграцион жараёнига таъсир этди. Натижада, 1989–1998 йиллар оралиғида Озарбайжондан 5732, Тожикистондан 58 219, Арманистондан 1363, Грузиядан 1244, Қирғизистондан 35845 нафар киши Ўзбекистонга кўчиб келганлиги қайд қилинган.<sup>140</sup> Ўзбекистон ҳукуматининг ўша даврларда янги сайланган раҳбарияти миллий манфаатларни адолатли ҳимоя этиш йўлини тутди. Масалан, 1988–1989 ўқув йилида Самарқандда 8 та мактабда тожик синфлари фаолият олиб

---

<sup>137</sup> Ўша манба.

<sup>138</sup> Ўша манба.

<sup>139</sup> Ўша жойда.

<sup>140</sup> Alikhan Aman-Ulu. Population migration in Uzbekistan. UNHCR. – Tashkent, 2000. – P.79.

борди. Самарқанд, Бухоро шаҳарларида вилоят марказий газеталари рус, тожик тилида нашр этилди. Республикада 1980 йилдан бошлаб қрим-татар тилидаги журналнинг нашр этилиши бу халқларнинг ўз миллий анъаналарининг ривожланишига Ўзбекистонда тўла имкониятлар яратилганлигидан далолат беради.<sup>141</sup>

Умуман олганда, собиқ совет давлатининг 70 йилдан ортиқроқ вақт давомидаги ҳукмронлик йилларида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти режали равишда амалга оширилди. Собиқ совет ҳукумати сиёсатида «ягона совет халқи»ни шакллантириш бевосита миграция жараёнлари билан ҳам боғлиқ бўлди. Йиллар давомида «Аҳоли миграцияси мавжуд меҳнат ресурсларини минтақавий миқёсда қайта тақсимланишига, ишлаб чиқарувчи кучларнинг бир меъёрда тараққий этишини таъминлашга кўмак беради», деган қарашлар аслида бутун совет давлати демографик муаммоларининг юзага келишига ижтимоий турмуш тарзининг оғирлашишига сабаб бўлди. Бутун мамлакат миқёсида миграция жараёнлари республика, вилоят, туман, қишлоқ ва шаҳарлараро шаклда намоён бўлди. Ўзбекистон ана шу республикалар қаторида бўлиб, бу ҳолат мамлакатни кўп миллатли республикага айлантириб борди. Ўзбекистоннинг собиқ иттифоқдаги республикалар билан миграцион алоқалари ҳам юқори даражада эди.

Ўзбек халқи ўзининг бағрикенглигини тўлиқ намоён қилиб келди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида душман устидан ғалаба қозониш йўлида фидокорона меҳнат қилиш билан бир қаторда, вақтинча бошпанасиз қолган рус, украин, белорус, молдаван ва яҳудий миллатларига мансуб кишиларга, қатағон қилинган халқларга ўз даргоҳини кенг очди. Урушдан кейинги йилларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги ерларни ўзлаштиришда иштирок этиш мақсадида республикага кўчиб келувчиларнинг сони ортиб борди. Буларнинг барчаси билан ўзбек халқи елкадош бўлди. Машаққатли меҳнатнинг қийин жабҳаларида биргаликда ҳаракат қилди. Бу халқларнинг меҳнати билан Ўзбекистонда қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилди, бир қанча хўжаликлар, турар-жойлар қад кўтарди.

---

<sup>141</sup> Ҳайитов А. Қрим-татар халқлари тарихига бир назар. // Мустақил Ўзбекистон ва миллатлараро муносабатлардаги барқарорлик. Илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: Университет, 1995. 45-бет.

Лекин режали мақсадда амалга оширилган совет миграцияси халқларнинг миллий манфаатларини эътиборга олмади. Республикада уй-жой танқислиги, ишсизлик муаммолари ортиб борди. Иш жойларини яратиш ўрнига меҳнат ресурслари суръатлари ортиб борди. Бу ўз навбатида, ўзлигини англаётган халқлар орасида миллий ҳаракатларни келтириб чиқарди. Иқтисодий-ижтимоий ва демографик муаммолар кучайиб, ўз она – Ватанига қайтиш истагидаги халқлар ҳаракати жонланди. Бу ҳолатлар Ўзбекистонда ҳам юз берди. Фарғона фожиялари, Ўш воқеалари, қрим-татарлари ҳаракати Ўзбекистондан кўчиб кетувчилар ва Ўзбекистонга кўчиб келувчилар орасида вазиятни оғирлаштирди. Турли миллатлар ўртасидаги тўқнашувлар, низолар мустақил давлатлар ташкил топганига кўп вақт бўлганига қарамасдан, ҳалигача ўз таъсирини ўтказиб келмоқда. Чунки узоқ йиллар давомида ҳукмронлик қилган собиқ совет тузумининг тор синфий йўналишга асосланган миллий сиёсати мамлакатда истиқомат қилган халқларни миллий ҳақ-ҳуқуқларидан маҳрум қилиб, совет сиёсатини тарғиб этиб, «миллатларнинг қўшилиб кетиши» ҳақидаги асосий қоидалар негизида иш юритиб келган эди. Собиқ совет ҳукумати халқларни гўёки ихтиёрий равишда тенг ҳуқуқли ягона оилага бирлашганини, миллий маданиятлар ва тиллар ўзининг энг юксак чўққисига кўтарилганлигини, буларнинг барчаси миллий манфаатлар, маданий яқинлашиш ва уйғунлашиш асосида содир бўлаётганини асослашга уриниб, турли халқларнинг манфаатларини тенг ҳимоя қилаётган адолатли демократик жамиятдек кўринса-да, бизнингча бунинг заминиде пайқаб олиш қийин бўлмаган мураккаб ва зиддиятли мақсадлар ётган. Бу мақсадлардан кўзланган биринчи йўл халқларни аста-секинлик билан руслаштириш сиёсати бўлса, иккинчи йўл халқлар ўртасида ишончсизлик низоларини кучайтириш, шу орқали республикалар ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришда уларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйишдан иборат эди. Маданий меросни ўрганиш баҳонасида тарихдаги сохталиклар эса республикалар ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштириш ва уларни бирлашиб мустақил давлат бўлиб интилиши учун бўлган ҳаракатларини тўсишга қаратилган эди.

Айни пайтда, Ўзбекистон ҳукумати бу вазиятни тинч йўл билан амалга ошириш, миллатлар ўртасида низолар келиб чиқишининг олдини олиш учун барча чораларни кўрди.

## И БОБ. ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН СЎНГ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДАГИ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР

### 2.1. 1946–1990 йилларда ижтимоий-иқтисодий сиёсат ва Ўзбекистонда юзага келган демографик муаммолар

Жамият ривожланиб боргани сари миллатларнинг ижтимоий ҳаётидаги мавқеи ва аҳамияти тобора ортиб боради. Шубҳасиз, миллат, халқ ва элатларнинг миллий манфаатлари доимо ўз вақтида ва ижобий ҳал этилиши талаб қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, теран миллий қадриятларни, одамларнинг ўзига хос хусусиятлари ва анъаналарини сақлаб қолиш йўлидаги табиий интилиш, ижтимоий, маънавий ва тарихий тараққиётнинг субъекти бўлган миллатни сақлаб қолишга қаратилган объектив эҳтиёж эди. «Ҳар қандай миллат у нақадар кичик бўлмасин инсониятнинг бойлигидир... Ва ҳар қандай миллий бирликнинг, унинг тили, маданий ва бошқа хусусиятлари йўқ бўлиб кетиши ер юзидаги маданий ва генетик фонднинг шахс имкониятлари қашшоқлашувига олиб келади. Шу боис, ҳар бир этник бирликни сақлаб қолиш унга мансуб одамларнинг энг муҳим мақсади бўлмоғи лозим».<sup>142</sup> Бироқ советлар ҳукмронлиги йилларида мавжуд бўлган миллий соҳадаги муаммолар, аввало ижтимоий ҳал этилмаган зиддиятлар билан бевосита тарзда боғлиқдир. Собиқ совет ҳукуматининг «ягона халқ хўжалиги» мажмуида собиқ иттифоқдош республикалар имкониятларини ҳисобга олмай, турли ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш, беш йиллик режалар, уларнинг бажарилиши қаттиқ назорат остида бўлиши каби ҳолатлар мамлакатда 70-йиллардаёқ ўзининг асоратли оқибатларини кўрсатган эди. Шу сабабли, XX асрнинг 80-йилларига келиб иттифоқнинг бир қатор минтақаларида миллий муносабатларга салбий таъсир этаётган ижтимоий-иқтисодий тангликни бартараф этиш йўли-

---

<sup>142</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. 73-74-бетлар.

ни ҳар бир ҳудуддаги аҳолининг миллий таркибини аниқламай, шу аҳолини ташкил этган ҳар бир миллат ва элатнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий, этник манфаатларига мос келадиган изчил сиёсатга эга бўлмасдан топиш мумкин эмаслиги ҳам маълум эди.

Ўзбекистонда Марказий Осиёнинг бошқа республикаларидаги сингари аҳолининг минг йилликлар мобайнида таркиб топиб келган ва минтақанинг туб ерли миллатлари вакилларида иборат бўлган кўп миллатли таркиби 1950–1970 йиллар мобайнида маҳаллий бўлмаган кўпгина миллат ва элатларнинг вакиллари ҳисобига чекланмаган тарзда янада ортиб борди.

Ўзбекистонга кўплаб аҳолининг кўчириб келтирилиши аҳоли сони ва миллий таркибининг ортиб боришига сабаб бўлса-да, улар асосан йирик шаҳарларга жойлашдилар. Шу боис, айниқса, шаҳар аҳолисининг салмоғи ортиб борди. 1945 йилда республика шаҳарларида истиқомат қилаётган аҳоли сони 1761 минг (33,8 фоиз)га тенг бўлган бўлса, 1970 йилда бу кўрсаткич 4322 минг (36,6 фоиз), 1979 йилда эса 6348 минг (41,2 фоиз) кишини ташкил этди.<sup>143</sup>

Ўзбекистон аҳолисининг умумий сони 1945 йилдаги 5197 минг кишидан 1989 йилда 19905 минг кишига етди.<sup>144</sup> Республика аҳолисининг сони 1970–1979 йилларда, айниқса, тез ўсиб, 30 фоизга қадар кўпайди. Аҳоли сонининг ўртача йиллик ўсиш суръати эса 3,3 фоизни ташкил этди. 1979–1989 йиллар оралиғидаги 10 йил ичида аҳоли сони 29,3 фоизга кўпайди. Аҳолининг ўртача йиллик ўсиши 2,8 фоизга тенг бўлди. 1979–1989 йиллар давомида аҳоли сони 4,5 миллиондан ортиқ ёки йилига ўртача 451,5 минг кишига ортиб борди.<sup>145</sup>

1959 йилдаги аҳолини рўйхатга олиш тадбирларидан кейин ўтган беш йил ичида Ўзбекистон аҳолиси 1694,0 минг кишига кўпайган.<sup>146</sup> Шунингдек, шу йилларда аҳоли сонининг ошиши вилоятлар бўйича ҳам турлича бўлган. Масалан, Тошкент вилоятида йигирма йил

---

<sup>143</sup> Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Мургазаева Р., Салиев А. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана – Т.: Университет, 2002. С.43.

<sup>144</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 году. Статистический ежегодник. – Т.: Узбекистан, 1991. С. 200.

<sup>145</sup> Бобожонова Д. Ўзбекистондаги демографик жараёнлар ва уларнинг хусусиятлари. – Т.: Фан, 1995. 48-бет.

<sup>146</sup> Ўша манба. 45-бет.

мобайнида (1939–1959 йиллар) аҳоли сони 600 минг кишига ортган.<sup>147</sup> 1939–1959 йиллар мобайнида Сурхондарё ва Бухоро вилоятлари аҳолиси 20 фоиз, Фарғона 18 фоиз, Хоразмда 18 фоиз, Андижон вилоятида 17 фоизга кўпайди.<sup>148</sup>

Юқоридагилардан кўринадики, Ўзбекистонда аҳолининг табиий тез сурьатларда ўсиш кўрсаткичи Тожикистондан кейин иттифоқда иккинчи ўринда турган. Собиқ иттифоқ бўйича 1970–1980 йилларда аҳолининг табиий ўсиши ҳар минг киши ҳисобига 10 кишини ташкил қилган бўлса, республикада эса бу 3 баравардан кўпроқ бўлган.<sup>149</sup>

1959 йилги аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, республикада 33 та шаҳар ва шаҳар типидagi 68 посёлка мавжуд бўлган. 1963 йил 1 январга келиб шаҳарлар сони 36 та ва шаҳар типидagi посёлкалар сони 77 тани ташкил этди.<sup>150</sup> Бу йилларда шаҳарлар сонининг орттишига сабаб, мамлакатда саноат-индустриясини ривожлантириш учун янги саноат марказларини вужудга келтириш ва шаҳарлар барпо этиш каби омиллар жадал сурьатлар билан ривожлантирила бошланган эди. Натижада, 1963 йилга келиб Ўзбекистон ССРдаги шаҳарлар ва шаҳар типидagi посёлкалар сони 1939 йилдагига нисбатан 1,3 бараварга ортган.<sup>151</sup> Ўзбекистон ССРда ушбу 36 шаҳардан тўққизтаси: Гулистон (Мирзаўл), Денов, Когон, Ленинск (Асака), Навоий (Кармана), Термиз, Бекобод, Хўжайли, Чимбой ва Янгийўл шаҳарлари қишлоқ аҳоли пунктларини қайта ташкил қилиш натижасида, шунингдек Олмалиқ, Оҳангарон, Қувасой, Нукус, Тахиатош, Чирчиқ, Янгиобод, Янгиер ва бошқа шаҳарларда эса республикада саноатнинг янги тармоқларини вужудга келтириш ва янги саноат марказларининг қурилиши натижасида «бўм-бўш» жойларда барпо этилди.<sup>152</sup>

Ангрен (1946), Олмалиқ (1951), Қувасой (1954) каби саноат шаҳарлари, 1950–1960 йилда янги ерларни ўзлаштириш натижасида

---

<sup>147</sup> Салимов Х. Ўзбекистон ССР нинг аҳолиси. – Т.: Билим, 1964. 48-бет.

<sup>148</sup> Ўша манба. 49-бет.

<sup>149</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году. Статистический ежегодник. – Т.: Узбекистан, 1988. С.200.

<sup>150</sup> Ўзбекистон Республикаси қисқача маълумотнома (Аҳмедов Э.А.). 2 тўлдирилган нашр. – Т.: Ўзбекистон, 1993. 17-19-бетлар.

<sup>151</sup> Ўша жойда. 20-бет.

<sup>152</sup> Салимов Х. Ўзбекистон ССР нинг аҳолиси. – Т.: Билим, 1964. 11-бет.



Янгиер (1957), Навоий каби шаҳарлар ташкил топди. Фақат 1970 йилдан 1985 йилга қадар Ўзбекистон харитасида яна 80 та янги шаҳарлар вужудга келди. Бу шаҳарлар жумласига Навоий вилоятининг Зарафшон (1972), Учқудуқ (1978), Сирдарё вилоятининг Шириш (1972), Жиззах вилоятининг Пахтакор (1977) каби шаҳарларини киритиш мумкин. Эътиборли томони шундаки, бу ташкил топган шаҳарларга, асосан, европа миллатига мансуб вакиллар келиб жойлашдилар. Шу боис, бу шаҳарларда уларнинг салмоғи анча юқори эди. Янги саноат корхоналарини қуриш учун кўчириб келтирилганлар доимо ҳукумат томонидан рағбатлантириб турилганлиги боис, кейинчалик бутунлай яшаш учун қолиб кетганлари ҳам каттагина фойзни ташкил қилган.<sup>153</sup>

Агарда 1939 йилда шаҳар типидagi посёлкалар сони 110 та бўлган бўлса, 1959 йилда улар сони яна 3 марта ортган. Шунингдек, ушбу йилларда республика иқтисодиётида етакчи ўринларни эгаллаган, Ўзбекистон кимё саноатининг тўнғич корхонаси Чирчиқ электрокимё комбинати ҳам ишга туширилди.<sup>154</sup> Марказлашган давлат бошқаришнинг тармоқ усули шакллантирилганлиги туфайли, республикадаги 1970–1980 йилларда мавжуд бўлган саноат корхоналарининг 31 фоизи иттифоқ, 61 фоизи иттифоқдош республикалар вазирлик ва идоралари тасарруфида, 8 фоизигина тўғридан-тўғри Ўзбекистон ССР ва маҳаллий саноат бошқармалари қарамоғида эди.<sup>155</sup> Бу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда бир қанча саноат корхоналари барпо этилганлиги боис, атроф-муҳит зарарланиб, экологик вазият мураккаблашиб борди.

Шаҳарлар миқдорининг тез суръатларда кўпайиши, биринчи навбатда, уларга қўйиладиган асосий талаб – аҳоли сонининг пастки чегарасини 10 минг кишидан, Республика Олий Совети Президиумининг 1972 йил 24 февралда қабул қилинган фармонида кўра 7 минг кишига қисқартирилиши билан боғлиқ бўлиб, янги вужудга келган

---

<sup>153</sup> Қаранг: Ўзбекистонда этнодемографик жараёнлар (Халқаро конференция материаллари) II қисм. – Т.: Университет, 2005. 152-155-бетлар.

<sup>154</sup> Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р., Салиев А., Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана – Т.: Университет, 2002. С.33.

<sup>155</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 г. Статистический ежегодник. – Т.: Узбекистан, 1988. С.48.

шаҳарларнинг аксариятида турли миллат вакиллари жойлашдилар. Бундай шаҳарлар жумласига Бухоро вилоятининг Зарафшон (1972 йилда ташкил топган), Учқудуқ (1978 йил), Сирдарё вилоятининг Ширин (1972 йил), Жиззах вилоятининг Пахтакор (1977) каби шаҳарлари кирган.<sup>156</sup>

Бирмунча илгарироқ вужудга келган ва саноати ривожланган Навоий, Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ, Бекобод, Янгийўл ва бошқа шунга ўхшаш шаҳарларда ҳам аҳоли сони мунтазам ўсиб турган, унинг таркибида ҳам рус, украин, татар ва бошқа европа миллатларига мансуб бўлган кишилар салмоғи анча юқори эди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мавжуд 123 та шаҳарнинг учдан икки қисми республика ер ости бойликларини қазиб олиш ва қайта ишлаш, янги ерларни ўзлаштириш туфайли вужудга келган.<sup>157</sup> Бундай ўсиш натижасида 1960–1970 йилларда шаҳар аҳолиси юқори суръатлар билан ўсиб, 2.840 минг кишидан 6500 минг кишига етган. Ўртача йиллик кўпайиши 183 минг кишига ёки 6,4 фоизга тенг бўлди. Мазкур даврда кўплаб шаҳарчаларнинг шаҳарлар қаторига ўтказилиши урбанизация жараёнини яна ҳам оширилишига олиб келди.<sup>158</sup>

Шаҳар аҳолисининг салмоғи Қорақалпоғистон республикасида (42,5%), Тошкент (41,7%), Навоий (39,9%), Фарғона (29,7%) вилоятларида нисбатан юқори бўлса, Сурхондарё (20,8 фоиз), Қашқадарё (25,7%) вилоятларида бу кўрсаткич анча паст даражада бўлган.<sup>159</sup>

Айни пайтда, саноати унча ривожланмаган кичик шаҳарлар ва туман марказларида аҳоли асосан бир миллатли ёки маҳаллий миллат вакилларидан иборат эди.

Аслида миллий таркиб бўйича республикада ўзбеклар, руслар, татарлар, қozoқлар, тожиклар, қорақалпоқлар етакчи ўринни эгаллаганлар. Шу жумладан, озарбайжон, арман, турк, грек, немислар ҳам анчагина салмоққа эга бўлишса-да,<sup>160</sup> миллий таркиби бўйича

---

<sup>156</sup> Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари. – Т.: Ўзбекистон, 1991. 58-бет.

<sup>157</sup> Бобононова Д. Ўзбекистондаги демографик жараёнлар ва уларнинг хусусиятлари. – Т.: Фан, 1995. 9-бет.

<sup>158</sup> Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р., Салиев А., Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана – Т.: Университет, 2002. С.76.

<sup>159</sup> Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари. – Т.: Ўзбекистон, 1991. 47-бет.

<sup>160</sup> Ўша манба. 11-бет.

руслар иккинчи ўринда туришган. 1939 йили улар Ўзбекистонда жами аҳолининг 11,8 фоизини, 1959 йили 13,5 фоизини, 1970 йили 10,8 ва 1989 йилда 8,3 фоизини ташкил этган. Масалан, 1939 йили Ўзбекистонда 758 минг нафар руслар истиқомат қилган бўлса, 1989 йил уларнинг сони 1.653 476 га етган.<sup>161</sup> Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, миллатларнинг ҳудудий жойлашиши ҳам бир хил эмас эди. Масалан, ўзбеклар қишлоқларда кўпроқ ва аксинча саноат шаҳарларида камроқ жойлашган. Улар жами аҳолининг Тошкент шаҳрида 44.2, Қорақалпоғистонда 32.8, Тошкент вилоятида 50.2, Самарқандда 77.3, Фарғонада 81.0, Андижонда 87.5, Қашқадарёда 87.7, Наманганда 85.1, Бухорода 75.6, Сурхондарёда 79.5, Хоразмда 78.2 ва Сирдарёда 62.0 фоизини ташкил этган.<sup>162</sup> Бунинг асосий сабабларидан бири миллатларнинг тарихий ривожланиши бўлса, иккинчидан республика халқ хўжалиги тармоқларининг кенгайиши билан боғлиқ эди.

Юқорида таъкидланганидек, тадқиқ қилинаётган йилларда аҳоли сонининг йил сайин ошиши, яъни йилига 2,5–3 фоизни ташкил этишига қарамай, кўпайиб бораётган меҳнат ресурсларини иш билан банд қилиш ва улардан самарали фойдаланишни таъминловчи дастурлар ишлаб чиқилмади. Аҳоли жон бошига ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш, миллий ва реал даромадлар аҳолининг ўсиш суръатларидан орқада қолди. Капитал маблағларнинг ўсиш суръатлари нисбатан юксак бўлиб, бутуниттифоқ кўрсаткичларига нисбатан юқорироқ бўлса-да, аммо бу маблағлар бир томонлама тақсимланди. Асосий қисми қишлоқ хўжалиги, машинасозликни ривожлантиришга, ёқилғи-энергетика, кимё, енгил саноатга сарфланди. Бу каби ҳолатлар республика иқтисодиётини ривожлантиришга, меҳнат ресурсларининг ижтимоий ишлаб чиқаришда тўла банд бўлишини таъминлаш, минтақалар бўйича ишлаб чиқариш кучлари жойлаштирилишини бараварлаштириш йўлида амалга оширилгандек бўлса-да, аслида аҳолининг ўсиш суръатлари билан ижтимоий ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва ривожлантириш бир-бирига мос равишда эмаслигига, кишиларнинг турмуш фаровонлигини уйғун ривожланиши, барча меҳнатга яроқли аҳолини иш билан таъминлаш, аҳоли-

---

<sup>161</sup> Ўша манба. 7-бет.

<sup>162</sup> Бўриева М. Жумҳуриятда кимлар яшайди? // Фан ва турмуш. 1991. № 1. 7-бет.

ни уй-жой билан таъминлашнинг ривожланиши каби муаммолар умумиттифоқ даражасидан орқада қолишига олиб келди. Бу муаммоларнинг ҳал этилмай қолганлиги оқибатида ишлаб чиқаришда банд бўлмаган аҳоли сони ҳам кўпайди.<sup>163</sup> Натижада, 1983 йили республика шаҳарларидагина меҳнатга лаёқатли бўлган 936 минг нафар киши ижтимоий ишлаб чиқаришдан четда қолиб келди.<sup>164</sup>

Республикада иқтисодий юксалтиришнинг энг муҳим омили саноатни малакали мутахассислар билан таъминлаш эди. Таъкидлаш жоизки, олий ўқув юртлири тармоғи 1940 йилдан 1985 йилгача бўлган давр мобайнида бир ярим бараварга кенгайди. 1985 йилда олий ўқув юртлирини битириб чиққан 13 минг нафар кадрлар саноат корхоналарига, қурилиш ташкилотлари ва бошқа бир қанча турдаги мутахассисликларга жалб этилган.<sup>165</sup> Аммо республика таълим тизимидаги маҳаллий миллат вакиллари бу даврда камчиликни ташкил этган. 50–йиллар ўрталарида ишлаб чиқаришда банд бўлган 309,3 минг мутахассис раҳбар кадрлардан бор-йўғи 82,7 минг ёки 26,7 фоизи олий маълумотга эга бўлиб, 95,5 минг ёки 30,8 фоизи ўрта маълумотга эга эди.<sup>166</sup>

Ўзбекистон аҳолисининг собиқ иттифоқ аҳолиси ичидаги салмоғи сурункали равишда ўсиб бориши мамлакатнинг турли бурчакларидан республикага кўчиб келганлар ҳисобига бўлиши билан бирга, янги қурилган корхоналар маҳаллий аҳолининг ўтроқлик психологиясини ҳисобга олиб, ишчи кучи етарли бўлган жойларда қурилмаган эди. Шу алфозда маҳаллий миллат вакиллариининг салмоғи саноат корхоналарида камайиб борар эди. Қишлоқларда ишсизларнинг катта қисми эса асосан кичик томорқаларда иш билан банд бўлган эди. 80–йилларга келиб эса меҳнатга қобилиятли, лекин ишлаб чиқаришда бўлмаганларнинг сони 2,5 мартага ортди ва бу барча ишлаб чиқариш ресурсларининг 25 фоизини ташкил этди. Шунингдек, ушбу

---

<sup>163</sup> Хожимирзаев М. Ўзбекистоннинг ишчилар синфи: ривожланиш муаммолари // Инсон ва сиёсат. 1991. № 7. 23-бет.

<sup>164</sup> Максакова Л.П. Аҳолининг иш билан бандлиги: ялпи ёндашишдан илмий асосланган стратегия сари // Халқ ва демография. 1992. №-5. 10-бет.

<sup>165</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 году. Статистический ежегодник. – Т.: Узбекистан, 1991. С.56.

<sup>166</sup> ЎЗР. МДА. 837-фонд, 38-рўйхат, 2404-иш. 8-варақ.

йилларда халқ хўжалигида банд бўлган мутахассисларнинг бор-йўғи 34 фоизини, саноатда эса 20 фоизини маҳаллий миллат вакиллари ташкил қилар эди.<sup>167</sup>

1962 йилда озиқ-овқат, енгил саноат, нефт-газ саноатида маҳаллий миллат вакиллари ишчилари сони 30 фоизни ташкил этди.<sup>168</sup> Машинасозлик, металл ишлаш саноати ва оғир саноатнинг бошқа соҳаларида ҳам шу ҳолат кўзга ташланади. Жумладан, 1963 йили Тошкент таъмирлаш заводидаги ишчи ва хизматчилар орасида маҳаллий миллат вакиллари улуши 20 фоизни ташкил этган, холос.<sup>169</sup>

Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида 21,0 фоиз, Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлик заводида 19,0 фоиз, «Эфталон» ишлаб чиқариш бирлашмасида 22,0 фоиз, лак-бўёқ заводида 33,0 фоиз, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасида эса 14,0 фоизгина ишчи маҳаллий аҳолига мансуб эди.<sup>170</sup>

Европа халқларига мансуб миллатлар республика саноат корхоналарида 1970–1980 йиллар мобайнида, айниқса, тез ўсди. Уларнинг салмоғи «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида 63,1 фоизга, машинасозлик тармоқларида, жумладан, Тошкент трактор заводида 50,8 фоизга ўсди. Енгил саноат тармоқларида, жумладан, Тошкент тўқимачилик комбинатида 1972 йили 12897 кишидан иборат 46 миллат вакили ишлаган бўлса, уларнинг 6782 таси руслар, 2448 таси татарлар, 392 таси украинлар ва 2276 таси ўзбеклар, қолган қисми эса бошқа миллат вакиллари иборат эди.<sup>171</sup> Республикадаги бошқа баъзи корхоналардаги бу ҳолат 5-жадвалда келтирилган.

Тоталитар тарғиботнинг миллий республикалар маҳаллий хусусиятларини инкор этувчи маъмурий-буйруқбозлик тизимининг на-

---

<sup>167</sup> ЎзР. МДА. 837-фонд, 38-рўйхат, 7542-иш, 28-31-варақ.

<sup>168</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР в 1980 году. Статистический ежегодник. – Т.: Узбекистан, 1981. С.56.

<sup>169</sup> Ўша манба. С.58.

<sup>170</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР в 1980 году. Статистический ежегодник. – Т.: Узбекистан, 1981. С.12.

<sup>171</sup> Бобожонова Д. Ўзбекистондаги демографик жараёнлар ва уларнинг хусусияти. – Т.: Фан, 1995. 11-бет.

тижаси ўлароқ, 1946–1985 йиллар мобайнида республикада мавжуд меҳнат ресурсларини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш ва аввало маҳаллий миллат вакилларида малакали ишчи кадрлар тайёрлаш масалалари доимо пайсалга солиб келинди.

5-жадвал

**Ўзбекистондаги ишлаб чиқарувчи корхоналарда шаклланган ишчи кучи<sup>172</sup>**

(1979 йил, фоиз ҳисобида)

Корхоналар	Шаҳар аҳолиси	Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларидан келганлар	Ўзбекистон қишлоқларидан келганлар	Бошқа республикалардан келганлар
Бухоро тикувчилик фабрикаси	52,4	21,1	26,2	0,3
Ғиждувон пахта заводи	59,4	20,4	19,3	0,9
Бухоро консерва заводи	62,4	6,1	28,2	3,3
Бухоро текстил комбинати	43,7	13,6	31,8	7,8
Жиззах трикотаж фабрикаси	37,2	20,4	37,1	5,3

Беш йиллик режалар ва социалистик мажбуриятлар ҳам совет иқтисодий сиёсатининг самараси эди. Республикалар беш йиллик вазифаларни тўрт йилда ҳар қандай қилиб бўлса ҳам бажаришга мажбур этилар, вақтни маҳаллий кадрларни ўқитиш учун сарфлаш имкони йўқ даражада эди. Мутахассисларни собиқ иттифоқдош республикалардан олиб келиш гўёки ўша сиёсатнинг яна бир натижаси ўлароқ, малакали мутахассисларни тайёрлайдиган ўқув юртларини жойлаштириш ва саноат корхоналарини номутаносиб равишда фақат йирик

<sup>172</sup> Население Средней Азии. Выпуск 47. – М.: Финансы и статистика, 1985. С.59.

шаҳарларда барпо этишдан иборат эди. Бунинг устига, ишлаб чиқаришда моддий манфаатдорлик омилларига эътибор бермаслик меҳнаткашларни ижодий, самарали меҳнат қилиш ҳиссидан узоқлаштириб, меҳнат унумдорлигининг пасайиб кетишига олиб келди. Бундай аҳвол республиканинг бир қанча вилоятларида, жумладан, Андижон, Жиззах, Сурхондарёда яққол сезилади. Сурхондарё вилоятининг меҳнат унумдорлиги 1985 йилга нисбатан 1989 йилга келиб 9 фоиз, Андижон вилоятида 5 фоизга камайиб кетди. 1988 йилда республиканинг ўзида меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари 1985 йилги даражанинг 98,2 фоизини ташкил этди. Бу бошқа республикаларга нисбатан сезиларли даражада паст эди. Шу сабабли миллий даромаднинг ўсиши ҳам пасайди.<sup>173</sup>

Юқоридаги ҳолатлар аҳолини уй-жой, ишга жойлашиш, мактаб, мактабгача тарбия муассасалари билан таъминланиш муаммоларини кучайтириб юборди.

1970 йилларнинг ўрталарига қадар ҳам республика ҳаётида маълум ижтимоий-иқтисодий характердаги ўзгаришлар қилиш учун жиддий уринишлар бўлган. Лекин улар кўпинча, пухта асосланмаган бўлиб, бу муаммонинг бошқалари билан боғлиқлигини ҳисобга олмай, уларни бир-бирига боғламай, масаланинг қандайдир бир қисминигина қамраб олган эди.

Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизга яқини қишлоқларда истиқомат қилган. Шундан 1970 йилда 42,1 фоизи, 1986 йилга келиб эса 37,2 фоизи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлган.<sup>174</sup>

Ўзбек халқининг анъанавий тарзда яшаш жойига боғланганлиги (ўтроқлиги) аксарият республика аҳолисига, айниқса, қишлоқ аҳолисига хос бўлиб, бу ҳол уларни индустриал меҳнатга фаол жалб этишга ҳам тўсқинлик қилар эди. Уларнинг шаҳарларга келиб ишлашларига рус тилининг устун мавқеда эканлиги ҳамда бу тилни яхши билмасликлари ҳам салбий таъсир кўрсатар эди. Бу ҳол маҳаллий халқ ёшларига индустриал касбларни эгаллашларида ҳам қийинчиликлар

---

<sup>173</sup> Гўхлиев Н. Бозорга ўтишнинг машаққатли йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1999. 31-бет.

<sup>174</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 г. Статистический ежегодник. – Т.: Узбекистан, 1988. С.121.

туғдирарди. Айниқса, Жиззах, Қарши ва Сурхон-Шеробод каби янги ўзлаштирилган жойларда қишлоқ аҳолиси сони мунтазам ортиб борган. Масалан, 1971–1987 йиллар мобайнида Қашқадарё вилоятида қишлоқ аҳолиси сони 454 минг кишига ортган ҳолда, республика жами қишлоқ аҳолиси сони ўсишининг 13 фоизини ташкил этган.<sup>175</sup>

Ўзбекистонда аҳолининг бундай ўсиши яна бир омил билан, яъни собиқ иттифоқнинг бошқа минтақалардан кўплаб кишиларнинг доимий яшаш учун республикамизга кўчиб келганлари билан изоҳланади. Республикага кўчиб келганларнинг аксарияти шаҳар аҳолиси сафини тўлдирди.

Бу омиллар катта шаҳарларда ҳар бир квадрат метр майдонга тўғри келадиган аҳоли сони кўпайиб, уларнинг ниҳоятда зич яшаётганлиги билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқардики, бу муаммо ишсизлик каби ижтимоий иллатларнинг келиб чиқишига ҳам сабаб бўлди. Ўзбекистонда ишчилар сони кўпайган бир пайтда Тошкент, Фарғона водийси, Самарқанд ва бошқа вилоятларнинг sanoat корхоналарида бўш иш жойлари кўп эди. Аммо бундай муаммолар ҳал қилиниши ўрнига, бошқа минтақалардан ортиқча ишчи кучларини сафарбар қилиш билан осонгина ўз ечимини топгандек ҳисобланди.<sup>176</sup>

Масалан, биргина Тошкент шаҳрида 1985–1986 йилларда меҳнат ресурслари ортиқчаллиги 200 минг кишига етишига қарамай, четдан 125 мингга яқин ишчи ва мутахассислар жалб этилди.<sup>177</sup>

Улар юқори ташкилотлар томонидан маҳаллий аҳоли учун асосий муаммо саналган уй-жой ва бошқа шарт-шароитлар билан биринчи навбатда таъминландилар.

Республикада мамлакат марказининг манфаатларини кўзлаб кўплаб корхоналар қурилди ва шунга мўлжаллаб бошқа минтақалардан минглаб мутахассислар келтирилди. Уларга маълум имтиёзлар берилди ва улар турли қарор, фармойишлар билан ҳимоя қилинди.

---

<sup>175</sup> Максакова Л.П. Демографические проблемы занятости в Узбекской ССР. – Т.: Узбекистан, 1989. С. 21.

<sup>176</sup> Бобожонова Д. Ўзбекистондаги демографик жараёнлар ва уларнинг хусусиятлари. – Т.: Фан, 1995. 33-бет.

<sup>177</sup> Ўша манба. 34-бет.



Уй-жой олиш учун навбатда турган маҳаллий аҳолининг минглаб вакиллари эса бир неча йиллар мобайнида навбат кутишарди. 1979 йилга келиб республика бўйича 1 кв. км.га 34,4 киши тўғри келди.<sup>178</sup>

Юқоридаги қатор сабабларга кўра, маҳаллий аҳоли ўртасида шаҳарга кўчиб келишни хоҳловчилар қишлоқ аҳолиси ўртасида жуда камчиликни ташкил этар эди.

Лекин шунга қарамасдан, шаҳарларда аҳолининг эмигрантлар ҳисобига ўсиб бориши кўпгина муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Бундай аҳвол, айниқса, Фарғона водийсидаги йирик шаҳарларга кўпроқ тааллуқлидир. Агар 1975 йилда 1 кв.кмга Фарғонада 238,6 киши, Андижонда 321,3 киши, Наманганда 139,2 киши тўғри келган бўлса,<sup>179</sup> 1985 йилга келиб эса Андижонда 1 кв.км майдонга 370 киши, Фарғонада 273,7, Наманганда эса 164,9 киши тўғри келар эди.<sup>180</sup> Бунинг устига халқ хўжалигидаги қўшиб ёзиш ҳолатлари, кишилардаги лоқайдлик, бажарилган ишларда унумдорлик, сифат даражасининг пастлиги ҳам уй-жой қурилиши муаммосини келтириб чиқарган эди. Масалан, 1988 йилнинг ўзида давлат капитал маблағи ва уй-жой қурилиши кооперативларининг маблағлари ҳисобига қурилаётган уй-жойлар мўлжалдагидан 550 минг кв.м кам бўлди, яъни 36 минг киши янги уй-жой билан таъминланмади.<sup>181</sup>

Албатта, аҳолининг зич жойлашганлиги унинг табиий ўсиши ва собиқ СССРнинг бошқа минтақаларидан ишчи кучларини келтириш ҳисобига ўсиш суръатларининг юқорилиги аҳоли шундайича ҳам зич жойлашган шаҳарларда беистисно тарзда барча ижтимоий муаммоларни янада мураккаблаштириб юборган эди.

Умуман олганда, 1970–1980 йилларда республикада кўплаб саноат корхоналари қурилганига қарамасдан, 4,5 миллион кишининг, яъни бутун аҳолининг 45 фоизининг турмуш, яшаш тарзи энг паст даражада эканлиги, салкам 1 млн. ишсизлар турганлиги сабабли ҳам

---

<sup>178</sup> Юнусова Х. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар тарихидан (1989 йил Фарғона фожиалари мисолида). // ЎЗМУ хабарлари. 2000. № 4. 30-бет.

<sup>179</sup> Ўша жойда.

<sup>180</sup> Алиакберова Н.М., Гольдфарб Б.Я., Эргашев А. Размещения населения Ферганской долины (демографический аспект). – Т.: Фан, 1990. 23-бет.

<sup>181</sup> Жубарс Л. Уй-жой муаммоси диққат марказида // Партия турмуши. 1988. № 2. 56-бет.

юқорида таърифланган ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин. Иш билан таъминланмаганлар орасида 16-29 ёшдаги йигит ва қизлар 1970 йилда 33,5 фоизни ташкил этган бўлса, 1979 йилда 46,7 фоизни, 1985–1986 йилларда эса 50 фоиздан кўпроқни ташкил этди. Қишлоқ жойларда, айниқса, Бухоро вилояти ва Қорақалпоғистондаги қишлоқларда ёшлар орасидаги ишсизлар салмоғи бундан ҳам ортиқ эди.<sup>182</sup>

70–80 йилларда Ўзбекистонда аҳоли зичлиги ўртача Иттифоқ даражасидан 3,3 барабардан ҳам ортиқ бўлди.<sup>183</sup> Аҳолининг учдан икки қисми Ўзбекистон умумий майдонининг 14 фоизида истиқомат қилган, бунга Андижон, Фарғона, Тошкент, Наманган, Хоразм, Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари кирди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, совет давлатининг бу сиёсати Ўзбекистоннинг йиллар давомида турли миллат вакиллари истиқомат қиладиган республикага айлантириб юборди. Айни пайтда, Ўзбекистонда ерларнинг ўзлаштирилиши, урушдан кейинги йилларда турли миллат вакилларининг кўчириб келтирилиши, малакали кадрлар сифатида турли миллат вакилларининг республикага кўчиб келиши жараёнида ҳам ўзбек халқи ўзининг бағри кенглигини намоён этди. Халқ хўжалигининг барча соҳаларида улар билан ёнма-ён туриб меҳнат қилди.

## **2.2. 1946–1990 йилларда жанубий вилоятларнинг Ўзбекистон иқтисодиётида тугган ўрни ва демографик ҳолати**

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ўзбекистонда халқ хўжалигини тинч қурилиш изига ўтказиш ва уни тараққий эттириш режаларини ишлаб чиқиш ишлари бошланди. Ўзбекистон халқлари олдида турган энг муҳим вазифалардан бири, саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришдан иборат бўлган. Ўзбекистоннинг машинасозлик саноатини қишлоқ хўжалиги ва ирригация эҳтиёжлари учун машина ва ускуналар ишлаб чиқаришга ўтказилди. Бу йилларда

---

<sup>182</sup> Алиакберова Н.М., Гольдфарб Б.Я., Эргашев А. Размещения населения Ферганской долины (демографический аспект). – Т.: Фан, 1990. С.116

<sup>183</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР в 1984 г. Статистический ежегодник – Т.: Узбекистан, 1985. С.7.

аҳолини озиқ-овқат, ялпи саноат маҳсулотлари билан таъминлаш, бунинг учун ёқилғи, электр-энергия, малакали мутахассисларни тайёрлаш, уларни халқ хўжалигидаги хизматини таъминлаш вазифаси турар эди, лекин бу ҳолатларда Ўзбекистоннинг географик ҳолати, миллий анъаналари эътиборга олинмади. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига доир бўлган дастурлар марказдан ишлаб чиқилди. Республикада қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни қайта тиклаш ва янада юксалтириш Ўзбекистон иқтисоди истиқболининг энг муҳим вазифаси бўлиб қолди ва Ўзбекистон халқ хўжалиги «Пахта саноат комплекси» атрофида бирлашди.

Пахтачиликни ривожлантириш республика қишлоқ хўжалигининг асосий етиштирувчи хом ашёси бўлганлиги сабабли 1945 йилнинг 14 июлида ВКП (Б) Марказий Комитети ва Халқ Комиссарлари Совети «Ўзбекистонда пахтачиликни қайта тиклаш ва янада юксалтириш режаси ва тадбирлари тўғрисида»<sup>184</sup> ги махсус қарори Ўзбекистонни пахта хом ашёсига янада кўпроқ боғлаб қўйди. Мазкур қарор Ўзбекистонда пахтачиликни тиклаш ва янада ривожлантириш вазифаларини белгилаб берди. Натижада, 1950 йилларга келиб пахта экиладиган майдон қарийб урушдан олдинги даражага етди, пахта хом ашёси ҳам 50 фоизга кўпайди.<sup>185</sup> Аини пайтда, совет иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, улар иқтисодий районлаштиришдан иборат эди. Бу пастдан юқорига қараб ихтисослашган бўлиб, иқтисодий районлар, иқтисодий минтақалардан иборат бўлиб, бутун собиқ иттифоқда, Ўрта Осиё ва Қозоғистон, Кавказорти, Россиянинг марказий қисми ва Болтиқбўйига бўлинар эди.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари мамлакат иқтисодиётида ўз ўрнига эга бўлиб, юқорида келтирилгандек, Ўзбекистон иқтисодиёти «Пахта» саноат комплекси атрофида бирлашган эди. Ўзбекистоннинг пахта комплекси мамлакатдаги деярли барча тармоқ ҳамда минтақалар билан ўн минглаб бевосита ўзаро алоқаларга эга бўлган мураккаб кўп тармоқли минтақавий ишлаб чиқариш соҳаси эди.<sup>186</sup>

---

<sup>184</sup> ЎзР. МДА. 2775-жамғарма. 135-рўйхат. 6095-иш. 52-варақ.

<sup>185</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Энциклопедия. – Т.: Қомуслар бош таъририяти, 1997. 178-бет.

<sup>186</sup> Носиров П. Республикамиз «қарздор»ми? // Фан ва турмуш. 1989. № 4. 8-бет.

Ўз вақтида Ўзбекистон ҳудуди табиий-иқтисодий жиҳатдан 6 та: Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қарши, Бухоро-Қизилқум, Сурхондарё, Қуйи Амударё иқтисодий районларига бўлинган<sup>187</sup> бўлиб, бу иқтисодий районларга жойлаштирилган ишлаб чиқарувчи кучлар илмий жиҳатдан асосланмаган йўллар билан барпо этилганлиги сабабли ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларни қондира олмас эди.

**Самарқанд – Қарши иқтисодий райони** республика ҳудудининг 44,8 минг км.ни ташкил этиб, жами майдонларнинг 10 фоизини эгаллаган. Аҳолиси 3,556 минг кишидан иборатдир. Бу ҳудуднинг 12,3 фоизи фойдаланишга яроқли ер майдонлари бўлиб, 26,8 фоизи ҳайдалган ерлар, 19,4 фоизи ўзлаштирилган ерлар, 10,9 фоизида яйловлар мавжуд бўлган. Мазкур ерлар, асосан, Зарафшон водийси ва Қашқадарё вилоятига тўғри келган. Бу ҳудудга кирувчи Қашқадарё вилояти 1964 йил Қарши чўллари ўзлаштирилиши муносабати билан қайта ташкил этилган. Қашқадарё вилояти 1988 йилга келиб 14 та туманни ўзида бирлаштирди. 1983 йилда бу вилоятда 100 га яқин ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилиб, уларнинг 7 таси иттифоқ даражасидаги корхоналар бўлган. Қарши чўллари ўзлаштириш жадал тарзда давом этиб, янги турар жойлар барпо этилган – маконлар ва посёлкалар ўнинчи беш йиллик давомида бу ҳудудда 5 та кўриқ райони тузилди. 1980 йилда Қашқадарёнинг ўзлаштирилган қишлоқларида 56,9 минг киши ишлаган бўлса, 1987 йилга келиб 53,0 минг кишини ташкил этди.<sup>188</sup> Самарқанд вилояти ҳам республикадаги асосий ишлаб чиқарувчи ҳудудлардан бири бўлган.<sup>189</sup> Бу ерда пахта, тамаки, узум, қуруқ мева, қоракўл териси етиштириш йўлга қўйилган. Шу билан бирга, республикадаги лалми майдонларнинг катта қисми асосан мана шу ҳудудга тўғри келиб, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 75 фоизини етиштириб берган. Совет ҳокимияти йилларида вилоят хўжалик географиясида содир бўлган ўзгаришлар аҳолининг географик жойлашишига ҳам таъсир этган эди.<sup>190</sup>

---

<sup>187</sup> Бабаджанова Д. Б. Социально-экономические аспекты межнациональных отношений в Узбекистане (70-е середина 80-х гг). Автореф.дисс....док.ист.наук. – Т.: 1997. С.25.

<sup>188</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 г. Статистический ежегодник. – Т.: Узбекистан, 1988. С. 169.

<sup>189</sup> Ўша манба. С. 169.

<sup>190</sup> Қашқадарё область аҳоли географияси. – Қарши, 1980. 25-бет.

**Сурхондарё иқтисодий райони** жами 20,8 минг км. ерни эгаллаган бўлиб, республиканинг 4,6 фоиз қисмини ташкил этган. Аҳолиси 1176 минг кишидан иборатдир. Шундан шаҳар аҳолиси 1979 йилда 172 минг кишини ташкил этган бўлса, 1987 йилга келиб 232 минг кишига етган, қишлоқ аҳолиси эса 944 минг кишини ташкил этган.<sup>191</sup> Бу ерда 5,6 фоиз ер майдонлари бўлиб, 4,7 фоизида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилган, 7,3 фоизи ўзлаштирилган ерлардан ташкил топган. Пахта вилоятдаги ерларнинг 7,9 фоизида, дон маҳсулотлари 6,2 фоизида етиштирилган. Республикадаги яйловларнинг 4,3 фоизи эса бу иқтисодий районга тўғри келган.<sup>192</sup> Вилоятда 80 та саноат корхоналари мавжуд бўлиб, улар асосан озиқ-овқат ва енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ер ости фойдали қазилмаларидан нефть, табиий газ, кўмир конлари мавжуд бўлган. Вилоятнинг маркази – Термизда пахта тозалаш корхоналари, гўшт комбинати, нон заводи, ёғ-мой корхоналари мавжуд бўлган. Бу вилоятда республика иқтисодини ривожлантириш учун етарли даражада имкониятлар ҳам мавжуд бўлса-да, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришдаги нуноқлик, марказнинг тақсимлаш сиёсати иқтисодий районнинг ривожланиш имкониятларини четга суриб қўйган эди.

Пахтачиликка эътиборнинг кучайтирилиши туфайли Сурхондарё вилоятида пахта тозалаш заводлари сони йил сайин кўпайиб борди. 1947 йилдан бошлаб Шўрчи пахта тозалаш заводининг қурилиши бошланди, бу корхона қурилишига 5 млн. сўм миқдорида капитал маблағ ажратилди ва қурилиш 1961 йилга келиб якунланди.<sup>193</sup> 70-йилларда вилоятда 10 та пахта тозалаш заводи барпо этилди.

Умуман олганда, 1946–1960 йилларда Сурхондарёда кўпгина янги пахта тозалаш заводлари бунёд этилиб, корхоналарни янги техника ва технология билан жиҳозлаш ишлари олиб борилди. Сурхондарё вилоятида пахта тозалаш корхоналарининг сон жиҳатидан ортиб

---

<sup>191</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 г. Статистический ежегодник. – Т.: Узбекистан, 1988. С.203

<sup>192</sup> Турсунов С.Н, Қобилов Э.О. ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. – Т.: Шарқ, 2004. 362-бет.

<sup>193</sup> Турсунов С.Н, Қобилов Э.О. ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. – Т.: Шарқ, 2004. 363- бет.

бориши ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, вилоятда пахтачилик асосий ўринлардан бирини эгаллар эди. Шу йилларда вилоятда пахтачиликни, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида янги ерларни ўзлаштириш ишлари олиб борилди. Республика миқёсида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш 1950–1953 йилларда 1.6 фоизга оширилган бўлса, 1954–1960 йилларда эса 7 фоизга ошиб борди.<sup>194</sup> Жанубий вилоятларда янги ерларни очиш учун йирик сув омборларини бунёд этиш зарур эди. Чўлни ўзлаштириш ишлари асосан 1965–1975 йилларда жадал олиб борилди, натижада, шу йилларда пахта майдони 109 минг гектардан 138.1 минг гектарга, донли экинлар майдони 52.1 минг гектардан 69.1 минг гектарга, полиз экинлари эса 2.6 гектардан 4.3 гектарга жами экин майдони 138.5 фоизга кўпайди.<sup>195</sup>

Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш, суғориладиган экин майдонларини ишга солиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг ялпи ҳосилини ва ҳосилдорлигини ошириш ишлари Қашқадарё воҳасида ҳам ташкил этилган эди. Масалан, чигит экиладиган майдонлар 1950 йилдаги 42 минг гектардан 1973 йилда 112.7 минг гектарга етди. Пахта етиштириш 1950 йилдаги 69 минг тонна ўрнига 1973 йилда 317 минг тоннадан ошди.<sup>196</sup> Қарши даштларини ўзлаштириш натижасида фойдаланилмай ётган ерларда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш имконияти кенгайди. Қарши даштларини ўзлаштириш бош режасига мувофиқ, 134 та пахтачилик совхози, 50 та пахта тозалаш заводи, 12 та ёғ-экстракция ва 1 та консерва заводларини қуриш мўлжалланган эди.<sup>197</sup>

Вилоятларда янги ўзлаштирилаётган ерлар катта миқдордаги маблағни талаб қилар, ушбу маблағларнинг умумий ҳажмдан кўпроғини мелиоратив тадбирлар ва янги ерларни ўзлаштиришга сарфланса-да, лекин кўп ҳолларда бу ишларнинг охирига етказилмаслиги, маб-

---

<sup>194</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР в 1979 году. – Т.: Узбекистан, 1980. С. 204.

<sup>195</sup> Рўзиев А.Н., Мирзаев Ш.П., Бораталиев У. Сурхондарё сув омборлари ва агросаноат мажмуини ривожлантириш масалалари. – Сурхондарё вилояти матбуот бошқармаси «Жайхун» нашриёти, 1997. 42-бет.

<sup>196</sup> Чориев А., Очилов М. Қашқадарё области. – Т.: Ўзбекистон, 1974. 110-бет.

<sup>197</sup> Ўша манба. 111-бет.

лағларнинг ўз ўрнида ишлатилмаслиги сабабли ердан олинган фойда қилинган харажатларни қоплашга ҳам имкон бермас эди. Масалан, 1981–1985 йилларда ана шундай ишлар учун ажратилган 1,7 млрд. сўм маблағ ўз ўрнида сарфланмади.<sup>198</sup>

1946–1990 йилларда маҳаллий саноат корхоналари фаолиятида ҳам сезиларли жонланиш сезилди. 1970 йилларда Шўрчи дон ва ун маҳсулотлари комбинатининг қурилиши бошланиб, 1976 йилдан ушбу комбинат республиканинг зарбдор қурилишларидан бирига айланди.<sup>199</sup> Масалан, 1966 йили Бойсунда йирик экспериментал шойи тўқиш фабрикаси қурилиши бошланиб, у 1972 йили фойдаланишга топширилди.<sup>200</sup> 1971–1975 йиллар оралиғида Бойсун туманида тивит рўмол фабрикаси, тикув фабрикаси, жемфер-пайпоқлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ва цехлар қурилди. Вилоятда биринчи ва ягона мебель фабрикаси Шўрчи шаҳрида 1982 йили ишга туширилди.<sup>201</sup>

Қашқадарё вилоятида ҳам саноатни ривожлантириш ишлари 1950 йиллардан кейин сезиларли ривожланди. Дастлаб бир неча майда ҳунармандчилик корхоналари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналар ҳамда Шаҳрисабз пахта тозалаш корхонаси мавжуд бўлган бўлса-да, 1970 йиллардан бошлаб анча катта захирага эга бўлган нефть ва газ конлари фойдаланишга топширилиб, Қарши чўлида қўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши тез суръатларда ўсди. Нефть ва газ қазиб олиш асида XX асрнинг 60-йилларидан бошланди. 1986–1990 йилларда табиий газ ва нефть қазиб чиқариш, газни қайта ишлаш, енгил ва озиқ-овқат саноати тез ривожланди. Шу давр ичида Муборак газни қайта ишлаш заводининг қуввати оширилди, Шўртангаз комплекси ишга туширилди. Китобда ипак йигирув фабрикаси, Баҳористонда Қарши тикув фабрикасининг филиаллари фойдаланишга топширилди. Вилоятда 100 дан ортиқ йирик корхоналар мунтазам тарзда фаолият олиб борди. Ёқилғи сано-

---

<sup>198</sup> Абдураззоқов А. Ўзбекистон пахтачилиги тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 1994, 230-бет.

<sup>199</sup> Турсунов С.Н., Қобилов Э.О. ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. – Т.: Шарқ, 2004. 363-бет.

<sup>200</sup> Ўша манба. 371-бет.

<sup>201</sup> Турсунов С.Н., Қобилов Э.О. ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. – Т.: Шарқ, 2004. 371-бет.

ати ишлаб чиқарилаётган барча ялпи маҳсулотнинг 40,9 фоизини, ишчи ва хизматчиларнинг 18,7 фоизини ва асосий ишлаб чиқариш жамғармаларининг 64,5 фоизини ташкил этган бўлса, 1970 йилда оғир sanoatнинг улуши 31,7 фоизини, 1990 йилда бу кўрсаткич 52,3 фоизни ташкил этди.<sup>202</sup>

1946–1990 йилларда Қашқадарё ва Сурхон воҳасида енгил ва озиқ-овқат sanoati билан бирга, ёқилғи-энергетика мажмуи ривожиди ҳам маълум ишлар амалга оширилди.

1947 йил сентябрида 40 квт.ли кичик ГЭС ишга туширилди. 1963 йили Сурхондарё вилояти электр тармоқларида 22,5 минг квт. кучга эга бўлган 6 та энергия поезди, 4 та дизел электр станцияси ва 3 та кичик ГЭС лар ташкил қилинди. Қашқадарёда 1965 йилгача 25 минг квт. ли электр шахобчаларининг узунлиги атиги 420 км. ни ташкил қилар эди. 1965 йилдан бошлаб эса Бухоро-Қарши электр узаткичи, шунингдек «Қарши электр станция» лари қуриб битказилди.<sup>203</sup> Гарчи бу рақамлар ҳозирги ўлчовга нисбатан олганда арзимас бўлиб кўринса-да, бироқ ушбу йилларда 62,8 квт.с. электр қуввати ишлаб чиқарилди, бу кўрсаткич ўз даврида катта ютуқ эди. 1970 йилга келиб, Қарши ва Сурхон воҳалари тўлиқ электрлаштирилди.<sup>204</sup> 1970 йилларнинг бошларига келиб, вилоят энергетиклари олдидаги энг муҳим муаммолар истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб бериш, ўрнатилган электр станциялар қувватини ошириш, электр энергиясининг узатиш тармоқларининг мустақамлигини ошириш соҳасида кенг кўламли ишлар олиб борилди. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Сурхондарё электр тармоқлари корхонаси (1963 йил 29 январдаги 2/35 сон қарори билан ташкил этилган эди)<sup>205</sup> ташкил топган йилидан бошлаб 45 йил мобайнида қишлоқ хўжалигини таъминлашдаги етакчи халқ хўжаликларидан бири эканлиги исботланди.

---

<sup>202</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР в 1979 году. – Т.: Узбекистан, 1980. С.54.

<sup>203</sup> Тўхтаев А. Сурхондарё вилоятини электрлаштириш тарихидан (1946–1960 йиллар). М. Улугбекнинг 600 йиллиги муносабати билан проф-ўқитувчиларнинг биринчи илмий-назарий конференцияси. – Термиз, 1994 й. 17-18 бетлар.

<sup>204</sup> Ўша манба.

<sup>205</sup> Ўша манба.



Тадқиқ этилаётган йилларда Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида ёқилғи саноатида ҳам маълум ўзгаришлар кўзга ташланади. 1947 йили «Лалмикор» корхонасида 11 км. узунликдаги нефть қувурлари ётқизилди. 2 та янги нефть қудуқлари топилди. 1963 йилда вилоятда режа бўйича 200 минг тонна нефть қазиб олиниши лозим эди, амалда эса 202753 тонна нефть қазиб олинди. Нефть қудуқлари сони Ховдакда 22, Какайдида 38, Лалмикорда 48 тага етди.<sup>206</sup> Қашқадарёда 1965 йилда 164,2 млн. м.куб газ, 29 минг тонна нефть қазиб олинган бўлса, 1970 йили 3232 млн. м.куб. газ, 334 минг тонна нефть қазиб олинди.<sup>207</sup> 1970–1990 йилларда республикада саноат ялпи маҳсулоти ишлаб чиқариш 3,6 марта ошган бўлса, Қашқадарёда 3,2 мартага ўсди. Кўмир қазиб чиқариш Сурхондарё вилоятида 1966 йилда 1940 йилга қараганда 56 марта, нефть қазииш ишлари эса 2,5 баробарга кўпайди. Табиий газ қазиб олинишининг ўсиши ҳам бу йилларда ошиб борди. Газ, асосан, Лалмикор конларидан олина бошланди.<sup>208</sup> Айнан шу даврда республикадаги энг рентабелли ва маҳсулотига талаб катта бўлган Шарғун кўмир шахтаси қурилиши бошланди. Бу кон осмасим йўлининг узунлиги жиҳатидан МДХ ва Европада етакчи ўринда турса, ишлаб чиқарилаётган гипс сифати жиҳатидан эса жаҳонда иккинчи ўринни эгаллади.

Халқ хўжалиги учун зарур юкларни ташиш темирйўлчилар зиммасига муҳим вазифаларни юклар эди. 1948–1953 йилларда Термиз бекати 1 суткада 6 жуфт юк ташувчи поездларини ва 4 та пассажир поездларини қабул қилиш имкониятига эга эди. 1974 йилда эса узунлиги 54 км. бўлган Аму-Занг темир йўли ва Термиз-Яван темир йўли тармоғи қуриб битказилди. Қашқадарё вилоятида эса 1966 йилда Самарқанд-Қарши темир йўли қурилиши бошланиб, 1970 йилги 114 км. узунликдаги бу йўл фойдаланишга топширилди. У Тошкентдан Қаршигача бўлган масофани 240 км.га қисқартирди. Натияжада, Қашқадарё вилоятининг 71 хўжалиги ҳудудидан темир йўлларнинг ўтиши вилоятдаги ички ва ташқи алоқаларнинг кенгайишига олиб келди.

---

<sup>206</sup> Турсунов С.Н., Қобилов Э.О. ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. – Т.: Шарқ, 2004. 377-бет.

<sup>207</sup> Чориев А., Очиллов М. Қашқадарё области. – Т.: Ўзбекистон, 1974. 14-бет.

<sup>208</sup> Турсунов С.Н., Қобилов Э.О. ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. – Т.: Шарқ, 2004. 378-бет.

1989 йили Қашқадарёда темир йўллар орқали вилоят ичкарасида 10,4 минг тоннага яқин юк ташилган ва вилоят иқтисодий ривожига муҳим ҳисса қўшган.<sup>209</sup> Худди шунингдек, Сурхондарё вилоятининг юк ортиш ҳажмининг ортиши натижасида 1982 йилда янги темир йўл парки қурилди. Бу парк 16 та темир йўл изларидан иборат эди. Шунингдек, 1982 йили Амударё устидаги автомобил темир йўлидан фойдаланиш имконияти яратилди. Термиз Афғонистон республикаси учун энг қулай савдо-сотиқ қиладиган порт шаҳарга айланди.<sup>210</sup>

Ўзбекистон иқтисодиётида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа корхоналар муҳим ўрин тутган. Аммо ушбу корхоналарда меҳнат қиладиган ишчи жамоа кучлари доимо ҳам маҳаллий миллат вакилларида иборат бўлмаган.

Юқорида келтирилган ҳолатлар тадқиқ этилаётган вилоятлар иқтисодий ҳаётида ўзига хос муҳим ўзгаришлар бўлиб кўрингани билан, вилоятнинг мустақил иқтисодий ривожига учун тўла етарли эмас эди. Бунга сабаб вилоятда саноат корхоналарининг турлари кам бўлганлиги эди. Бу эса ўз навбатида, маҳаллий аҳолини пахта саноати атрофида бирлаштирди.

Шунингдек, мустабид совет давридан маълумки, ишчи кучларини четдан жалб қилиш ишлари муттасил олиб борилган, оқибатда маҳаллий меҳнат ресурсларини иш жойлари билан таъминлаш тобора мураккаблашиб борган эди. Давлат ва бошқарув органлари, хўжалик ташкилотлари 60-йиллар охирида йирик корхоналар филиалларини, айрим цех ва бўлинмаларини аҳоли зич яшаётган, ортиқча иш кучига эга бўлган туманларда, катта қишлоқларда очишга ҳаракат қилган. Бу ишларнинг натижасида Сурхондарёнинг бир қанча шаҳарлари (Бойсун, Шарғун, Денов, Шўрчи) да 70–80-йилларда 22 минг янги иш жойлари барпо этилган эди.<sup>211</sup> Мазкур шаҳарларнинг ва айниқса, қишлоқ аҳолиси зич яшаётган бир қатор марказларнинг

---

<sup>209</sup> Қашқадарё вилояти географияси. // География ўқитувчилари учун қўлланма. – Қарши, 1994. 142-бет.

<sup>210</sup> Тўхтаев А. Сурхондарё вилоятини электрлаштириш тарихидан (1946–1960 йиллар). М. Улуғбекнинг 600 йиллиги муносабати билан проф-ўқитувчиларнинг I илмий-назарий конференцияси. – Термиз, 1994 й. 17-18-бетлар.

<sup>211</sup> Народное хозяйство Сурхандаринской области в. 1980–1989 гг. Стат. сборник. – Термиз, 1989. С.14.

ижтимоий-иқтисодий ривожланишига Сурхон-Шеробод чўлининг ўзлаштирилиши ҳамда бир қанча корхоналарнинг ишга туширилиши катта омил бўлди. Лекин бу вилоят аҳолисини тўлиқ иш билан таъминланиши дегани эмас эди.

Жанубий вилоятлар қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи саноат тармоқларига қарашли корхоналар, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотини қайта ишлаш корхоналари қурилаётган вақтда маълум маънода шаҳар ва қишлоқ жойларида иш билан таъминланмаган ёшлар, айниқса, хотин-қизлар сонининг ортиб бораётгани ҳам ҳисобга олинди. Масалан, Сурхондарё вилояти Бойсун шаҳрида 1925 йилда ташкил этилган шойи тўқиш майда корхонаси асосида 1966 йил йирик экспериментал шойи тўқиш фабрикаси қурилиши бошланиб, у 1972 йилда ишга туширилди. Ўша йилнинг ўзидаёқ бу фабрика 907 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.<sup>212</sup> Шунингдек, 1971–1975 йиллар мобайнида қурилган тивит рўмол фабрикаси, тикув фабрикаси ўзининг филиалларини туманга қарашли Сарносиё ва Кофурун қишлоқларида ташкил қилди. Шу туфайли 600 дан ортиқ шаҳар ва қишлоқ хотин-қизлари иш жойи ва даромад манбаи билан таъминланди.<sup>213</sup>

Бу шаҳарда 1976–1980 йилларда маҳаллий саноат тасарруфида жун кийимлар, пайпоқлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ва цехлар қурилди, мавжуд эски фабрикалар қайта қурилиб, янги техника ва замонавий технологиялар билан жиҳозланди.<sup>214</sup> Қишлоқ хўжалиги техникасини таъмирлаш, пахта тозалаш, консерва заводлари ва тикув фабрикаларида янги мосламалар ўрнатилди. Натижада, ишчиларнинг меҳнат шароитлари, биринчи навбатда, меҳнат таъминоти яхшиланди. Меҳнат унумдорлиги имкониятлари кенгайди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати яхшиланишига эришилди.

Аммо Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги айрим корхоналар маъмурияти масъулиятсизлиги оқибатида баъзи йилларда меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифати пасайди. Шунга ўхшаш бошқа нуқсонларнинг бўлиб туриши шаҳарлардаги корхоналар фаолияти-

---

<sup>212</sup> «Галаба». 1978 йил. 30 январ.

<sup>213</sup> Денов туманлараро давлат архиви. 80-жамғарма, 1-рўйхат, 187-иш. 2-варақ.

<sup>214</sup> Ўша манба. 87 варақ.

нинг бир маромда ўсишига салбий таъсир қилди. Масалан, 1975–1979 йилларда Сурхондарёдаги шойи тўқиш фабрикаси ва ғишт заводида меҳнат хавфсизлиги яхши таъминланмаганлиги туфайли 195 соат иш вақти йўқотилди.<sup>215</sup> 1984–1985 йилларда эса ускуналарнинг эскилиги, янги тикув асбобларининг ўрнатилмаганлиги натижасида 124 соат иш вақти йўқотилди.<sup>216</sup> Бу фабрикаларда янги келтирилган тўқув дастгоҳларини турли баҳоналар билан ўрнатмаслик одат тусига кириб қолган эди.

Шуни таъкидлаш лозимки, саноат корхоналари бир томондан вилоятлар иқтисодиётини ривожлантиришга ҳисса қўшган бўлса, иккинчи томондан экологиянинг бузилишига салбий таъсир этган. Худди шу ҳолат Сурхондарёдаги бир қанча саноат корхоналари атрофида истиқомат қилувчи аҳолининг саломатлигига салбий таъсир этган. 1980–1989 йилларда турли хил касалликлар сони 4,8 марта, болалар касаллиги 2,8 марта, катталар касаллиги 2,2 марта, гўдакларнинг сут тиши чириши касалликлари 2 марта, енгил фегороза касаллигига чалиниш 8,8 мартага қадар ўсди.<sup>217</sup> Шу йилларда туғма касалликлар сони ҳам кўпайди. 1984 йилда 700 бола туғилган бўлса, шундан 72 таси туғма касалликка дучор бўлди. 1988 йилда эса 800 бола туғилиб, 50 таси туғма касалликка чалинди, 80 таси эса ўлик ҳолатда туғилди.<sup>218</sup> Экологиянинг бузилиши вилоятда ипакчиликка ҳам салбий таъсир қилди. Бунга асосий сабаб, кўмир қазиб олишнинг ниҳоятда оддий усулда бўлиши ва қўшни Тожикистонда қурилган Алюминий заводининг ишга туширилиши бўлди.

Ачинарли ҳолат шунда эдики, 70–80-йилларда бошқа жойларда бўлгани каби Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳам аҳолини табиий жиҳатдан муҳофаза қилувчи ҳеч қандай чора-тадбирлар кўрилмади. Таъкидлаш жоизки, собиқ совет ҳукумати тизимида экологик муаммоларни ҳал этадиган бирорта ташкилот ёки гуруҳнинг ўзи йўқ эди. Совет давлатида ҳамма нарса ўз ўрнида, деган хулосага таяниш

---

<sup>215</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви. 446-жамғарма, 1-рўйхат, 147-иш. 37-варақ.

<sup>216</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви. 446-жамғарма, 1-рўйхат, 147-иш. 38-варақ.

<sup>217</sup> «Ёш Ленинчи». 1990 йил 13 январь.

<sup>218</sup> Ўша манба.

одат тусига кириб қолган эди. Ўз навбатида, бу даврдаги қурилган барча саноат корхоналари, шунингдек Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги корхоналар ҳам ишлаб чиқариш технологиясига тўлиқ жавоб беради, деган «ғоя» кенг тадбиқ этилган бўлиб, ишга туширилган саноат бинолари экологик «талаб даражасида» деб хулосаланган. Аслида эса корхоналарда ўрнатилган чанг ютувчи, ҳаво тозаловчи, чиқиндиларни олиб чиқувчи мосламалар вақтинча ишлар ёки умуман ишламаса ҳам сўзсиз яроқли деб қабул қилинар эди.

1980 йилларнинг охирларига келиб, Ўзбекистон собиқ СССР миқёсида ишлаб чиқариш муносабатлари, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиш даражасидан орқада қолди. Ўз вақтида ҳал этилмай қолган зиддиятларнинг аста-секин кўпайиб бориши иқтисодий жараёндан самарали фойдаланишга тўсқинлик қилди. Бу номувофиқликни ўз вақтида олди олинмади ва шу сабабли кейинги чора-тадбирлар натижа бермади. Иқтисодий инқироз ҳолатлари кучайиб борди. Бу йилларда ижтимоий мулкни, хўжалик алоқаларини, меҳнат ва унга ҳақ тўлашнинг ташқил этилиши хўжалик ҳисобини, нархларни, молия-кредит воситаларини рўёбга чиқаришнинг иқтисодий формалари ҳаракатчанлиги ва ўзгарувчанлиги эътиборга олинмас эди. Натижада, ишлаб чиқариш муносабатларининг мана шундай аниқ формалари эскириб қолганлиги, улар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи омига айланиб қолганлиги ҳам ўз вақтида пайқалмади.

Собиқ СССРнинг ана шундай бошқарув тизимига бўйсунган Ўзбекистон халқ хўжалиги маҳаллий аҳолининг туб манфаатларини ҳисобга олишга мўлжалланмаган эди. Умумий кўринишда ушбу тузумнинг олиб борган сиёсати республика иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қилса-да, ундан олинаётган фойдадан Ўзбекистондан кўра марказ кўпроқ баҳраманд бўлар эди.

Ўзбекистон халқ хўжалигининг собиқ СССР тарқалиши арафасидаги ҳолатини республиканинг жанубий вилоятлари Сурхондарё ва Қашқадарё мисолида айтиш мумкин. 1988 йилда Ўзбекистон Республикасида 1623 та саноат корхоналари бўлган бўлса, шундан 92 тадан ортиғи Сурхондарёда, 100 дан ортиғи Қашқадарёда жойлашган эди.<sup>219</sup>

---

<sup>219</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР в 1988 г. Статистический ежегодник. – Т.: Узбекистан, 1989. С. 161.

Ўзбекистон жанубидаги саноат корхоналаридан 30 таси 1987 йилда меҳнат унумдорлигини ошириш режаларини бажара олмади. 1988 йилда ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1987 йилга нисбатан ҳам камайиб кетди.<sup>220</sup>

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида бир қатор корхоналар қониқарсиз равишда фаолият юргизди. Қарши, Шаҳрисабз, Денов, Бойсун, Жарқўрғон ва Термиз туманларида халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқариш йилдан-йилга камайиб борди. Кўпгина ишлаб чиқарилган маҳсулотлар давлат стандарти талабларига жавоб бера олмади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилояти саноат тараққиёти бўйича Ўзбекистонда энг паст ривожланиш даражасида бўлиб қолди. Маҳсулотлар қайта ишланмас, мавжуд завод, фабрикаларда иш жараёнларини такомиллаштиришга, янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга етарли тарзда эътибор берилмасди. Марказ топшириғи билан маҳаллий шароитни, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олмасдан бир ёқлама фаолият юргизилганлиги натижасида юзага келган инқирозий ҳолатдан қутулиш учун маълум саъй-ҳаракатлар тобора намоён бўлмоқда эди.<sup>221</sup> 1985–1990 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида турғунлик ҳолатлари янада кучая борди. Бунга Ўзбекистон саноатининг ҳаддан ташқари марказлашуви ҳам салбий таъсир кўрсатди. Хусусан, республика ҳудудининг 5 фоизда 65 фоиз саноат корхоналари нотекис равишда, асосан Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона вилоятларида тўпланган эди.<sup>222</sup> Бундай ҳолатга қарамай, тадқиқ этилаётган даврда Сурхондарё ва Қашқадарё вилояти меҳнаткашлари барча имкониятларни ишга солиб, вилоятнинг иқтисодий салмоғини кўтаришга ўз ҳиссаларини қўшиб келдилар.

Хулоса қилиб айтганда, собиқ совет ҳукуматининг 74 йиллик сиёсати давомида Ўзбекистон бутуниттифоқ миқёсида мамлакатнинг асосий хом ашё етиштириб берувчи минтақаси бўлиб келди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ҳўжаликнинг тинч йўлга кўчирилиши,

---

<sup>220</sup> Ўша манба. С. 162.

<sup>221</sup> Тўхлиев Н. Бозорга ўтишнинг машаққатли йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1999. 190-бет.

<sup>222</sup> Ўша манба. 190-бет.

бунда марказнинг аралашуви Ўзбекистоннинг иқтисодий, географик имкониятларини ҳисобга олмаган ҳолда ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлаштирилиши «пахта» саноат комплексини кенг ривожлантирди. Республика халқ хўжалигининг кўпгина тармоқлари пахта ишлаб чиқариш ёки уни қайта ишлаш билан бевосита боғлиқ бўлди.

Совет ҳукуматининг аниқ мақсадларга йўналтирилган миграция сиёсати оқибатида туб аҳоли асосан қишлоқларда жойлашиб қолди. Қишлоқларда ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг камлиги фойдали меҳнат билан банд бўлган аҳолининг катта қисми қишлоқ аҳолисига тўғри келиб қолди. Айти пайтда, Ўзбекистон халқ хўжалигида, қишлоқ хўжалигида муҳим ўрни бўлган жанубий вилоятларда ҳам аҳвол жиддий эди. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида янги ерлар ўзлаштирилиб, аҳоли хўжаликлари турар-жойларининг барпо этилиши бу ердаги ишсизлар сонининг камайишига ёки умуман демографик муаммоларни ҳал этишга етарли даражада ижобий таъсир кўрсатмади.

## **III БОБ. СУРХОНДАРЁ ВА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИДА МИГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ КЕСКИНЛАШУВИ**

### **3.1. Жанубий вилоятлардаги ташқи ва ички миграцион жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари**

Ўзбекистонда 1946–1990 йилларда кечган миграция жараёни турли талқин этилиб, республикада завод ва фабрикалар қурилиши, янги шаҳарлар бунёд этилиши ва кўплаб янги ерларнинг ўзлаштирилиши ҳамда бошқа соҳаларни ишчи-мутахассис кадрлар билан таъминлаш мақсадида СССРнинг марказий туманларидан аҳолини кўчириб келтириш билан изоҳланарди.

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш борасида амалга оширилган тадбирлар асосан қуйидаги мақсадларга эришиш учун қаратилган эди: **биринчидан**, тез суръатлар билан ортиб бораётган меҳнат ресурсларидан кенгроқ фойдаланиш йўли билан республика қишлоқ хўжалигида хом ашё ишлаб чиқаришни кўпайтириш. **Иккинчидан**, Ўзбекистонни совет ҳукумати пахтачилигининг асосий базаси сифатида ҳиссасини ошириш. **Учинчидан**, қишлоқ хўжалиги хизматларини республиканинг ўзида ривожлантириш, жумладан, минерал ўғитларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги (пахтачилик)га хизмат қиладиган машинасозлик саноатини ривожлантириш ва кенгайтиришдан иборат бўлган. Собиқ совет давлати амалга оширган ушбу сиёсатнинг асл моҳиятини англаш учун Республика Президенти И.А. Каримовнинг қуйидаги фикрларини таъкидлаб ўтиш айни ҳақиқатдир: «Табийки, бундай ҳол, аввало, бутун совет тизимига хос бўлган марказлаштирилган усулда режалаштириш ва тақсимлашдек иллатларнинг таъсири эди. Лекин энг ёмони, Ўзбекистон иқтисодиёти асосан хом ашё тайёрлашга йўналтирилгани, бир ёқлама ривожланиш ҳисобидан мўрт ва ночор ҳолга тушиб қолган бўлиб, иқтисодиётга, экология ва аҳоли генофонига ҳалокатли таъсир ўтказадиган пахта яккаҳоқимлиги юртимиздаги вазиятни жар ёқасига олиб келиб қўйган эди. Бунинг оқибатида улкан табиий, минерал хом ашё, меҳнат ва инсон салоҳиятига эга бўлишига қарамай, республикамиз собиқ СССРда аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий ва гуманитар соҳалар ривожини бўйича охириги ўринлардан бирида турар эди. Буни аҳолини рўйхатга олиш бўйича 1989 йилда ўтка-



зилган статистик маълумотлар ҳам тасдиқлайди».<sup>223</sup> Пахтадан кўпроқ ялпи ҳосил олишга интилиш сиёсатининг яққол ифодаси ўзлаштирилган ерларда пахта етиштирадиган хўжаликларни жадаллик билан ташкил этиш бўлди. Бироқ қўриқ ерларни ўзлаштириш жамият тараққиётини экстенсив андоза бўйича олиб боришнинг яққол ифодаси саналди. У ҳар томонлама чуқур ва илмий асосда ишлаб чиқилмаган бўлиб, кўплаб салбий ҳолатларни келтириб чиқарди. Амалга оширилаётган ишларда экологик оқибатларни ҳисобга олинмаслиги аҳволни янада мушкуллаштирди. Ерларни ўзлаштиришда йўл қўйилган камчиликлар эса ҳосилдор ерларнинг миқдорини камайтириб юборди. Шу билан бир қаторда, пахтачиликни ривожлантириш мақсадида мавжуд илмий кучлар ҳам жалб этилди. Ўзбекистон халқининг фидокорона меҳнати туфайли бир қанча суғориш тизимлари, гидротехника иншоотлари қурилди, давлат хўжаликлари барпо этилди. Албатта, бу мақсадларга эришиш учун аҳолини кўчириш ишларини олиб бориш доимий равишда кенгайиб борди, натижада миллий таркиб ҳам ўзгариб борди. Статистик маълумотларга кўра, Сурхондарё вилоятида 1979 йилга нисбатан 1989 йилда аҳоли орасида рус, украин, беларус, татар, озарбайжон ва бошқа миллат вакилларининг салмоғи икки баробар ошди.<sup>224</sup> Табиийки, улар қишлоқ жойларида эмас, балки, асосан ўрта ва кичик шаҳарларда жойлашишга ҳаракат қилганлар.

Бундай жараён Ўзбекистоннинг ички туманларида қишлоқ аҳолиси ҳисобига ҳам шаҳарларда яшовчи аҳолининг ўсиб бориш тенденциясини кучайтирди. Қишлоқларда шароитнинг шаҳарга нисбатан ноқулайлиги, хусусан, ишсизлик, ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳадаги зиддиятли жараёнлар ёшларнинг шаҳарларга кетишга мажбур қиладиган сабаблардан эди. Масалан, 1945 йилда шаҳар аҳолиси 1761 минг кишидан иборат бўлиб, бутун республика аҳолисининг 33,8

---

<sup>223</sup> Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси. – Халқ сўзи, 2007, 31 август.

<sup>224</sup> Итоги всесоюзной переписи населения в 1989. Национальный состав населения Узбекской ССР. Стат. сборник часть II – Т.: Узбекистан, 1990. С 164.

фоизини ташкил этган бўлса, 1970 йилда 4322 минг кишидан иборат бўлиб, республика аҳолисининг 36,6 фоизини, 1990 йилда эса 8304 мингга етиб, бутун аҳолининг 40,5 фоизини ташкил қилди.<sup>225</sup> Сурхондарё вилоятида аҳолининг табиий кўпайиши шаҳар аҳолисининг кўпайиб боришига ҳам олиб келди. 1939 йилда вилоятда шаҳар аҳолиси умумий аҳолининг 9,3, 1950 йилда 15,4, 1970 йилда 16,0, 1979 йилда 19,3, 1989 йилда 19,4 фоизини ташкил қилди.<sup>226</sup>

Тадқиқ этилаётган йилларда Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларидаги ички миграция жараёнлари эътиборга молик. Масалан, 1949 йил 3 мартда Шеробод туман ижроия қўмитасининг мажлиси бўлиб, унда «Таллимарон» массивини ўзлаштириш ҳақидаги қарорга биноан тоғ ҳудудидаги Қизил олма, Лайлогон, Шержон, Зарабоғ, Қорабоғ қишлоқларидан аҳоли янги ўзлаштирилган ерларга кўчирилди.<sup>227</sup> Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида қўриқ ерларни ўзлаштириш ишлари жадал олиб борилди. 1949–1950 йилларда Занг каналининг тармоғи ишга туширилди. Чўлқуварлар узунлиги 18 км бўлган бу канални қазिश ва сув чиқариш ишларини жадал олиб бордилар, 90 кундан сўнг бу канал қўз кучи билан қазиб тугатилди.<sup>228</sup> Натижада, қўшимча 7,5 минг гектар ер ўзлаштирилди. 1954–1957 йилларда Занг канали Бешкўтон массивигача узайтирилди ва 3,8 минг гектар ерни қишлоқ хўжалиги захирасига киритиш имконини берди.<sup>229</sup> 1953 йилда Сурхон дарёсини бевосита экин майдонларига буриш борасида анча ишлар қилинди. 85 млн. куб.м. ҳажмдаги Учқизил сув омбори қурилди. У Жданов, Намуна колхозлари ва Термиз шаҳрини сув билан таъминлаш имконини берди.<sup>230</sup> Сув чиқарилган янги ерларда пахта экиш ишлари дастлаб, 1949 йилнинг баҳорида Шеробод чўлларида амалга оширилди. Шундан сўнг «Шеробод чўлларини ўзлаштириб, пахтазорларга айлантирамиз»,

---

<sup>225</sup> Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р.Х. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. – Т.: Медицинская литература им. А.А.Ибн Сина, 1998. С. 23-24.

<sup>226</sup> Ўша манба. С. 24.

<sup>227</sup> Бобоев М. Хўжанқолик шифокор. – Т.: Янги аср авлоди, 2004. 27-бет.

<sup>228</sup> Ўша манба. 27-бет.

<sup>229</sup> Сурхондарё вилояти ДА. 474- фонд, 1- рўйхат, 6- иш. 13-14- варақ.

<sup>230</sup> Лапасов А. Истиқлол йўли: Ангор. – Термиз: Жайхун, 1992. 4-5 бетлар.

деган чақириққа асосан, 1950 йилнинг март ойида Хўжанқо қишлоқ аҳолиси ёппасига мажбурий тарзда Ангор район «Таллимарон» массивига биринчилардан бўлиб кўчирилди.<sup>231</sup>

1954 йили Шеробод – Бешқўтон чўлини ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида Бойсун, Дарбанд, Хўжабўлгон, Мачай қишлоқлари аҳолиси кўчирилди. Жумладан, ўша йили Дарбанд қишлоғидан 150 та хўжалик Гагарин (ҳозирги Музработ) туманига кўчириб келтирилган бўлса,<sup>232</sup> 1955 йил 14 март куни Бойсундаги «Янгиобод» қишлоқ кенгашига қарашли «Г. Дмитров» жамоа хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига асосан 100 хўжалик (400 киши) Бешқўтон массивига,<sup>233</sup> 1955 йил 5 апрелда «Сайроб» қишлоқ кенгаши, «Ворошилов» жамоа хўжалигидан 100 хўжалик, шу йилнинг 21 июнида яна 57 та оила (372 киши) Бешқўтон массивига кўчирилди.<sup>234</sup>

Вилоятда шаҳар аҳолиси 1959 йилда 64,9 минг кишини ташкил қилган бўлса, у 1989 йилга бориб 244,4 минг кишига етди, яъни қисқа муддат ичида 179,5 минг кишига кўпайди.<sup>235</sup>

Қашқадарё вилояти аҳолисининг табиий кўпайишини, яъни миграцион жараённинг фаоллашган даври тарихини асосан етти даврга бўлиш мумкин:

**Биринчи давр.** Бухоро-Китоб ва Қарши-Амударё темир йўлининг қурилиши (1914-1925 йиллар).

**Иккинчи давр.** Совет ҳокимиятининг дастлабки даврида Қашқадарё воҳасидаги миграцион аҳвол (1920-1933 йиллар).

**Учинчи давр.** Иккинчи жаҳон уруши йилларида турли миллат вакиллари кўчириб келтириш.

**Тўртинчи давр.** Вилоятларда пахтачиликни ривожлантириш мақсадида 1947-1963 йилларда Сирдарё, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларидан Қашқадарё вилоятига ўн минглаб аҳолини кўчириб келтириш.<sup>236</sup>

---

<sup>231</sup> Бобоев М. Хўжанқолик шифокор. – Т.: Янги аср авлоди, 2004. 28-бет.

<sup>232</sup> Шоимов П. Дарбанд – қадимий макон. – Қарши: Насаф, 1999. 13-бет.

<sup>233</sup> Сурхондарё вилояти ДА. 474-фонд, 1-рўйхат, 6-иш. 3-варақ.

<sup>234</sup> Ўша манба. 3-варақ.

<sup>235</sup> Рўзиев А.Н. Сурхондарё вилояти. – Термиз: Жайхун, 1996. 38-бет.

<sup>236</sup> ЎзР. МДА. 837-ф.33-рўйхат. 5753-иш, 68-варақ.

**Бешинчи давр.** Вилоятда қатор сув омборлари (Чимқўрғон, Пачкамар, Хисорак, Таллимаржон ва ҳоказо) қурилиш муносабати билан, айниқса, Қарши даштини ўзлаштириш билан боғлиқ жараёнларда ишлаш учун қурувчиларнинг кўчиб келиши.

**Олтинчи давр.** Қашқадарё вилояти мазкур даврда Ўзбекистон республикасининг энг йирик пахта етиштирувчи иқтисодий туманига айланди. Бу хом ашёни қайта ишловчи ўнлаб енгил саноат корхоналари қурилишига сабаб бўлди. Қашқадарё вилоятида ер ости минерал захиралари: табиий газ, нефть ва қурилиш хом ашёлари кўплаб топилди, булар асосида республикада энг йирик энергетика комплекси ҚҲИЧК (Қарши ҳудудий ишлаб чиқариш комплекси) вужудга келди. Натижада, республикада энг йирик Муборак газ заводи, Шўртангаз комплекси ва Шўртан ГРЭСи вужудга келтирилди.

**Еттинчи давр.** Совет ҳокимиятини мустақкамлаш учун кўплаб кадрлар вилоятга кўчиб келади. Юқорида қайд этилган ишлаб чиқариш кучларининг тез суръатлар билан ривожланиши Қашқадарё вилояти аҳолисининг кўпайишида муҳим рол ўйнади.

Собиқ иттифоқ Министрлар Советининг «Суғориладиган ерлардан янада тўлароқ фойдаланиш ва қишлоқ хўжалик ишларини механизациялашни яхшилаш мақсадида суғоришнинг янги тизимига ўтиш тўғрисида»ги қарори 1950 йилнинг августида қабул қилинди.<sup>237</sup> Қарор чиққанидан кейин 1952 йилда вилоятни комплекс суғориш схемаси ишлаб чиқилди. Бу схема асосида, яъни 1955–1963 йиллар мобайнида Қашқадарё вилоятида Эски Анҳор канали, Қамашаи, Косон ва Чимқўрғон сув омборлари қурилиши натижасида Қашқадарёнинг ўрта қисмида янги ерлар ўзлаштирилди. Шу мақсадда кам бўлган тоғ зонадаги хўжаликларни янги ерларга кўчириш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу қарорга асосан вилоят, туманлараро, вилоятлараро аҳолини кўчириш ишлари ташкилий равишда амалга оширилди.<sup>238</sup> Урушдан кейинги йилларда меҳнат ресурсларининг қайта тақсимланиши билан Қашқадарёдан Тошкент, Сирдарё, Сурхондарё вилоятларига ҳам аҳоли кўчирилди. Жумладан, Қашқадарё вилоятининг ғарбий районларига Қарши, Қамашаи районларидан 5000 дан ортиқ

---

<sup>237</sup> Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи. Очерклар. IX китоб. – Т.: Ўзбекистон, 1980. 416-бет.

<sup>238</sup> Ўша манба.

аҳоли кўчирилди.<sup>239</sup> Фарғона водийси аҳолиси Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларига дастлаб 1920–1930 йилларда, шунингдек иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда, айниқса, Сурхон-Шеробод ва Қарши чўлларини ўзлаштириш, Қашқадарёдаги йирик саноат корхоналари (Муборак, Таллимаржон, Шўртан ва бошқа)ни барпо этиш йилларида кўчиб келишган.<sup>240</sup>

Қашқадарё вилоятининг тоғлик ҳудудидаги хўжаликлардан текисликдаги пахтакор жамоа (колхоз)ларга аҳоли кўчирилди. Яқкабоф туманининг собиқ Уғун, Самоқ, Татар қишлоқ кенгашларидан текисликдаги «Пахтакор», «Калинин», «Қизил юлдуз», «Ленин учқуни», «Коммунизм», Чироқчи тумани тоғ участкаларидан собиқ Қалқама, Чияли, Лангар қишлоқ кенгашларидан текисликдаги «Охунбоев», «Ленинград», «Қизил юлдуз» ва «Коммуна» жамоа хўжаликларига аҳоли кўчирилди. Шу йиллар орасида Эски Анҳор канали, Қамашини Жар канали, Чимқўрғон сув омборларининг қурилиши туйфайли ўн, Пачкамар сув омборининг қурилиши натижасида олти-та<sup>241</sup> қишлоқ аҳолиси янги ўзлаштирилган ерларга кўчирилди.

Тадқиқ этилаётган йилларда Қашқадарё вилояти аҳолиси миграция ҳисобига тез кўпайди. Масалан, 1950–1959 йилларда вилоятга ўртача йилига кўчиб келганлар 4660 кишини, 1964–1970 йилларда 12,3 минг кишини, 1970–1979 йилларда эса 8,2 мингдан ортиқ кишини ташкил қилди. Янги ерларни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган вилоятларда аҳоли сони бошқа вилоятларга нисбатан анча тез ўса бошлади, шу билан бирга уларнинг бутун жумҳурият аҳолисидаги салмоғи ҳам орта бошлади. Масалан, 1959 йил Қашқадарё вилояти аҳолиси бутун республика аҳолисининг 2,5 фоизини ташкил этган бўлса, 1989 йилга келиб бу кўрсаткич 8 фоизга етди. Бунинг асосий сабаблари шу вилоятларга аҳоли ишчи кучларини ташкил этиш мақсадида меҳнат ресурслари анча кўп бўлган вилоятлардан, хусусан Фарғона водийсидаги вилоятлардан ташкилий ҳолда кўплаб оилалар кўчириб келтирилган.<sup>242</sup>

---

<sup>239</sup> Янгибоев М. Қашқадарё област аҳоли географияси. – Қарши: 1980 йил. 11-бет.

<sup>240</sup> Раҳмонов Ф. Туташ тақдирлар // Мулоқот, 2004, 4-сон. 30-31 бб.

<sup>241</sup> Янгибоев М. Қашқадарё област аҳоли географияси. – Қарши: 1980 й. 11-бет.

<sup>242</sup> Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари. – Т.: Ўзбекистон, 1991. 66-бет.

Қуйидаги 6-жадвал кўрсаткичларидан маълум бўладики, Қашқадарё вилояти аҳолисининг кўпайишига миграцион жараён 1964–1985 йиллар орасида паст бўлган. 1986 йилдан бошлаб бу жараён юқорига қараб ўсган. Бу жадвал рақамларининг таҳлилидан вилоятда миграцион жараён 1964–1985 йилларда энг юқори даражада бўлган<sup>243</sup>-лигини аниқлаш мумкин.

6-жадвал

### Қашқадарё вилояти аҳолисининг миграция ҳисобиغا кўпайиши<sup>244</sup>

№	Йиллар	Кўчиб келганлар	Кучиб кетганлар	Миграцион қолдиқ	Вилоят аҳолисининг миграция ҳисобиغا кўпайиши	
					Киши	Фоиз ҳисобида
1	1959	3224	2665	1259	1259	6,39
2	1964	8679	6714	1965	1965	7,44
3	1970	14875	10853	4022	4022	15,47
4	1964–1970	86231	60313	25912	3707,7	15,2
5	1970–1979	82320	60120	22200	2220	6,97
6	1985	24520	16408	8112	8112	1836
7	1987	25670	26706	-1027	-1027	-2,03
8	1989	24299	25954	-1655	-1655	-3,16

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги дастлабки йилларда вилоятда қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама тараққий эттириш, мавжуд муаммоларни тезроқ тугатиш, моддий-техникавий аҳволни яхшилаш каби муҳим вазифалар турар эди. Ишчи кучининг етишмаслиги, ма-лакали мутахассисларнинг кўпчилиги урушда ҳалок бўлганлиги, давлат томонидан етарли даражада ёрдамнинг йўқлиги натижасида, жамоа хўжалиklarини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш имконияти анча чегараланган эди.

Оғир аҳволга қарамай, марказдан келадиган турли кўрсатмалар, маҳаллий имкониятни ҳисобга олмай режалаштириш, қўшимча маҳсулотларни етказиб бериш тўғрисидаги буйруқлар халқнинг турмуш даражасини қийинлаштириб юборди.

<sup>243</sup> Ўша манба. 66-бет.

<sup>244</sup> Янгибоев М. Қашқадарё област аҳоли географияси. – Қарши: 1980 йил. 17-бет.

1950 йилнинг иккинчи ярми ва 1960 йилларнинг бошларида ирригация шаҳобчалари қурилиши суръатлари ҳам сезиларли даражада жадаллашди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, вилоятларда суғориш тизимларини қуриш ирригация ва мелиорация ишларида ҳам жиддий камчиликларни юзага келтирган эди. Ўзлаштирилган ерларни муҳандис-техник томондан таъминланишига эътиборсизлик, дренаж тизимини ташкил этишдаги хатоликлар сув хўжалиги қурилишининг комплекс тарзда амалга оширилмаганлиги, ялпи кўрсаткичлар ортидан қувиш, ғўзаларни назоратсиз равишда кўллатиб суғориш, қишлоқ хўжалигини бошқаришдаги эскича ёндашувлар шулар жумласидан эди. Бешинчи беш йилликнинг дастлабки йилларида ирригация ва мелиорация тизимини янада ривожлантиришга Ўзбекистон КПМК XI қурултойи (1952 йил сентябр) қарорлари жиддий таъсир ўтказди. Қарорларда таклиф этилган дастурга кўра, жумладан, Мирзачўл, Бухоро, Хоразм ва Жанубий Қорақалпоғистон ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашга киришиш, Амударё қуйи оқими, Зарафшон ва Чирчиқ водийларида сув олиш (чиқариш) иншоотларини тақсимлаш ва суғориш тармоқларини қуришга оид ишларини давом эттириш кўзда тутилган эди. Шунингдек, 1954 йили 9 февралда СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг «1954–1958 йилларда Ўзбекистонда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарори бу ишларни жадаллаштиришга имкон берди.<sup>245</sup>

Ана шу қарорга мувофиқ, вилоятда ирригация қурилиши кучайтирилди. Қўриқ ерларга «ҳужум» қилиш 50–йилларнинг иккинчи ярми ва 60–йилларнинг бошларида ишлаб чиқаришни ривожлантиришни белгиловчи омил эди. 50–йилларнинг ўрталарида собиқ иттифоқ Министрлар Совети ҳамда КПСС Марказий Қўмитасининг «Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ҳисобига 1954–1955 йилларда дон етиштиришни кўпайтириш тўғрисида» (1954 йил 27 март) ҳамда «Пахта етиштиришни кўпайтириш тўғрисида»ги (1956 йил 6 август) қарорлари<sup>246</sup> қабул қилингандан кейин қўриқ ерларга «ҳужум» суръатлари айниқса кучайиб кетди. Ана шу қарорларнинг рўёбга чиқарилиши

---

<sup>245</sup> Илғор Сурхон учун. 1955 йил, 27 феврал.

<sup>246</sup> Турсунов С.Н., Қобилов Э.О. Сурхондарё тарихи. – Т.: Шарқ, 2004. 112-бет.

натижасида 50-йилларнинг ўрталарида Ўзбекистонда суғориладиган ва янгидан ўзлаштирилган ерларнинг ҳар йилги кўпайиши 50–70 минг гектарни ташкил қилди.

Қўриқ ерларни ўзлаштириш билан бирга, ташкилотларнинг ирригация ва мелиорация муаммоларига эътиборни кучайтириш ишлари уйғунлаштириб олиб борилди. Мирзачўл билан бир қаторда, Марказий Фарғонада ҳам янги ерларни ўзлаштириш ишлари фаол ташкиллаштирилди. 1953 йилдан 1963 йилгача бўлган фурсатда республиканинг ана шу минтақасидаги бўш ётган ерларга кўчиб келган аҳолидан 16 та жамоа хўжалиги (колхоз) ва 2 та давлат хўжалиги (совхоз) ташкил қилинди ва фойдаланиш учун 72,4 минг гектар ер тайёрланди.<sup>247</sup> Сурхондарёнинг юқори қисмида, Зарафшон воҳасида ва Амударёнинг қуйи қисмида ҳам ирригация ва мелиорация ишлари олиб борилиб, Қарши, Сурхон-Шеробод даштлари ўзлаштирила бошланди. 1954 йилнинг эрта баҳорида Шероз даштини ўзлаштириш мақсадида «Қумқўрғон» канали атрофига бир неча ўн оила хўжаликлари кўчиб келди. Оққапчиғайликлар Қуйимозорга биринчилар қаторида кўчиб келишди. Шероз даштида шу йили 200 гектар ер ўзлаштирилиб, турар жой бинолари қурилди.<sup>248</sup> 1953 йилда Бойсун тумани Дўғоба қишлоқ советига қарашли Олачапон қишлоғидан Бешқўтон массиви Таскент қишлоғига 20 хўжалик кўчирилди. 1950–1951 йиллар мобайнида Бойсун тумани Дўғоба қишлоғидан Шўрчи туман «Жданов» жамоа хўжалигига 10 хўжалик кўчирилди.<sup>249</sup> Кўчириш ишларини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1955 йил 12 сентябрда «Сурхондарё вилояти «Бешқўтон» массиви ерларини ўзлаштириш учун ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги қарорига мувофиқ, 1956 йилга қадар шу ерга 800 хўжаликни кўчириб, уларни уй-жой билан таъминлаш белгиланган. Бешқўтон массивига пахта йиғим-терими ишларини ривожлантириш мақсадида, Бойсун ва Шеробод районларидан 800 та зарбдор комсомол ёшлар сафарбар этилди. Натижада, Бойсун районида

---

<sup>247</sup> Турсунов С.Н., Қобилов Э.О. ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. – Т.: Шарқ, 2004. 394-бет.

<sup>248</sup> Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи. Очерклар. VIII китоб. – Т.: Ўзбекистон, 1979. 452-бет.

<sup>249</sup> ЎЗР МДА. 837-фонд, 38-рўйхат, 7225-иш, 25-29-варақлар.



16 та колхоз, Шеробод районидан 3 та колхоз меҳнаткашлари кўчирилди.<sup>250</sup>

1960 йилларнинг ўрталарида Қарши чўлини ўзлаштириш учун «Қаршистрой» бошқармаси ташкил этилган эди. Бошқарманинг 50 минг кишилик жамоаси ҳар йили тахминан 20 минг гектар ер ўзлаштириб, экинзор, боғ-бўстонга айлантиришга тайёрлаб берди. Натижада, бу ерларда умумий саҳни 700 минг квадрат метрга тенг бўлган уй-жойлар, ўнлаб мактаб ва боғчалар, клуб ва касалхоналар, турли маданий-маиший бинолар қуриб битказилди. Таллимаржон ва Нишон, Дўстлик ва Баҳористон, Ульяновск ва Муборак каби шаҳарлар, шаҳар типидagi посёлкалар вужудга келди. Бу вақтга келиб чўлни ўзлаштиришнинг биринчи босқичи ниҳоясига етказилди.<sup>251</sup> 1972 йилга келиб Қарши чўли бунёдкорлари 93 млн. сўмлик қурилиш ишларини бажарди. Улар 53 м<sup>2</sup> турар жой бинолари, 50 км узунликда газ, 20 км водопровод тармоқларини бунёд этишди.<sup>252</sup> Қашқадарё вилоятининг Қарши районидаги «Нишон» давлат наслчилиги совхозига Ф.Шерғозин раис этиб сайланган. Бу совхозда турли миллат вакиллари С.Пак, Д.Поташев, Е.Ким, Т.Жонибеков, Ф.Сафин, П.Бедаев кабилар туб миллат вакиллари билан ҳамжиҳатликда меҳнат қилдилар.<sup>253</sup>

Қашқадарё вилоятида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1959 йил 3 декабрдаги қарори билан вилоятнинг чорвачилик хўжаликлари Қарши, Фузор, Бешкент туманларидан Тошкент, Сурхондарё вилоятларига 400 хўжаликни кўчириш белгиланган.<sup>254</sup> 1960–1962 йилларда Тошкент вилоятининг Боёвут-1 совхозига 93 оила, Боёвут-3 совхозига 100 оила, «Фарҳод» совхозига 50 оила кўчирилган бўлса, Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги Жданов ва Калинин номли

---

<sup>250</sup> Халиков И. История орошение и поливного земледелия в Сурхан – Шерабадской долине. – Т.: Фан, 1977. С. 105.

<sup>251</sup> Манзаров Ю. Чўлдан гул иси келади. // Фан ва турмуш. 1985. 4-сон. 16-17-бетлар.

<sup>252</sup> Қашқадарё ҳақиқати. 1972 йил, 1 январ.

<sup>253</sup> Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи. V китоб. – Т.: Ўзбекистон, 1975. 444-бет.

<sup>254</sup> Янгибоев М. Миграционные связи Кашкадарьинской области и некоторые проблемы использования трудовых ресурсов. // Всесоюзная межвузовская научная конференция по проблемам народонаселения. Средней Азии. – Т.: ТашГУ, 1971.

колхозларга 150 оила кўчирилди.<sup>255</sup> 1960 йилда 800 хўжаликни вилоятлараро кўчириш ҳам режалаштирилган. 432 оила вилоятда туманлараро, Тошкент вилоятига эса 432 оила кўчирилган.<sup>256</sup> Шунингдек, Қашқадарё вилоятига бошқа вилоятлар ва туманлардан ҳам аҳоли кўчирилган. 1960–1963 йилларда Сирдарё, Тошкент, Сурхондарё вилоятларидан 10 минглаб аҳоли Қашқадарё вилоятига кўчирилган.<sup>257</sup> Улар асосан вилоятда пахта етиштириш билан банд бўлган. 1970 йилга қадар 39 минг киши Қашқадарё вилоятига кўчирилган бўлиб, аҳоли сонининг ошишига сабаб бўлган.<sup>258</sup> Қашқадарёнинг миграцион алоқалари РСФСР, Украина, Белоруссия, Ўрта Осиё республикалари билан ҳам амалга оширилди.

1950 йилдан қўриқ ерларни ўзлаштириш жараёнида Сурхондарёдаги Бешқўтон, Музработ, Истара чўлларида кўп ишлар амалга оширилди. 1957 йили 165 минг кубометрли Учқизил сув омбори қуриб ишга туширилди. Ундан кейин Ўрта Осиёдаги йирик сув омборларидан бири 800 млн. кубометрли Жанубий Сурхон сув омбори ишга тушди. Сув омборидан Шеробод чўлларига қадар текислик ва қирадирлар оралаб секундига 110 кубометр сув ўтказадиган 27 километрли магистрал канал ўтказилди.<sup>259</sup>

Сурхондарё вилояти сув омборларининг қурилиши натижасида ҳам аҳоли хўжалиklarини кўчириш ишлари олиб борилди. Жанубий Сурхон сув омборини барпо қилишда 8 та қишлоқ, яъни 680 хонадон Қумқўрғон туманидаги С. Бойматов жамоа хўжалигининг Ўғригузар массивига кўчирилди.<sup>260</sup> Тўполанг сув омбори қурилишида эса 1 та қишлоқ аҳолиси кўчирилди. Чунки Тўполанг сув омбори тоғ ёнбағрида (денгиз сатҳидан 880 метр баландликда) барпо қилинди. Деграз сув омборини қуришда 1 та Намуна Деграз қишлоғининг

---

<sup>255</sup> ЎЗР. МДА. 837-ф. 33-рўйхат. 5753-иш, 112-варақ.

<sup>256</sup> Ўша манба, ўша варақ.

<sup>257</sup> Қашқадарё вилояти ДА. 473-ф. 2-рўйхат. 13-иш. 6-варақ.

<sup>258</sup> Қашқадарё вилояти ДА. 473-ф. 2-рўйхат. 13-иш. 18-варақ.

<sup>259</sup> Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи. Очерклар. IX китоб. –Т.: Ўзбекистон, 1980. 461-бет.

<sup>260</sup> Рўзиев А.Н., Мирзаев Ш.П., Бораталиев У. Сурхондарё сув омборлари ва агросаноат мажмуини ривожлантириш масалалари. – Сурхондарё вилояти матбуот бошқармаси «Жайхун» нашриёти, 1997. 55-бет.

аҳолиси кўчирилди. Учқизил ва Оқтепа сув омборлари эса аҳоли манзилгоҳларидан ҳоли бўлган ерларда барпо қилинди.<sup>261</sup>

Шеробод чўлларида кўриқ ерларни ўзлаштирувчилар учун посёлкалар қуриш ва янги ерларни ўзлаштириш ишлари олиб борилди. Жумладан 34,4 минг гектар ер ўзлаштирилиб, «Янгиобод», «Комсомолобод», «Советобод», «А.Набиев», «Ленин», «Охунбобоев» давлат хўжаликлари (совхозлар) ташкил этилди.

1965 йил охирларида Музработ массивида «Абдулла Набиев» совхозни ташкил этилиши ишларида Сарисийё туманининг меҳнаткашлари кўп жонбозлик кўрсатишган. Уларнинг самарали меҳнатлари туфайли 1966 йилда 1,160 гектар ер ўзлаштирилди.<sup>262</sup> Советобод совхозига Термиз туман «Қизил юлдуз» колхозидан ҳамда Тожикистон Республикасининг «Колхозобод» туманидан 13 та оила хўжаликлари кўчириб келтирилди.<sup>263</sup>

Давлат хўжалик ишчилари учун 147 минг квадрат метр бўлган турар жой бинолари фойдаланишга топширилди. Сурхондарё вилоятининг 1958 йил 20 февралдаги «Кўчирилган хўжаликларни уй-жой билан таъминлаш» тўғрисидаги 81-сонли қароридан келиб чиқиб, Ангор тумани халқ депутатлари Кенгашининг 1958 йил 8 мартдаги қарорига мувофиқ, Ангор туманига 1957 йилда кўчиб келган 50 та хўжаликнинг 60 фоизи уй-жой билан таъминланди ҳамда уларга 300 сўмдан ссуда маблағи ажратилди.<sup>264</sup> 1958 йил 25 июлда ана шу туманининг «Қизил юлдуз» жамоа хўжалигининг умумий йиғилиши қарори билан Бойсун туманининг Сайроб қишлоқ кенгашига қарашли «Ворошилов» номли жамоа хўжалигидан кўчирилган 28 хўжалик жамоа аъзоллигига қабул қилинди.<sup>265</sup>

1959 йили Бойсун тумани ижроия қўмитасининг 7/16 қарорига мувофиқ янги ташкил этилаётган «Янгиобод» давлат хўжалиги

---

<sup>261</sup> Рўзиев А.Н., Мирзаев Ш.П., Бораталиев У. Сурхондарё сув омборлари ва агросаноат мажмуини ривожлантириш масалалари. – Сурхондарё вилояти матбуот бошқармаси «Жайхун» нашриёти, 1997. 56-бет

<sup>262</sup> Халиков И. История орошения и поливного земледелия в Сурхан – Шерабадской долине. –Т.: Фан, 1977. С. 65.

<sup>263</sup> Ўша манба, 65 бет.

<sup>264</sup> Сурхондарё вилояти ДА. 474-фонд, 1-руйхат, 68-иш, 3-варақ.

<sup>265</sup> Сурхондарё вилояти ДА. 474-фонд, 1-руйхат, 68-иш, 4-варақ.

(ҳозирги Музработ тумани)га Дарбанддан – 50, Тўдадан – 40, Инкободдан – 10, Дўғоба ва Қўрғонча қишлоқларидан – 60 хўжалик, яъни жами 300 хўжалик кўчирилди.<sup>266</sup> 1960 йилларга келиб Сурхон воҳасида янги ерларни ўзлаштириш, Шеробод чўлларини ёппасига қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига киритиш борасида ҳам муҳим ишлар қилинди. 1961 йил 9 февралда Ўзбекистон ССР ҳукуматининг «Сурхон сув омбори базасида Сурхондарё ҳавзасидаги янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш бўйича тadbирлар тўғрисида»ги қарорига асосан 1962 йили 2-пахтачилик хўжалиги бўлган «Комсомолобод» хўжалиги ташкил этилди.<sup>267</sup> Шунингдек, 1965 йилда Зағн канали барпо этилиши билан асрлар мобайнида қақраб ётган Бешқўтон массивига сув келиши билан халқнинг машаққатли меҳнати ҳисобига бу ерда «Янгиобод», «Комсомолобод», «Советобод» давлат хўжаликлари бунёд этилди. Эътиборли томони шундаки, ташкил этилган хўжаликларда турли миллат вакиллари ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилдилар. В.Есиков, В.Анохин, Машраб Атаков, Малин Ботиоров, Кузмин Бодрих каби ва бошқа кўплаб одамлар бағрикенг ўзбек халқи билан елкама-елка туриб меҳнат қилдилар. Шеробод чўлини ўзлаштиришда дастлаб шерободликлар, бойсунликлар меҳнат қилган бўлсалар, аста-секинлик билан уларнинг қатори Ленинград, Ереван, Могодан, Қозон, Куйбишев шаҳарларидан, Туркменистон, Қирғизистон, Тожикистон, Молдова республикаларидан келган ишчилар ҳисобига тўлиб борди. Уларнинг меҳнатлари натижасида Шеробод чўлида 14 та совхоз вужудга келди.<sup>268</sup> Сурхондарё вилоятида 1965 йил ҳисобида ташкил этилган янги совхозлар, шаҳарчалар барпо этилиши учун 62 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди.<sup>269</sup>

Сурхондарё вилоятининг sanoat корхоналарида меҳнат қилаётган ходимларнинг малакасини ошириш учун ташқи миграция алоқалари ҳам олиб борилган. Жумладан, айрим корхоналарнинг тажрибасини ўзлаштиришга ҳукумат томонидан ташкил қилинган қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил қилишда бошқа вилоятлар ҳамда

---

<sup>266</sup> Сурхондарё вилояти ДА. 474-фонд, 1-рўйхат, 90-иш, 30-варақ.

<sup>267</sup> Турсунов С.Н., Қобилов Э.О. ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. – Т.: Шарқ, 2004. 402-бет.

<sup>268</sup> Чўлда ҳаёт қайнамоқда // Ленин байроғи. 1965. 12 январ.

<sup>269</sup> Ўша манба.

иттифоқдош республикалар билан мунтазам алоқада бўлинган. Масалан, Сурхондарё вилоятида Бойсун шойи тўқиш фабрикасининг ишчилари Москва, Марғилон, Наманган шойи комбинатларининг ўқув курсларида иштирок этганлар. 1975–1985 йилларда вилоятда 75 нафар ишчи Тошкент, Қўқон, Москва шаҳарларида ўз малакасини оширган.<sup>270</sup> СССР халқ хўжалигини тиклаш ва янада ривожлантиришнинг 1946–1950 йилларига мўлжалланган «тўртинчи беш йиллик» режалари асосида СССР халқ комиссарлар советининг «1946–1953 йилларда Ўзбекистонда пахтачиликни тиклаш ва янада ривожлантириш режа ва тадбирлари тўғрисида», СССР Министрлар Совети ва КП МҚнинг 1954 йил «Ўзбекистон ССРда 1954–1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида»ги феврал қарорлари республикада янги ерларни ўзлаштириш, янги турар-жойлар барпо этишни ҳам талаб этар эди. Лекин қишлоқ хўжалиги учун ажратилган маблағнинг катта қисми, асосан, ирригация иншоотларига сарфланиши, кишиларга моддий рағбатлантириш берилмаганлиги, лоқайдлик, режа асосида бошқарув ҳар қандай ишлаб чиқаришни сиқиб қўяр, бу ҳолат қишлоқ хўжалигида ҳам яққол кўзга ташлана бошлаган эди. Масалан, барпо этилган колхозлар ўзларига юклатилган режани бажара олмас, натижада давлатдан «қарздор» бўлиб қолаверар эди. 1950 йилда КПСС МК ва СССР Министрлар совети майда колхозларни йириклаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида ҳам 1949 йилда 70 та колхоз мавжуд бўлиб, 1950 йилда уларнинг барчаси экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига йириклаштирилди, натижада мавжуд 70 та колхознинг 65 таси 25 та колхозга айлантирилди.<sup>271</sup>

Давлат хўжалиklarининг умумий ер майдони 10 минг 893 гектарни ташкил қилиб, хўжаликда ишга яроқли 793 киши меҳнат қиларди. Шундай қилиб, 1949–1974 йиллар орасида вилоятда экин майдонлари 64 минг гектарга, пахта майдонлари эса 53 минг гектардан 106

---

<sup>270</sup> Турсунов Ж.Н. Ўзбекистон шаҳарларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти тарихи. (Бойсун, Шарғун, Шўрчи шаҳарлари мисолида) 1971–1990 йиллар. Тарих фан. номз. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Самарқанд, 1995. 112-бет.

<sup>271</sup> Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи. V китоб. – Т.: Ўзбекистон, 1975. 474-бет.

минг гектарга етди, пахта етиштириш 117 минг тоннадан 236 минг тоннага ўсди. 1965 йили вилоят 305 минг тоннадан зиёд пахтани давлатга етказиб берди.<sup>272</sup> 1949–1964 йиллар мобайнида сув хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги қурилиши ишларига 163,4 миллион сўм сарфланди. 1966 йили вилоятда пахта ҳосилдорлиги 1943 йилга нисбатан тўрт баробарга ошди ва ўртача 28,2 центнерни ташкил қилди.

Шеробод чўлининг ўзлаштирилиши жараёни таҳлил қилинганда ҳам шу ҳол аён бўладики, Шеробод чўлида 1962 йили 2 минг гектар, 1963 йили 8 минг 56 гектар, 1964 йили 3 минг 662 гектар, 1965 йили 6 минг 700 гектар, 1966 йили 4 минг 40 гектар, 1967 йили эса 6 минг 600 гектар янги ер комплекслари ўзлаштирилиб, шундан 2 минг 100 гектарини янги ташкил этилган 6–7–сонли «Ленин», «Охунбобоев» номидаги давлат хўжаликлари ташкил этган эди. Шундай қилиб, 1966–1970 йилларда Сурхон-Шеробод воҳасида 42 минг гектар ер ўзлаштирилди.<sup>273</sup>

1969 йил март ойида Шеробод чўли ҳудудида ҳозирги Музработ тумани, 1975 йилда эса ҳозирги Қизирқ туманлари ташкил топди. Оғир шароитларга қарамасдан мазкур йилларда Шеробод туман халқ маорифи тармоқлари ҳам самарали фаолият юритди. Мазкур йилларда туманда 36 та ўрта мактаб жойлашган бўлиб, уларда ушбу ҳудуддаги аҳолининг 14 мингга яқин болалари таълим-тарбия олишди.<sup>274</sup>

Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1968 йил декабрида Сурхон-Шеробод чўлида янги туман тузиш ҳақидаги фармойишига мувофиқ, Гагарин (ҳозирги Музработ) тумани тузилиб, туманга Шеробод туманидаги тўртта давлат хўжалиги, Термиз туманидаги «Искра» шонлилик жамоа хўжаликлари бирлаштирилди.<sup>275</sup>

1976 йил 11 июнда Сурхондарё вилояти ижроия комитети «Кўчиб келган янги хўжаликларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни жадаллаш-

---

<sup>272</sup> Халиков И. История орошение и поливного земледелия в Сурхан-Шерабадской долине. – Т.: Фан, 1977. С. 52.

<sup>273</sup> Ўша манба. С. 407.

<sup>274</sup> Бойкулов М. Шерободлик маърифат фидойилари. – Қарши: Насаф, 2003 йил. 11-бет.

<sup>275</sup> Турсунов С.Н., Қобилов Э.О. ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. – Т.: Шарқ, 2004. 404-бет.

тириш тўғрисида»ги қарорларининг бажарилиши юзасидан Шўрчи туманидаги Пахтакор совхозига, Гагарин туманидаги Шоликор совхозларига кўчириб келтирилган 986 оилага 108868 сўм 61 тийин миқдорида маблағ ажратилди.<sup>276</sup> Шунингдек, Гагарин туманида 13 та, Шеробод туманида 12 та оиланинг ичимлик суви билан таъминлаш даражаси яхшиланган.

Янги ерларнинг ўзлаштирилиши, замонавий ирригация тизимларининг қурилиши, давлат ва жамоа хўжаликларининг янги техника билан таъминланиши кейинги йилларда Қашқадарё ва Сурхондарё воҳасида янги хўжаликлар, турар-жойлар барпо этилишини тезлаштирди. Деҳқончилик маданиятининг ошиши, илғор технология ва механизациялардан фойдаланиш натижасида Сурхондарё вилоятида пахта етиштириш 1969 йилга келиб, 1928 йилга нисбатан 29 ҳисса кўп бўлди, яъни ҳар гектаридан олинган ҳосилдорлик 29,5 центнерни ташкил этди. Натижада, Сурхондарё вилояти 1970 йиллар бошига келиб Ўзбекистонда пахта ҳосилдорлиги бўйича Хоразм вилоятидан кейин иккинчи ўринга чиқиб олди.<sup>277</sup>

Қарши чўлини ўзлаштиришга 1 миллиард сўм капитал маблағ сарфланди. 1980 йилнинг ўрталарига келиб 170 минг гектардан кўпроқ ер ўзлаштирилиб, деҳқончилик қилиш бошланди. «Қаршистрой» ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмасида шу йилларда 50 мингдан ортиқ киши фидокорона меҳнат қилиб, ҳар йили қарийб 20 минг гектар ер ўзлаштирилди.<sup>278</sup> «Қаршистрой» бирлашмасининг меҳнати туфайли умумий майдони 700 минг кв.км.га тенг бўлган уй-жойлар, ўнлаб мактаб ва боғчалар, маданий-маиший бинолар қуриб битирилди. Таллимаржон, Нишон, Дўстлик, Баҳористон, Муборак каби шаҳарлар қад ростлади.

Собиқ совет ҳукуматининг сўнгги ўн йилликларидаги фаолияти, асосан, Ўзбекистондаги иқтисодий ҳаётни фақат хом ашё ишлаб чиқарадиган тармоққа ихтисослаштирди. Бундай шароитда корхоналарнинг унумли фаолияти учун меҳнат ва ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш, мавжуд технологиядан унумли фойдаланиш билан бир

---

<sup>276</sup> Ленин байроғи. 1976 йил, 12 январ.

<sup>277</sup> Турсунов С.Н., Қобилов Э.О. ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. –Т.: Шар, 2004. 407- бет.

<sup>278</sup> Манзаров Ю. Чўлдан гул иси келади. // Фан ва турмуш. 1985. № 4. 13-бет.

қаторда, мутахассис ходимларнинг малакасини ошириш ишларига қатта аҳамият берилиши лозимлиги сезилди. Бироқ Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида қишлоқ хўжалиги, саноат корхоналарида малакали ходимлар етишмаганлиги, ишчиларнинг аксарияти бево-сита ўз соҳаси бўйича ишлаб чиқаришга, назарий билимга эга бўлма-ганликлари натижасида мавжуд имкониятлардан тўла фойдалана олмас эдилар. Шундай бўлса-да, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоят-лари қишлоқ хўжалиги ва саноатида ишчи-ходимларнинг самарали меҳнати туфайли республика иқтисодиётининг ривожланишига му-ҳим ҳисса қўшилди.

### **3.2. Миграциянинг жанубий вилоятлар аҳолиси миллий таркибига таъсири**

1946–1990 йиллар мобайнида жанубий вилоятлар аҳолисининг миллий таркиби турлича бўлганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Советлар ҳукмронлиги даврида бу воқаларда саноатни ривожланти-риш, янги ерларни ўзлаштириш аҳоли миллий таркибининг орти-шига сабаб бўлди.

Турли архив ҳужжатлари ва маълумотларда Қашқадарё ва Сур-хондарё аҳолисининг ўсиш суръатлари иккинчи жаҳон уруши йилла-рига қадар, асосан, табиий ўсиши юқори бўлганлиги ва унинг мил-лий таркибига таъсир этганлиги билан тавсифланади. Бироқ иккин-чи жаҳон урушидан кейинги йилларда бу вилоятларда бутун респуб-лика ҳудудида бўлгани каби аҳолининг ўсиш суръати кескин камай-ганлигини кўриш мумкин.<sup>279</sup> Шунини алоҳида эътиборга олиш лозим-ки, собиқ совет ҳукуматининг коллективлаштириш сиёсати оқба-тида аҳолининг ички миграцион жараёнлари фаоллашганлиги куза-тилади. Қашқадарёнинг Қарши, Косон, Бешкент, Ғузор, Деҳқоно-бод районларидан аҳоли Тожикистон ССРнинг жанубий районла-рига, шунингдек, Сурхондарёнинг Денов райониغا кўчирилиши ушбу жараёнлар натижаси ҳисобланади.<sup>280</sup> Қашқадарё Ўзбекистон халқ

---

<sup>279</sup> Чориев А., Очиллов М. Қашқадарё области. – Т.: Ўзбекистон, 1974. 78-бет.

<sup>280</sup> Янгибоев М. Қашқадарё област аҳоли географияси. – Қарши: 1980. 10-бет.



хўжалигининг асосий қишлоқ маҳсулотлари етиштириб берувчи вилояти ҳисобланганлиги, бунинг устига Қарши дашти ўзлаштирилишининг ўзи ҳам вилоятда аҳоли сонига таъсир этган эди.

Шунингдек, Қашқадарё воҳаси аҳолиси асосан воҳа, тоғ, тоғолди ва дашт ҳудудларида истиқомат қилишган. Дашт зонасига жойлашган аҳоли Қарши даштларининг ўзлаштирилиши, ирригация иншоотларининг барпо этилиб, янги табиий ресурсларнинг очилиши натижасида ирригация системалари бўйларида жойлашганлар. Вилоят аҳолисининг миграция ҳисобига кўпайиши Ўрта Осиё республикалари, шунингдек, РСФСР, Шимолий Кавказ ва Қозоғистон республикалари билан алоқаси ҳисобига ўсиб борган.<sup>281</sup>

7-жадвал

### Қашқадарё вилояти аҳолисининг миллий таркибидаги ўзгаришлар<sup>282</sup>

Миллий таркиб	Аҳоли сони				Аҳоли сонининг миқдори, фоиз ҳисобида			
	1926	1939	1959	1970	1926	1939	1959	1970
Жами аҳоли	343859	459561	507787	8014080	100	100	100	100
Шу жумладан: Ўзбеклар	3002240	366870	422735	682056	87,4	79,8	83,2	85,0
Руслар	47069	21361	19907	28529	1,4	4,6	3,8	3,6
Гожиклар	21984	34542	28762	40666	6,4	7,7	5,7	5,1
Татарлар	661	8646	14231	23203	0,2	1,8	2,8	2,9
Туркманлар	4049	6822	6193	8775	1,2	1,4	1,1	1,09
Ўзбеклар	617	798	355	3599	0,2	0,16	0,07	0,4
Бошқа миллат вакиллари	10994	20527	11023	14652	7,4	4,54	3,23	1,91

<sup>281</sup> Хамраев Н., Халиков И. Орошение и освоение Каршинской степи. – Т.: Узбекистан, 1981. С.35.

<sup>282</sup> Янгибоев М. Қашқадарё облаёт аҳоли географияси. – Қарши: 1980. 5-бет.

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, бу даврда ўзбеклар билан бир қаторда руслар, тожиклар, татарлар сони ҳам муттасил равишда ортиб борган. Жумладан, бу даврда бошқа миллат вакилларининг сони ортиб боришида ташқи миграция жараёнининг роли катта бўлди. Қашқадарё вилоятининг шимолий-шарқий қисмидаги Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, Қамаш, Фузор туманларига қрим-татарлари жойлаштирилган эди.<sup>283</sup> Бироқ кейинги йилларда (XX аср 70-йилларининг иккинчи ярми 80-йилларнинг боши) вилоятнинг Украина, Белоруссия, Молдавия, Кавказ орти, Болтиқбўйи республикалари билан миграция алоқалари камайди.<sup>284</sup> 1970 йилнинг июн ойида КПСС МК ва СССР Министрлар Совети Қарши чўлларида ўзлаштириш ва суғориш ишларини тезлаштиришга қаратилган қарор қабул қилди. Мазкур қарор натижасида республика жанубий туманларида транспорт ва иқтисодий алоқалар ҳам бирмунча яхшиланди. Қарши чўлининг асосий маркази ҳисобланган Қарши шаҳри ҳам Ўзбекистоннинг аҳолиси тез ўсаётган шаҳарларидан бирига айланган. 1959 йилдан 1989 йилга қадар бўлган фурсатда ушбу шаҳар аҳолиси 5 баробарга кўпайди.<sup>285</sup> Бу ҳолат эса аҳолининг фақат табиий кўпайиши туфайлигина эмас, балки ишчи кучлари миграцияси ҳисобига ҳам юз берди.

Сурхондарё вилоятида ташқи миграция жараёнлари жуда юқори даражада бўлмаган, чунки вилоят ҳудудида бошқа ҳудудларга нисбатан сўнгги ўн йилликларда йирик саноат объектлари қурилган эмас эди. Сурхон-Шеробод чўлининг ўзлаштирилиши ва ўнлаб ирригация иншоотларининг барпо қилиниши эса, асосан маҳаллий ўтроқ аҳоли томонидан амалга оширилди. Аҳоли миграцияси вилоятда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш билан боғлиқ тарзда юз берди. Вилоятнинг марказий, жанубий-ғарбий ҳудудларида янги ерларни ўзлаштириш, катта-кичик қайта ишлаш саноат корхоналарини, ирригация иншоотларини барпо қилиш вилоят ичидаги туманлараро ички миграцияни тезлаштирди. Жумладан, 1956 йилнинг ба-

---

<sup>283</sup> Янгибоев М. Қашқадарё област аҳолиси ва меҳнат ресурслари. – Қарши: 1973. 60-бет.

<sup>284</sup> Янгибоев М. Қашқадарё област аҳоли географияси. – Қарши: 1980. 12-бет.

<sup>285</sup> Аҳмедов Э.А. Ўзбекистон шаҳарлари. –Т.: Ўзбекистон, 1991. 66-бет.

ҳорида Бойсун туманидаги Ҳовуз қишлоғидан Шўрчи туманидаги Оқолтин колхозига 30 хўжалик кўчириб келтирилди.<sup>286</sup> 1965 йилнинг январ ойида Занг каналига бетон ётқизиш ишларини тезлатиш ва тугаллаш мақсадида Термиз, Шеробод туманларидан келган 2000 дан ортиқ киши «Комсомолобод», «Янгиобод» совхозларига борадиган каналларга бетон ётқизиш ишларини амалга оширганлар. Шунингдек, Шўрчи, Денов, Сарисий туманларидан келган 2500 киши ҳам ушбу совхозларда меҳнат қилган бўлиб, улар турли хил миллат вакилларидан иборат эди.<sup>287</sup> 1970 йил охиригача Шеробод чўлини ўзлаштиришда 23 минг чўлқувар, яъни 30 миллат вакиллари қатнашдилар. Шерободликларга қўшни Қашқадарё вилояти деҳқонлари ҳам ёрдамга келишди. 1971 йил охирида Шеробод тумани Қ.Раҳимов номи давлат хўжалигига Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидан бир қанча оила кўчиб келишди.<sup>288</sup>

1970–1980 йилларга келиб Тожикистон ССРнинг Турсунзода шаҳридаги алюминий заводи келтирган экологик зарар Сурхондарё вилояти аҳолиси миллий таркибига, қатор шаҳар ва қишлоқларига зарар келтирди. Вилоятнинг Сарисий тумани боғ ва экинзорлари зарар кўрди. Аҳоли саломатлиги ёмонлашиб, болалар ва аёллар соғлиги оғирлашди. Бу ҳолат Денов туманида ҳам сезилди. Натижада, кўплаб оилалар яшаб турган жойларидан бошқа ҳудудларга кўчиб кетишга мажбур бўлди.<sup>289</sup>

Қашқадарё вилоятида аҳоли миллий таркибининг ошишига ички ва ташқи миграция жараёни ўз таъсирини ўтказган. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, вилоятда аҳолининг кўпмиллатли таркибининг ортиши иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳам жиддий тарзда ўзгарган эди. Ўзбекистонга кўчириб келтирилган болалар ўзбек хонадонларида тарбияланди. Масалан, қаршилик Иқболлой Холиёрова

---

<sup>286</sup> Ленин байроғи. 1965 йил, 13 январ.

<sup>287</sup> Рўзиёв А.Н., Мирзаев Ш.П., Бароталиев У. Сурхондарё сув омборлари ва агросаноат мажмуини ривожлантириш масалалари. – Сурхондарё вилояти матбуот бошқармаси «Жайхун» нашриёти, 1997. 42-бет.

<sup>288</sup> Турсунов С. Шеробод тарихидан лавҳалар. – Термиз давлат университети, 1993. 41-бет.

<sup>289</sup> Турсунов С. Шеробод тарихидан лавҳалар. – Термиз давлат университети, 1993. 47-бет.

14 болани, С.Калинин 8 болани, Анвара Турсунова 12 болани қарамоғига олди.<sup>290</sup> 1950–1960 йиллардан республикада янги ерларни ўзлаштирила бошланиши натижасида вилоятлараро меҳнат ресурслари қайта тақсимланди. Қашқадарё вилоятининг дашт ва тоғолди туманларидан аҳоли ташкилий равишда Тошкент, Сирдарё, Сурхондарё вилоятларига кўчирилди. Жумладан, Қашқадарё вилоятининг ғарбий туманлари Қарши, Қамашидан 5000 дан ортиқ аҳоли кўчирилди.<sup>291</sup>

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1951–1955 йиллардаги махсус қарорига асосан, вилоят ҳудудидаги 51 колхоздан 6593 хўжалик Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё вилоятининг янги ўзлаштирилган ерларига кўчирилди.<sup>292</sup> Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1959 йил 3 декабрдаги 379–сон буйруғига асосан чорвачиликка ихтисослашган Қарши, Фузор, Қамаши туманлари хўжаликларидан Тошкент ва Сурхондарё вилоятларига 400 хўжалик кўчирилди.<sup>293</sup>

Сурхондарё вилояти 1965 йилларда Шеробод чўлининг Янгиобод, Комсомолобод, Советобод совхозларида турар жойлар барпо этиш мақсадида Қозоғистон Республикасидан келган турли хил мутахассисликлар бўйича 200 дан ортиқ қурувчилар фаолият олиб борди. Уларнинг меҳнати натижасида 168 минг кв.км. уй-жой қурилиб, 1867 та ишчи ва меҳнаткашларнинг оиласи янги уй-жой билан таъминланди.<sup>294</sup> 1971–1980 йилларда республика миқёсида Қарши, Сурхон-Шеробод чўлларининг ўзлаштирилиши муҳим воқеа бўлди. Янги ўзлаштирилган ерларда 75 та миллат вакиллари истиқомат қилган бўлса, Қарши чўлининг ўзида 50 дан ортиқ миллат вакиллари биргаликда меҳнат қилишган.<sup>295</sup> Қашқадарё вилояти аҳолисининг кўичи-

---

<sup>290</sup> Тожиева Н., Тожиева И. Қарши (Насаф)нинг саховатпеша ва меҳрли инсонлари ҳамда халқи ҳақида // Нахшаб-Қарши жаҳон цивилизацияси тизимида. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари. 2-жилд. – Қарши: 2005. 82-бет.

<sup>291</sup> Қашқадарё вилояти ДА. 133-жамғарма, 1-рўйхат. 2095-иш, 15-варақ.

<sup>292</sup> Қашқадарё вилояти ДА. 133-жамғарма, 1-рўйхат. 2095-иш, 32-варақ.

<sup>293</sup> Қашқадарё вилояти ДА. 133-жамғарма, 1-рўйхат. 2095-иш, 35-варақ.

<sup>294</sup> Ленин байроғи. 1965 йил 13 феврал.

<sup>295</sup> Ташпулатов Х. Сотрудничество народов СССР в орошении и освоении новых земель на юге Узбекистана (1971–80 гг.). Автореф.дисс.канд.ист.наук. – Т.: 1987 год. С.16.

лигини асосан ўзбеклар, тожиклар, туркманлар ташкил этади. Вилоятда ишлаб чиқариш кучларининг тараққий этиши туфайли Қашқадарё воҳаси кўп миллатли ўлкага айланди. 1964 йилда «Қаршиистрой» бошқармасига қарашли 2-қурилиш-монтаж бўлимида меҳнат қилаётган 12 нафар қурувчи 6 та миллат (Ўзбек, рус, қozoқ, тожик, туркман, татар) вакилларида иборат бўлган.<sup>296</sup>

8-жадвал

### Сурхондарё вилояти аҳолисининг миллий таркиби<sup>297</sup>

Миллий таркиб	1979 йил	1989 йил	1979 йилдан 1989 йилгача, фoиз ҳисобида
Жами аҳоли	896747	124987	139,4
Шу жумладан:			
Ўзбек	694580	993242	143,0
Тожик	113032	160837	142,3
Рус	38801	37845	97,5
Туркман	13685	18223	133,5
Татар	18483	16996	91,9
Украин	3908	5795	148,3
Қozoқ	2630	3164	120,3
Бошқа миллат вакиллари	303	156	51,5

Бу жараёнда, албатта, миграциянинг роли ҳам катта бўлди. Жумладан, вилоятнинг Туркменистон ва Тожикистон республикалари билан чегарадошлиги аҳолининг кўп миллатлилик омилларига таъсир этган. 1970 йилларда Қашқадарё вилояти қишлоқлари аҳолисининг 95,6 фoизини ўзбеклар ва тожиклар, 12 фoизини руслар, 2,7 фoизини татарлар ташкил қилган бўлса, шаҳар-

<sup>296</sup> Қашқадарё ҳақиқати. 1964 йил, 5 май.

<sup>297</sup> Итоги всесоюзной переписи населения 1989 года по районам и городам Сурхандарьинской области. Сурхандарьинское областное управление статистики. – Термез: 1990. С.3

ларда эса, 53,5 фоизини ўзбеклар, 20,9 фоизини руслар ва 13,9 фоизини татарлар ташкил қилган.<sup>298</sup> Туманлараро аҳолининг миллий таркибини таҳлил қилганда, Китоб, Шаҳрисабз, Ғузур туманларининг аҳолиси, асосан, ўзбек ва тожиклардан иборат бўлса, Шаҳрисабз ва Яққабоб туманларида эса ўзбек ва тожик миллатларидан ташқари, татарлар, руслар бошқа миллатларга нисбатан кўпчиликини ташкил қилишини кўриш мумкин. Таллимаржон ва Октябр посёлкалари аҳолисининг миллий таркибида эса рус ва татарлар салмоғи катта бўлди. Таъкидлаш жоизки, татарлар жами аҳолининг сони бўйича республикада салмоқли ўринни эгаллайди. Улар 1970 йилларда 1939 йилдагига нисбатан 5 фоизга кўпайган.<sup>299</sup> Бундан ташқари, Ўзбекистонда 45 минг атрофида қрим-татар оилалари истиқомат қилади. Уларнинг табиий кўпайиши татар оилаларига нисбатан 2-3 баробар ортиқроқдир. Чунки қрим-татар оилаларида туғилиш нисбатан юқори-роқ бўлган. Қашқадарё вилоятнда 1950–1959 йилларда аҳоли сони кўчиб келганлар ҳисобига 14,2 минг кишидан 1950–1970 йилларда 39 минг кишига кўпайди. Кўчиб келганларнинг миллий таркиби ўқитувчилар, ишчилар бўлиши билан бир қаторда, аҳоли жинсий таркибида ҳам ўзгаришлар содир бўлди. Масалан, аёллар сони 1970 йилларга келиб 50,4% га етди.<sup>300</sup> Янги ерларни ўзлаштириш, аграр ишлаб чиқаришни механизациялаш, кенг миқёсдаги хўжаликларни ишга тушириш, қишлоқ хўжалигида кадрлар потенциалининг кўпайиши натижасида иқтисодиётда, қишлоқ хўжалигида аҳолининг барча қатламлари ҳам иштирок этди, хотин-қизлар фаол жалб қилинди.

---

<sup>298</sup> Янгибоев М. Қашқадарё област аҳоли географияси. – Қарши: 1980. 18-бет.

<sup>299</sup> Мулладжанов И.Р. Народонаселение Узбекской ССР. – Т.: Узбекистан, 1967. С.134.

<sup>300</sup> Янгибоев М. Қашқадарё област аҳоли географияси. – Қарши: 1980. 15-бет.

**Сурхондарё вилояти аҳолисининг жннсий таркиби<sup>301</sup>**  
(минг киши ҳисобида)

Йиллар	Жами аҳоли			Шаҳар аҳолиси			Қишлоқ аҳолиси		
	Жами аҳоли	Шундан		Жами аҳоли	Шундан		Жами аҳоли	Шундан	
		эркак-лар	аёллар		эркак-лар	аёллар		эркак-лар	аёллар
1959	422,3	206,3	216,0	64,9	31,1	33,8	35,7	175	182
1970	662,0	326,5	335,5	106,2	52,4	53,4	55,8	271	281
1979	894,7	443,3	451,3	172,3	85,4	86,9	72,2	358	364
1989	1253,8	625,8	627,9	244,4	122,4	122,0	100,9	503	506

Маълумки, шаҳар аҳолиси қишлоқлардагига нисбатан кўп миллатли ҳисобланади. 1939–1959 йиллар оралиғида ҳам республика аҳолиси ичида ўзбекларнинг кўпчилиги қишлоқларда истиқомат қилишган. Сурхондарё вилоятида аҳолининг табиий кўпайиши шаҳар аҳолисининг орттишига олиб келди. 1939 йилда вилоятда шаҳар аҳолиси умумий аҳолининг 9,3 фоизини ташкил этган бўлса, 1950 йилда эса 15,4, 1970 йилда 16,0, 1979 йилда 19,3, 1989 йилда 19,4 фоизни ташкил қилган. Вилоятда шаҳар аҳолиси 1959 йилда 64,9 минг бўлса, 1989 йилга келиб 244,4 минг кишига етди, яъни қисқа муддат ичида 179,5 минг кишига кўпайди.<sup>302</sup>

Қашқадарё воҳасида янги шаҳарларнинг вужудга келиши ХХ асрнинг 70-йилларида сув хўжалиги, энергетика, саноат ва транспорт қурилиши ҳамда қишлоқ хўжалиги учун янги ерларнинг ўзлаштирилиши билан бевосита боғлиқ. Бу даврда Қамаш, Муборак, Косон, Ғузур, Бешкент, Китоб, Яккабоғ, Таллимаржон шаҳарлари ҳамда Янги Нишон, Чироқчи ва Қашқадарё шаҳарчалари вужудга келди. Кейинроқ Янги Нишон ва Чироқчи туман марказлари сифатида шаҳар мақомига, Мироқи қишлоғи эса шаҳарча мақомига эга бўлди.<sup>303</sup>

<sup>301</sup> Итоги всесоюзной переписи населения 1989 года по районам и городам Сурхандарьинской области. Сурхандарьинское областное управление статистики. – Термез: 1990. С.13

<sup>302</sup> Народное хозяйство Сурхандарьинской области в. 1980–1989 гг. Стат. сборник. – Термез: 1989. С.44.

<sup>303</sup> Хамраев Н., Халиков И. Орошение и освоение Каршинской степи. – Т.: Узбекистан, 1981. С.32.

1989 йилда ўтказилган аҳоли рўйхатидан кейин Деҳқонобод ва эски Яккабоғ ҳам шаҳарчалар қаторига кирди. Бу даврда вилоятда шаҳарчалар сони 4 мартага кўпайди.<sup>304</sup> Қашқадарё вилоятида шаҳарлар сонининг кўпайиши Қарши чўлидаги газ конларини ва янги ерларни ўзлаштириш, сув хўжалиги қурилиши ҳамда таянч марказлар тармоғининг барпо этилиши билан боғлиқ. Шу ўринда таъкидлаш керакки, шаҳарларда яшовчи аҳолининг миллий таркиби ҳам ортиб борди.

Жанубий вилоятларда аҳолининг миллий таркибидаги ўзгаришлар натижасида маданий-маиший турмуш шароитида ҳамда ўзаро мулоқотда рус тили устун мавқега эга бўлиб борди. Бу жараён ушбу вилоятлардаги маориф ва халқ таълими соҳасида ҳам ўз таъсирини ўтказганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, 1970 йилда Бойсун ва Шўрчи шаҳрида атиги 2 тадан ўрта мактаб, 3 тадан болалар боғчаси бўлган. Шарғунда эса 6 та болалар боғчаси ва 2 та ўзбек ва тожик тили ва 1 та рус тили ўқитиладиган ўрта мактаб бўлган. Жумладан, Қарши шаҳридаги Навоий номидаги 2-сон мактабнинг 1964 йилда 11-синфини тамомлаган 47 нафар битирувчиларидан атиги 17 таси маҳаллий аҳоли ўқувчилари бўлиб ҳисобланган.<sup>305</sup> Бундан кўришиб турибдики, ушбу шаҳарларда Европа миллатига мансуб аҳоли устун мавқега эга бўлган. Бу бир қарашда аҳолининг эҳтиёжларига тўла жавоб берадиган ҳолдек бўлиб кўринадди, лекин маҳаллий миллат вакилларига мансуб аҳолининг мактабларга бўлган эҳтиёжи тўлиқ ҳисобга олинмаганлиги ва рус мактабларига нисбатан ўзбек ва тожик мактабларида бир синфда меъеридан ортиқ ўқувчилар ўқигани, ҳамда ўқув кўргазмалари билан жиҳозланиш жиҳатидан жиддий фарқ бўлганлиги аниқланган. 1970 йилларда Сурхондарёнинг айрим туманлари ва шаҳарчаларнинг ижтимоий ривожланиши бевосита аҳолининг миллий таркибига боғлиқ равишда бўлган. Жумладан, Шарғунда руслар, украинлар, бошқирлар, татарлар ва бошқа маҳаллий

---

<sup>304</sup> Абдуллаев С.И. ва бошқалар. Қашқадарё вилояти шаҳарларининг тарихий-демографик хусусиятлари. // Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган «Нахшаб-Қарши жаҳон цивилизацияси тизимида» мавзuidaги халқаро илмий-назарий конференция материаллари. II жилд. – Қарши: 2005. 31-бет.

<sup>305</sup> Қашқадарё ҳақиқати. 1964 йил 1 июл.



бўлмаган миллат вакиллари аҳолининг 1/3 қисмини ташкил этган.<sup>306</sup> Аҳолиси 6,6 минг кишини ташкил этган Шарғун шаҳрида 1970–1971 ўқув йилида ўзбек, тожик, рус тилидаги ўрга таълим мактаблари мавжуд эди. 1990–1991 ўқув йилида 11 минг аҳоли 2 та ўзбек тили, 2 та рус тили ва 1 та тожик тили мактабларига эга бўлди.<sup>307</sup> Яна бир хусусиятли томони шундаки, Шарғун шаҳри Сурхондарё вилоятининг бошқа шаҳарларидан ўзининг индустриал қиёфаси, аҳоли орасида руслар, украинлар, бошқирлар, татарлар сони анча катта бўлганлиги билан ҳам фарқланади. Шу боис, бу шаҳарнинг ижтимоий-маданий ривожланишига ажратилган маблағлар бошқа шаҳарлардагига нисбатан деярли 1,5 баробар ортиқроқдир.<sup>308</sup> Умуман, Сурхондарё ва Қашқадарё вилояти халқ маорифи ривожланиш жиҳатидан 70-йилларнинг бошида республикада Хоразм вилояти билан бирга охириги ўринларни эгаллаган.

Бу даврга келиб Қашқадарё вилоятидаги ички миграцион жараёнларнинг фаоллашганлигини кўришимиз мумкин. «1976 йил май ойида Яккабоғ туман Тошқўрғон қишлоғидан 300 та хўжалик Касби туман «Ғалаба» совхозига кўчиб келган, – дейди Ёдгор Мўминов, – кўчиб келганларга шароит йўқлиги сабабли аҳолининг олтмиш фоизи уй-жой билан таъминланган, холос. Натижада, 15 та хўжалик ўз жойларига қайтиб кетганлар. Келганларнинг 300 нафари мактаб ўқувчилари эди. Мактаб дастлаб 8 йиллик бўлган, кейин 10 йилликка айлантирилган. Мактаб биноси жуда ночор аҳволда эди, шу сабабли фарзандларимиз хонадонларда таҳсил олдилар». <sup>309</sup> Тадқиқот давомида бу каби суҳбатларни кўп эшитганимиз таълим соҳасида маълум қийинчиликлар мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Масалан, Сурхондарёда аҳолининг 10 ёшдан катта ҳар бир минг кишиси-

---

<sup>306</sup> Народное хозяйство Сурхондарьинской области за годы двенадцатой пятилетки (1986–90 гг.). – Термез: 1991. С.56.

<sup>307</sup> Ўша манба. С.37.

<sup>308</sup> Ўша манба. С.17.

<sup>309</sup> Қашқадарё вилояти Касби тумани «Ғалаба» фермер хўжалигидаги «Тошқўрғон» қишлоғида яшовчи 72 ёшли Ёдгор Мўминов билан 2006 йил 18 майда бўлган суҳбатдан ёзиб олинган.

ган ерларда колхоз ва совхозлар бунёд этилаверди. Миграция жараёнида келиб қолган бошқа миллат вакиллари вилоят, шаҳар марказларида жойлашиб, маҳаллий аҳоли эса пахтачиликнинг устаси сифатида қишлоқларда жойлашганча қолаверди.

XX асрнинг охирига келиб миллий ҳис-туйғуларнинг уйғониши ва кучайиши ҳамда бошқа ижтимоий омиллар оқибатида ушбу вилоятларга кўчириб келтирилган турли миллат вакиллари ўз ватанларига кўчиб кетиши натижасида жанубий вилоятлар аҳолисининг миллий таркибида аста-секин камайиш ҳоллари кузатилди. Шуниси алоҳида диққатга сазоворки, мустақиллик даврида демократик миллий сиёсатнинг ҳаётга тадбиқ этилиши туфайли Ўзбекистон ва унинг жанубий вилоятларида турли миллат вакиллари тинч-тотув, фаровон ҳаёт кечириб келишмоқда.

Хулоса қилиб шунини таъкидлаш лозимки, тадқиқ этилаётган йилларда бошқарувда маъмуриятчиликнинг авж олиши, ишлаб чиқаришда сифат кўрсаткичларига эмас, балки ялпи миқдорий кўрсаткичларга эътибор берилиши, халқ хўжалигида ҳаддан ташқари сарф-харажатларнинг кўпчилиги ва шунга ўхшаш салбий ҳолатлар бутун собиқ иттифоқдош республикаларни, шу жумладан, Ўзбекистонни ҳам иқтисодий танг вазиятга солиб қўйди. Собиқ совет ҳукуматининг «қайта қуриш» сиёсати йиллари раҳбарлик лавозимига келганлар ўзларининг раҳбарликлари остида бошқа миллат вакилларини лавозимларга тайинлашга имкон бердилар. Бу ҳолат нафақат Европа миллатига мансуб аҳолининг раҳбарлик лавозимини эгаллашига, балки туб миллат вакиллариининг қишлоқларда жойлашиб қолишига ҳам сабаб бўлди.

## ХУЛОСА

Мустақилликни қўлга киритиб, жаҳон ҳамжамиятига илдам кириб бораётган Ўзбекистон Республикасида аҳолининг демографик ҳолати, миллатлараро муносабатлар масаласига давлат сиёсати даражасида катта эътибор билан қаралди. Ўзбекистон тарихан кўп миллатли ўлкалардан бири ҳисобланиб, 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилиб келмоқда.

Тарихий тажрибадан маълумки, аҳолининг ижтимоий муаммоларига ҳаммиша долзарб масала деб қараш ва масаланинг ўз вақтида ечимини топиш лозим ҳисобланади. Мустақилликнинг қўлга киритилиши нафақат ўзбек халқига, балки бу ҳудудда яшайдиган бошқа миллат вакилларида ҳам ўз-ўзини англашнинг кучайиши, миллий маданият ва ўз она тили тўғрисида қайғуришига бўлган ижобий интилишни юзага келтирди. Шу йиллари Ўзбекистон раҳбариятининг миллий уйғониш жараёнларига ижобий ёндошиши Ўзбекистонда қулай ижтимоий-сиёсий иқлимни вужудга келтирди. Бу кейинчалик такомиллаштирилиб, Ўзбекистон фуқаролиги тўғрисидаги қонунда юксак ифодасини топди. Қонуннинг ўзига хос хусусияти шундаки, юртимизда яшайдиган турли миллат вакиллари Ўзбекистон фуқаролигини қабул қилишлари мумкин. Қонунда мамлакатда истиқомат қилаётганлар қўшимча фуқароликни қабул қилмасликлари ва шу йўл билан давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш таъминланди. Ўзбекистонда яшаётган фуқароларнинг тинчлиги ва эркинлиги эса 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилди. Шунинг назарда тутиб, республика раҳбарияти мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб миллий ва умуминсоний қадриятларнинг барқарор бўлишига эришиш, миллий истиқлол ғояси ва мафкураси асосида ҳуқуқий-демократик фуқаролик жамияти барпо этиш соҳасидаги амалий ҳаракатлар устувор йўналишлардан бирига айланиши учун ҳаракат қилинди. Шу ўринда дунёда яшаётган турли миллат ва элат вакиллариининг истиқомат қилиши, уларнинг маданиятлари, урф-одатлари, дунёқараш ва руҳиятига эҳтиёткорона ёндошушни талаб этади. Миллий ўзига хосликни асраш, барча миллат вакиллариининг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирокини таъминлаш, миллатлараро муносабатларда мавжуд муаммоларни ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойиллари асосида

ҳал этиш ҳам барча давлатлар олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади. Аини пайтда, бугунги кунда мавжуд давлатлар аҳолиси таркибининг хилма-хиллиги, барча давлатларда турли даражада бўлса-да, бу ижтимоий ҳолатда ҳал этилиши лозим бўлган муҳим масаладир.

Собиқ совет давлатида миллий муносабатлар, ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги хато ва камчиликлар миллатлар ҳаётида чуқур салбий из қолдирди. Табиийки, аҳоли ижтимоий турмуши фаровонлиги масаласи мамлакатда демократик давлат, ҳуқуқий инсонпарвар жамият барпо этиш учун муҳим ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Республикада ҳозирги кунда амалга оширилаётган ижобий характердаги кенг қамровли ислоҳотлар, жамият ҳаётини тубдан ўзгартириш, кишилар турмуш даражасига муҳим ижтимоий ҳодиса деб қараш, ислоҳотларнинг барқарор тарзда олиб борилаётганлигидан далолат беради. Шунингдек, собиқ совет даври ижтимоий-иқтисодий сиёсатида йўл қўйилган хатолардан жиддий хулоса чиқариш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бу даврнинг ўзига хос томонлари шунда эдики, мамлакатда маъмурий буйруқбозлик тузуми авж олди, сиёсий раҳбариятнинг собиқ иттифоқдош республикалар устидан олиб борган назорати партия бюрократик аппаратини мустаҳкамлади. Партия мустамлака давлатларнинг бутун ижтимоий-иқтисодий, мафкуравий ва маданий соҳаларини бошқаришни ўз қўлига олган эди.

Бу даврда ҳукмрон партиянинг таъсири янада ортди. У мамлакат устидан мутлоқ ҳукмронга айланиб, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини, жумладан, иқтисодий соҳада ҳам ўзининг тақсимлаш сиёсатини ўтказди. Шулар қаторида Ўзбекистон ҳам мамлакатнинг «ягона халқ хўжалиги» комплексида асосий пахта базаси деб қаралди.

Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон саноат ва халқ хўжалигининг барча тармоқлари пахтачилик манфаатларига бевосита боғлаб қўйилди. Аини пайтда, Ўзбекистонда пахтачиликка хизмат қилувчи бир қатор машинасозлик заводлари, пахтани қайта ишлайдиган корхоналар барпо этилди. Ўзбекистонда пахта хом ашёси етиштиришни кўпайтириш мақсадида пахта экиладиган майдонлар изчиллик билан кенгайтирилиб борилди. Мирзачўл, Марказий Фарғона, Қарши, Сурхон-Шеробод чўллари ўзлаштирилиб, умумий экин экиладиган майдонларнинг салмоғи ортиб борди. Ўзлаштирилган ер-

ларга пахта экишни тўхтовсиз амалга ошириб борилиши республикада чорвачиликни ривожлантиришга, озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришга тўғаноқ бўлди. Бу эса биринчи навбатда, қишлоқ аҳолисининг моддий аҳволига салбий таъсир этди. Ўзлаштирилган ерларда ташкил топган хўжаликларни ишчи кучи билан тўлдириш мақсадида республика аҳолиси ички миграция жараёнларига тортилди. Қадимдан чорвачилик, суғорма деҳқончилик билан шуғулланган дашт ва тоғ олди ерларида истиқомат қилган аҳоли ўзлаштирилган ерларда ўтроқлашиб, пахтачилик билан шуғулланишга мажбур бўлди. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигига жиддий эътиборнинг ортиши билан маҳаллий аҳоли қишлоқ ерларда жойлашиб, янги ташкил топган шаҳарларга мамлакатнинг турли минтақаларидан малакали ишчи сифатида кадрлар келтирила бошланди.

Ўзбекистонда, шу жумладан, жанубий вилоятларда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, янги ўзлаштирилган ерларга кўплаб саноат корхоналари, ишчи ходимлари билан биргаликда кўчириб келтирилиши натижасида бу жойларда қурама аҳоли юзага келтирилди. Бу ҳол аҳолининг миллий қиёфасининг йўқотилишини тезлаштириб, кўплаб «интернационал» оилаларни юзага келтирди. Натижада, ўзининг маданияти, тарихидан беҳабар кишилар тоифаси шаклланди. Собиқ совет ҳукумати турли сиёсий сабабларга кўра, 20 га яқин халқларни қатағон қилди. Улар Ўрта Осиё республикалари, шу жумладан Ўзбекистонга ҳам мажбурий тарзда кўчирилди. 40-йиллар охири ва 50-йиллар бошида Ўзбекистонда олиб борилган қатағонлик сиёсати миллий асосларга таяниб эмас, балки ғоявий ва сиёсий мақсадларни кўзлаб амалга оширилди. Ўзбекистондаги мураккаб ижтимоий-иқтисодий аҳвол натижасида моддий имкониятлар чекланганлиги сабабли, республика ҳукумати бутун бошли халқларни қабул қилишга тайёр эмас эди. Натижада, кўчириб келтирилганларни жойлаштиришда жиддий муаммолар келиб чиқди. Ушбу кўчирилган халқларга нисбатан амалга оширилган чора-тадбирлар барча кўчирилганларни қамраб олмас ва уларнинг эҳтиёжларини тўла бажариш имкониятини бермас эди. Кўчирилганларни уй-жой билан таъминлаш даражаси ва майший муаммолари ўша давр собиқ иттифоқдаги уй-жой муаммосининг умумий ҳолатини акс эттирар эди. Бундан ташқари, махсус кўчирилганларни уй-жой билан таъминлаш қийинчиликлари кенг миқёсда халқларнинг кўчирилиши билан изоҳланади. Маҳаллий ҳуку-

мат органлари катта миқдордаги кўчирилган аҳолини уй-жой билан таъминлаш имкониятига эга бўлмаган. Совет ҳукумати раҳбариятининг масъулиятсизлиги туфайли Ўзбекистонга кўчирилган халқларга ажратилган маблағлар ҳар доим ҳам белгиланган жойларга етказилмаган ва мақсадли тарзда ишлатилмади.

Ўзбекистон жанубий вилоятлари Ўзбекистон халқ хўжалигида ўз ўрнига эга бўлиб, бу ерларда ҳам ички ва ташқи миграция жараёнлари кучайиб, аҳоли миллий таркиби турлича бўлди. Тадқиқ этилаётган йилларда республикада мураккаб зиддиятли демографик вазият юзага келди. Ўзбекистон жанубий вилоятлари аҳолисининг ўсиши ва миллий таркибида катта ўзгаришлар содир бўлди. Аҳоли таркибига бошқа собиқ совет республикаларининг, шу билан бирга Осиё ва Европа мамлакатларининг миллат ва элатлари вакиллари келиб қўшилди.

Шунингдек, республикалараро меҳнат ресурсларини ташкилий йўл билан оммавий кўчириш ишлари жараёнида аҳолининг турмуш тарзи, маданий қадриятлари, урф-одатлари, анъаналари етарли даражада ҳисобга олинмади. Шунинг учун кўп ҳолларда меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш, уларни ҳудудий тақсимлаш жараёнидаги хатоликлар натижасида, демографик сиёсат соҳасида турли ижтимоий-иқтисодий, миллий муаммолар ва норозиликлар келиб чиқди. Собиқ иттифоқнинг ўта марказлаштирилган ижтимоий-иқтисодий сиёсати оқибатида Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида демографик жараёнларнинг ниҳоятда мураккаблашганлиги, аҳолининг ижтимоий турмуш даражасига эътиборнинг пастлиги, мавжуд имкониятлардан жуда кам фойдаланганлиги аҳолининг ижтимоий аҳволининг оғирлашишига олиб келди. Бундай оқибатлардан энг катта зарар маҳаллий аҳолига етказилганлиги республикадаги миллий муносабатларда маълум кескинлик юзага келишига сабаб бўлди. Бу соҳадаги мавжуд муаммолар ҳақиқий ижтимоий ҳолатларга етарли баҳо бермаслик, марказий идоралар ва вазирликлар томонидан маъмурий буйруқбозлик асосида айрим миллат ва элатларнинг манфаатларини инобатга олмаслик каби салбий ҳолатлар билан кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги 1980 йиллар охири ва 1990 йиллар бошида рўй берган воқеалар тарзида намоён бўлди.

Ўзбекистонда содир бўлган миллатлараро можаролар, халқлар ўртасида миллий ўзликни англаш жараёнининг кучайиб бориши,

миллий, маданий ривожланиш учун имкониятларнинг кенгайтирилиши халқларнинг она-Ватанларига қайтиш жараёнини тезлаштириб юборди, натижада 80–йилларнинг охирига келиб, республикага кўчиб келувчиларга нисбатан республикадан кўчиб кетувчилар салмоғи ортиб борди. Ўзбекистонда 1990 йилдан кейин миллатлараро барқарорликни таъминлаш мақсадида бир қанча самарали ишлар йўлга қўйилди. Янги раҳбарият ҳаракатлари билан Ўзбекистонда истиқомат қиладиган турли миллат вакиллари миллий манфаатларини ҳурмат қилган ҳолда миллий-маданий марказлар барпо этилди. Оммавий ахборот воситаларида бу халқлар тилида турли радиоэшиттиришлар, мақолалар чоп этилди, таълим тизими йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин аҳолининг ижтимоий турмуш шароитлари ва иқтисодий салоҳиятини яхшилаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўз маърузаларида республикадаги демографик жараёнларга тўхталар экан: «Республикада ўзига хос демографик вазият – ғоят муҳим хусусиятлардан биридир. Республиканинг яна бир хусусияти – миллий таркибнинг ўзига хослигидир» деб таъкидлаган фикрлари айна ҳақиқатдир.<sup>320</sup>

Бугунги кунда республикамызда яқин қариндош-уруғчилик алоқаларига эга бўлган 130 дан ортиқ миллат тинч-тотув фаровон турмуш кечириб келмоқда. Уларнинг миллатлараро тотувлигини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг муҳим омили бўлиб, асосий қонунчилигимизда яъни, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида сўзлаган нутқида «ички ва ташқи хавфсизликни таъминлаш тизимининг парчаланиши натижасида жамиятда ҳуқуқий бўшлиқ вужудга келгани, миллатлар ва динлараро, ҳудудий ва турли гуруҳлар, уруғ-аймоқлар ўртасидаги зиддиятларни авж олиб кетиш хавфи, жиддий хатарга айланганлигини, бу ўринда халқимиз бошидан

---

<sup>320</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1999. 12-

кечирган 1984–1989 йиллардаги мудҳиш кунлар ҳақида» алоҳида таъкидлаб ўтилди.<sup>321</sup> Шу билан бирга, маърузада ўша даврда республикамизда юзага келган оғир ижтимоий аҳвол сабабли аҳолининг кучайиб бораётган норозилигини олдини олиш ва тўхтатиш учун Ўзбекистонга юборилган гуруҳлар томонидан содир этилган қонунсизлик ва зўравонликлар ҳақида таъкидлаб ўтилди. Республикада вужудга келган бундай ўта мураккаб вазиятда босиқлик, чидам ва бардош билан иш тутиб, қатъий сиёсий иродани намойиш этиш, мамлакатни чуқур таназзулдан олиб чиқишга қаратилган ҳар томонлама пухта ўйланган стратегияни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш учун жамиятдаги барча соғлом кучларни сафарбар этиш гоят муҳим аҳамият касб этган эди.

---

б.

<sup>321</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 2007 йил. 8-9-бетлар.



## ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари

I.1. Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. – Т.: Ўзбекистон, 1992. 62-б.

I.2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. 364-б.

I.3. Каримов И.А. Биз қуриш, яратиш йўлидан бораверамиз. – Т.: Ўзбекистон, 1995. 112-б.

I.4. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. 382-б.

I.5. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. 366-б.

I.6. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. 349-б.

I.7. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. 384-б.

I.8. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. 384-б.

I.9. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Ўзбекистон, 1998. 38-б.

I.10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлидан. Т.6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. 429-б.

I.11. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураамиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. 412-б.

I.12. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. 524-б.

I.13. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т.: Ўзбекистон, 2001. 439-б.

I.14. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. 432-б.

I.15. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайдди. Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2004. 448-б.

I.16. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. – Т.: Ўзбекистон, 2006. 280-б.

I.17. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.

## II. Архив ҳужжатлари

II.1. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (ЎзР МДА).

II.2. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. 96-жамгарма. Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги.

II.3. ЎзР МДА. 837-жамгарма. Ўзбекистон ССР Министрлар совети қарор ва фармойишлари.

II.4. ЎзР МДА. 314-жамгарма. Ўзбекистон ССР Министрлар совети қошидаги аҳолини кўчириш бўйича вакиллик (эвакуация) бошқармаси.

II.5. ЎзР МДА. 2515-жамгарма. Тошкент шаҳар зилзиласидан тафофат кўрганларни кўчириш бўйича Республика махсус комиссияси.

II.6. ЎзР МДА. 2347-жамгарма. Ўзбекистон ССР кўчирилган аҳолини кўчириш Бош Бошқармаси.

II.7. ЎзР МДА. 2454-жамгарма. Ўзбекистон ССР Олий совети президиуми.

II.8. ЎзР МДА. 2775-жамгарма. Ўзбекистон ССР пахта тайёрлаш ва қайта ишлаш Бош Бошқармаси.

II.9. ЎзР МДА. 96-жамгарма. Ўзбекистон ССР ижтимоий таъминот министрлиги.

II.10. Сурхондарё вилояти Давлат архиви. 312-жамгарма. Халқ депутатлари Сурхондарё област совети ижроия комитети қурилиш ва архитектура бўлими.

II.11. Сурхондарё вилояти Давлат архиви. 316-жамгарма. Марказий статистика бошқармаси. Сурхондарё област статистика бошқармаси.

II.12. Сурхондарё вилояти Давлат архиви. 446-жамгарма. Қишлоқ хўжалиги бўйича Сурхондарё област қишлоқ хўжалик бошқармаси отряди.

II.13. Сурхондарё вилояти Давлат архиви. 474-жамгарма. МДТО-СИ (Меҳнаткашлар депутатлари Сурхондарё област совети иттифоқи) комитети аҳолини жойлаштириш ва ишчиларни ташкилий танлаб олиш бўлими.

II.14. Сурхондарё вилояти Денов туманлараро Давлат архиви. 80-жамгарма. Сурхондарё вилояти Денов туман қурилиш-архитектура бўлими.

II.15. Сурхондарё вилояти Давлат архиви. 163-жамғарма. Ўрта Осиё савдо акционерлик жамияти.

II.16. Сурхондарё вилояти Давлат архиви. 164-жамғарма. Гагарин район халқ контроли комитети.

II.17. Қашқадарё вилояти Давлат архиви. 473-жамғарма. Марказий статистика бошқармаси. Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси ҳисоботлари.

II.18. Қашқадарё вилояти Давлат архиви. 133-жамғарма. Қашқадарё област халқ депутатлари ижроия комитети.

### III. Статистик тўпламлар

III.1. Итоги всесоюзной переписи населения 1989 года по районам и городам Сурхандарьинской области. Госкомстат УзССР. Сурхандарьинское областное управление статистики. – Термез: 1990. – 50 с.

III.2. Народное хозяйство Сурхандарьинской области в 1980–1989 году. Статистический сборник. – Термез: 1989. – 367 с.

III.3. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1975 году. Статистический ежегодник. – Т.: Узбекистан, 1976. – 455 с.

III.4. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1977 году. Статистический ежегодник. – Т.: Узбекистан, 1978. – 360 с.

III.5. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1978 году. Статистический ежегодник. – Т.: Узбекистан, 1979. – 336 с.

III.6. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1979 году. Статистический ежегодник. – Т.: Узбекистан, 1980. – 340 с.

III.7. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1980 году. Статистический ежегодник. – Т.: Узбекистан, 1981. – 348 с.

III.8. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1984 году. Статистический ежегодник. – Т.: Узбекистан, 1985. – 265 с.

III.9. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году. Статистический ежегодник. – Т.: Узбекистан, 1988. – 342 с.

III.10. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1988 году. Статистический ежегодник. – Т.: Узбекистан, 1989. – 350 с.

III.11. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 году. Статистический ежегодник. – Т.: Узбекистан, 1991. – 367 с.

III.12. Советский Узбекистан: факты, цифры. – Т.: Узбекистан, 1983. – 48 с.

III.13. Советский Узбекистан: факты, цифры. – Т.: Узбекистан, 1984. – 51 с.

## IV. Даврий матбуот

### IV.1. Газеталар

- IV.1.1. Илғор Сурхон учун. 27.02.1955 й.  
IV.1.2. Коммунизм галабаси. 8.01.1989 й. 1.02.1990 й. 13.02.1990 й.  
IV.1.3. Комсомольская правда. 02.09.1990 г.  
IV.1.4. Ленин байроғи. 04.11.1962 й. 15.05.1962 й. 19.12.1962 й.  
14.08.1969 й. 8.01.1970 й. 3.02.1971 й. 8.02.1975 й. 26.06.1977 й.  
28.08.1978 й. 11.07.1989 й.  
IV.1.5. Ленинское знамя. 21.05.1972 й. 07.01.1975 й.  
IV.1.6. Правда востока. 3.01.1990 й.  
IV.1.7. Совет Ўзбекистони. 25.04.1989 й.  
IV.1.8. Сурхон тонги. 1991–2000 йй. IV.1.  
IV.1.9. Халқ сўзи. 28.07.1998 й. 16.09.1996 й. 3.03.2002 й.  
27.08.2007 й.  
IV.1.10. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 12.05.1988 й. 1.02.1991  
йй. 11.10.1991 й. 8.02.1991 й.  
IV.1.11. Қашқадарё ҳақиқати. 01.07.1964 й. 05.05.1964 й.  
01.01.1972 й.

### IV.2. Журналлар

- IV.2.1. Вестник статистики. 1960 й. 4-сон.  
IV.2.2. Вопросы истории. 1990 г. № 2.  
IV.2.3. Диалог. 1990 г. № 9.  
IV.2.4. Жамият ва бошқарув. 2003 й. 4-сон.  
IV.2.5. Ижтимоий фикр. 2002 й. 1-сон, 2004 й. 3-сон.  
IV.2.6. Известия ЦК КПСС. 1989 г. № 3.  
IV.2.7. Иқтисод ва ҳисобот. 1996 й. 8-сон.  
IV.2.8. Инсон ва сиёсат. 1991 й. 1-сон.  
IV.2.9. Коммунист. 1990 г. № 4.  
IV.2.10. Мозийдан садо. 2003 й. 3-4 сон.  
IV.2.11. Партия турмуши. 1988 й. 2-сон.  
IV.2.12. Политическое образование. 1989 г. № 4.  
IV.2.13. Фан ва турмуш. 1984 й. 8-сон, 1985 й. 4-сон, 1991 й. 1-сон,  
1996 й. 5-сон, 1998 й. 4-сон, 2002 й. 3-4 сон.

- IV.2.14. Халқ ва демография. 1992 й. 5-сон.  
 IV.2.15. Ўзбекистон коммунисти. 1990 й. 3-сон.  
 IV.2.16. Ўзбекистон тарихи. 2004 й. 1-2 сон.  
 IV.2.17. ЎЗМУ хабарлари. 2000 й. 4-сон.  
 IV.2.18. Қонун ҳимоясида. 2004 й. 4-сон.  
 IV.2.19. Ҳаёт ва иқтисод. 1984 й. 4-сон.

## V. Илмий адабиётлар

- V.1. Alikhan Aman-Ulu. Population in Uzbekistan (1989–1998) UNHCR. – Tashkent, 2000. – P-105.
- V.2. Абдуллаев Ё. Статистиканинг умумий назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 416 б.
- V.3. Алиакберова Н.М., Гольдфарб Б.Я., Эргашев А. Размещение населения Ферганской долины (демогр.аспект) - Т.: Фан, 1990. – 91 с.
- V.4. Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. – Т.: Медицинская литература им. А.А.Ибн Сина, 1998. –192 с.
- V.5. Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р., Салиев Л. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. – Т.: Университет, 2002. – 125 с.
- V.6. Ата-Мирзаев О.Б. Региональное прогнозирование расселения и управления процессом урбанизации. – Т.: Фан, 1979. – 92 с.
- V.7. Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари. – Т.: Ўзбекистон, 1991. – 221-б.
- V.8. Аҳмедов Э., Файзиёв Н. Дунё аҳолиси ва инсоният келажаги. – Т.: Фан, 1969. – 222-б.
- V.9. Бердиев Х. Биринчи одам вилояти. – Т.: «Нур» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, 1991. – 30-б.
- V.10. Бичков Д.А., Блинные Л.И. Сурхондарё области (қисқача справочник). – Т.: Ўзбекистон, 1970. – 132-б.
- V.11. Бобоев М. «Хўжанқолик шифокор» – Т.: Янги аср авлоди, 2004. – 202-б.
- V.12. Бобожонова Д. Миллатлараро муносабатлардаги барқарорлик. – Т.: Фан, 1996. – 28- б.
- V.13. Бобожонова Д. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва уларнинг хусусияти. – Т.: Фан, 1995. – 96-б.

- V.14. **Бойқулов М.** Шерободлик маърифат фидойилари. – Қарши: Насаф, 2003. 342–б.
- V.15. **Брук С.И.** Население мира. Этнодемографический справочник. – М.: Наука, 1986. – с.828.
- V.16. **Бўриева М.Р.** Ўзбекистонда оила демографияси. – Т.: Университет, 1997. 175-б.
- V.17. Демография семьи. // Сборник научных трудов. – ТашГУ, 1980. с. 106.
- V.18. **Жўрақулов О.** Чандир туркманлари. – Т.: Фан, 1992. – 215-б.
- V.19. **Жўрақулов О.** Қашқадарё манғитлари. – Т.: Фан, 1993. – 255-б.
- V.20. **Искандаров И.И.** Узбекская Советская социалистическая Республика. – Т.: Узбекистан, 1977. – с. 71.
- V.21. **Исмоилов Д.** Денов таронаси: Денов ва деновликлар ҳаётидан лавҳалар. – Т.: Наврўз, 1995. – 144-б.
- V.22. Итоги Всесоюзной переписи населения 1989. Национальный состав населения Узбекской ССР. Стат. сборник часть II – Т.: Узбекистан, 1990. – с. 161.
- V.23. **Камилова Ф.К.** Демографический потенциал Узбекистана. – Т.: Узбекистан, 1991. – с. 143.
- V.24. **Караханов М.К.** Некапиталистический путь развития и проблемы народонаселения. – Т.: Фан, 1983. – с. 239.
- V.25. **Каримов А.** Чўл ва одамлар. – Т.: Ўзбекистон, 1978. – 79-б.
- V.26. **Кармышева Б.Х.** К истории формирования населения южных районов Узбекистана и Таджикистана – М.: Наука, 1964. – с. 100.
- V.27. **Лапасов А.** Истиқдол йўли: Ангор, Термиз. – Термиз: Жайхун, 1992. – 62-б.
- V.28. **Максакова Л.П.** Миграция населения Узбекистана – Т.: Узбекистан, 1986. – с. 206.
- V.29. **Максакова Л.П.** Демографические проблемы занятости в Узбекской ССР. – Т.: Узбекистан, 1989. – с. 173.
- V.30. **Максакова Л.П.** Миграция населения Республики Узбекистан. – Т.: Издательский дом «Эльдинур», 2000. – с.115.
- V.31. **Максакова Л.П.** Миграция населения: проблемы регулирования. –Т.: Издательский дом «Эльдинур», 2001. – 215 с.

- V.32. Миграция населения. Сборник научных трудов. – Т.: ТашГУ, 1981. – 216 с.
- V.33. Миллатлараро муносабатлар маданияти ва байналминал дунёқараш. – Т.: Ўзбекистон, 1993. – 136-б.
- V.34. Муллажонов И.Р. Ўзбекистон аҳолиси юз йил ичида. – Т.: Фан, 1966. – 41-б.
- V.35. Муллажонов И.Р. Ўзбекистон аҳолиси. // Справочник. – Т.: Ўзбекистон, 1967. – 141-б.
- V.36. Муллажонов И.Р. Ўзбекистон аҳолисининг миграцион алоқалари. – Т.: Ўзбекистон КПМК бирлашган нашр, 1967. – 169-б.
- V.37. Мулляджанов И.Р. Демографическое развитие Узбекской ССР. – Т.: Узбекистан, 1983. – с. 273.
- V.38. Мулляджанов И.Р. и др. Население Узбекской ССР. – Т.: Узбекистан, 1973. – 198 с.
- V.39. Мулляджанов И.Р. Народонаселение Узбекской ССР. (Социально-экономический очерк) – Т.: Узбекистан, 1967. – 231 с.
- V.40. Мулляджанов И.Р. Население Узбекской ССР. Справочник. – Т.: Узбекистан, 1989. – 190 с.
- V.41. Муртазаева Р.Х. Экономика – основа интернационального единства. – Т.: Узбекистан, 1989. – 160 с.
- V.42. Муҳаммадиев Б., Соатов О. Сурхондарё мелиорацияси. – Самарқанд: Сўғдиёна нашриёти, 1998. – 430-б.
- V.43. Нахшаб-Қарши жаҳон цивилизацияси тизимида. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари. 2–жилд. Қарши, 2005.
- V.44. Очерки истории Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областей Узбекистана. – Т.: Фан, 1968. – 227 с.
- V.45. Примқулов Ш. Поляк фуқаролари Самарқандда (1941–1946 йй.) – Самарқанд, 1999. – 112 б.
- V.46. Пўлатова Б. Деновликлар тарих кўзгусида. – Т.: Фан, 1994. – 159-б.
- V.47. Равшанов П. Қашқадарё истиқлол арафасида 1986–1989 йиллар. – Т.: Маънавият, 2003. – 177-б.
- V.48. Равшанов П. Қашқадарё тарихи (энг қадимги даврлардан XIX аср ва XX аср ярмига қадар). – Т.: Фан, 1995. – 783-б.
- V.49. Равшанов П. Нахшаб ва Кеш тарихи манбалари. – Қарши: Насаф, 2005. – 648-б.

V.50. Раҳмонқулов Х., Давханов С. Гуллаб-яшнаётган Сурхондарё. – Т.: Билим, 1974. – 33-б.

V.51. Раҳмонов Д.Н. Миллий муносабатлар ва уларнинг сиёсий ҳуқуқий бошқарилиши (ҳозирги жаҳон амалиётидан). – Т.: Фан, 1990. – 232-б.

V.52. Рашидов Ш.Р. Торжество ленинской национальной политики. – Т.: Узбекистан, 1974. – с. 150.

V.53. Региональные демографические исследования. Сборник научных трудов №348. – Т.: ТашГУ, 1978.

V.54. Региональные проблемы урбанизации и населения. Сб-ст. – Т.: ТашГУ, 1976. – 470 с.

V.55. Ризаев Г. Социалистическое сельское хозяйство Узбекистана. – Т.: Узбекистан, 1978. – с. 270.

V.56. Рўзиев А.Н., Мирзаев Ш.П., Бораталиев У. Сурхондарё сув омборлари ва агросаноат мажмуини ривожлантириш масалалари. – Сурхондарё вилояти матбуот бошқармаси «Жайхун» нашриёти, 1997. – 113-б.

V.57. Рўзиев А. Сурхондарё вилояти. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 44-б.

V.58. Рўзиев А. Сурхон-Шеробод қишлоқ хўжалиги. – Т.: Ўзбекистон, 1967. – 63-б.

V.59. Саидов М. Фузур тарихи сарҳадларида. – Қарши: Насаф, 2003. – 111-б.

V.60. Салимов Х. Ўзбекистон ССР нинг аҳолиси. – Т.: Ўзбекистон КПМК Бирлашган нашр, 1964. – 44-б.

V.61. Советский Узбекистан: Факты. Цифры. – Т.: Узбекистан, 1984. – с. 51.

V.62. Солиев А. Ўрта Осиё шаҳарларининг ривожланиши. – Т.: Фан, 1978. – 278-б.

V.63. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. – Т.: Фан, 1991. – 57-б.

V.64. Тенияти Г.С. Экономический закон народонаселения и формирование региональной занятости в Узбекский ССР. – Т.: Фан, 1989. – 132 с.

V.65. Тожиева Н., Тожиева И. Қарши (Насаф)нинг саховатпеша ва меҳрли инсонлари ҳамда халқи ҳақида // Нахшаб-Қарши жаҳон цивилизацияси тизимида. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари. 2-жилд. – Қарши, 2005. – 82-бет.



V.66. **Тожиев С.** ва бошқалар. Қарши кўп миллатли шаҳар. // Наҳшаб Қарши жаҳон цивилизацияси тизимида. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари. Қарши: 2005, – 23-бет.

V.67. **Тошбеков Э.** Тошкент аҳолиси ва шаҳар истиқболи. – Т.: Фан, 1967. – 63-б.

V.68. Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка, 1929–1955 гг. Документы и материалы. (Под ред. д.и.н. проф. Д.А.Алимовой) – Т.: Шарқ, 2006.

V.69. **Турсунов С.Н., Қобилов Э.О.** ва бошқалар. «Сурхондарё тарихи». – Т.: Шарқ, 2004. 204–б.

V.70. **Турсунов С.Н.** Мустабид тузумнинг аграр сиёсати. – Т.: Шарқ, 2001. – 141-б.

V.71. **Турсунов С.Н.** Шеробод тарихидан лавҳалар. – Термиз давлат университети, 1993. – 64-б.

V.72. **Тухтаев Э.** Социально-экономические проблемы повышения уровня жизни сельского населения Узбекской ССР. – Т.: Узбекистан, 1990. – с.140.

V.73. **Тўхлиев Н.** Ўзбекистон иқтисодиёти: Саволлар ва жавоблар – Т.: Ўзбекистон, 1991. – 175-б.

V.74. **Тўхлиев Н.** Бозорга ўтишнинг машаққатли йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 222-б.

V.75. **Тўхтаев А.** Сурхондарё вилоятини электрлаштириш тарихидан (1946–1960 йиллар). М. Улуғбекнинг 600 йиллиги муносабати билан профессор-ўқитувчиларнинг I илмий-назарий конференцияси. – Термиз, 1994 й. – 17–18-бетлар.

V.76. **Тўхтаёв И.** Совет Ўзбекистонининг халқаро алоқалари. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 235-б.

V.77. **Тюриков В., Шоғуломов В.Р.** Юз саволга – юз жавоб. – Т.: Ўқитувчи, 1996. 416–б.

V.78. **Убайдуллаева Р.А.** Хотин-қизларнинг социал-иқтисодий ривожланишга қўшаётган ҳиссаси. – Т.: Билим, 1987. – 24-б.

V.79. Управление развитием населения. – Т.: ТашГУ, 1985. – с. 80.

V.80. **Файзиев Н.** Ўзбекистон янги шаҳарларининг аҳолиси, – Т.: Фан, 1964. – 36-б.

V.81. **Файзиев Н.М.** Население новых городов Узбекистана. – Т.: Фан, 1964. – с. 112.

V.82. **Ҳантов А.** Қрим-татар халқлари тарихига бир назар // Му-стақил Ўзбекистон ва миллатлараро муносабатлардаги барқарор-лик (илмий-амалий анжуман материаллари). – Т.: Университет, 1995. – 133-137-б.

V.83. **Халиков И.** Борьба трудящихся Республик Средней Азии за орошение крупных целинных массивов. – Т.: Фан, 1982. с. 179.

V.84. **Халиков И.** История орошения и поливного земледения в Сурхан-Шерабадской долине. – Т.: Фан, 1977. с. 104.

V.85. **Хамраев Н., Халиков И.** Орошение и освоение Каршинской степи. – Т.: Узбекистан, 1981. с. 162.

V.86. **Холиёров Х.** ва бошқалар. Сурхондарё вилояти. – Т.: Ўзбе-кистон, 1974. – 357-б.

V.87. **Холмуҳаммедов М.** Миллий муносабатларнинг равнақ то-пиши ва интернационал тарбия (Интернационал тарбияда миллий муносабатлар), – Т.: Ўзбекистон, 1975. – 35-б.

V.88. **Холмухаммедов М.Х.** Дружба народов СССР – могучий у-скоритель общественного прогресса. – М.: Знание, 1972. с. 32.

V.89. **Чориев А., Очилов М.** Қашқадарё области. – Т.: Ўзбеки-стон, 1974. – 182-б.

V.90. **Шоимов П.** «Дарбанд – қадимий макон». – Қарши: Насаф, 1999. – 72-б.

V.91. **Шукуров И.** Уч авлод қувончи. – Т.: Меҳнат, 1989. – 132-б.

V.92. **Эргашева М.Э.** Ўзбекистон тарихини ўрганиш жараёнида Қашқадарё саноатининг вужудга келиши ва ривожланиши тажриба-сидан фойдаланиш. – Т.: Фан, 2000. – 23-б.

V.93. **Юнусова Х.** Ўзбекистонда совет давлатининг миллий сиёса-ти ва унинг оқибатлари (XX аср 80–йиллари мисолида). – Т.: Зарқа-лам, 2005. – 115-б.

V.94. **Яковлев И.Г.** Союз, содружества, Россия ... межэтнические отношения в постсоветском пространстве в 1990–е годы: проблемы анализа и оценки риска при принятии решений – М.: «Славянский диалог», 1990. – с. 196.

V.95. **Янгибоев М.** Қашқадарё вилоят географияси. – Қарши: 1993. – 23-б.

V.96. **Янгибоев М.** Қашқадарё област аҳоли географияси. – Қарши: 1980 й. – 82-б.

V.97. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1992.

V.98. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожланишининг шартлари ва пасайиш омиллари. – Т.: Фан, 1996. – 56-б.

V.99. Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи. Очерклар. IX китоб. – Т.: Ўзбекистон, 1980. – 432-б.

V.100. Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи. Очерклар. V китоб. – Т.: Ўзбекистон, 1975. – 486-б.

V.101. Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи. Очерклар. VI китоб. – Т.: Ўзбекистон, 1977. – 415-б.

V.102. Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи. Очерклар. VIII китоб. – Т.: Ўзбекистон, 1979. – 462-б.

V.103. Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи. Очерклар. X китоб. – Т.: Ўзбекистон, 1981. – 462-б.

V.104. Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1997. – 654-б.

V.105. Ўзбекистон ССР маъмурий территориал бўлиниши. 1981 йил 15 ноябргача бўлган маълумот. – Т.: Ўзбекистон, 1981. – 336-б.

V.106. Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари (халқаро илмий-амалий анжуман материаллари). 1-2 қисмлар. – Т.: 30–31 март. Университет, 2007.

V.107. Ўзбекистонда этнодемографик жараёнлар (халқаро илмий-амалий анжуман материаллари). 1-2 қисмлар. – Т.: Университет, 2005.

V.108. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Т.: Шарқ, 2000.

V.109. Қашқадарё вилояти географияси. // География ўқитувчилари учун қўлланма. – Қарши, 1994. – 147-б.

V.110. **Ғаффоров Ш.** Тарих ва тақдир: Россия империясидан Туркистонга кўчирилганлар (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари) – Т.: Фан, 2006. – 224-б.

V.111. **Ҳайдаров Ф., Иномов Н.** Тожикистон: халқ фожиаси ва дард-алами. – Т.: Ўзбекистон, 1993. – 174-б.

V.112. **Ҳусанбоева Ю.** Ўзбекистонга депортация қилинган греклар ҳақида. Ўзбекистонда этнодемографик жараёнлар // Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: Университет, 2005. – 93-бет.

## VI. Диссертация ва авторефератлар

### VI.1. Диссертациялар

VI.1.1. **Бобожонова Д.** Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари (70-80-йиллар ўрталари) Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 1997. – 276-б.

VI.1.2. **Каримов А.Ш.** Социально-экономические аспекты переселение в новоорошаемые районы (на примере Каршинской степи) дисс. канд. экон. наук. – Т.: 1990. с. 154.

VI.1.3. **Мўминова Г.** Ўзбекистонда тиббиёт ва соғлиқни сақлаш: муаммо ва оқибатлар (1946–1990 йй. жанубий вилоятлар мисолида). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 1999. 167 б.

VI.1.4. **Турсунов Ж.Н.** Ўзбекистон шаҳарларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти тарихи (Бойсун, Шарғун, Шўрчи шаҳарлари мисолида). 1971–1990 йиллар. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Самарқанд, 1995. – 159-бет.

VI.1.5. **Янгибоев М.** Қашқадарё област аҳолиси ва меҳнат ресурслари. География фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 1973. – 172-б.

VI.1.6. **Ғаффоров Ш.С.** Россия империясининг Туркистонга аҳолини кўчириш сиёсати (XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари). Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – ЎзР ФА Тарих институти. – Т.: 2003. – 286-б.

### VI.2. Авторефератлар

VI.2.1. **Бабаджанова Д. Б.** Социально-экономические аспекты межнациональных отношений в Узбекистане (70-е середина 80-х гг.) Автореф. дисс. док. ист. наук. – Т., 1997. – с. 56.

VI.2.2. **Болтаев А.** Дружба и сотрудничество народов СССР в освоении целинных земель. 1971–1980 гг. (на материалах освоения Джизакской степи) Автореф. дисс. кан. ист. наук. – Т.: 1990. – с. 22.

**VI.2.3. Фафоров Ш.С.** Переселенческая политика Российской империи в Туркестане (вторая половина XIX начало XX веков): Автореф. дисс. докт. ист. наук. – Т.: 2003. – с. 53.

**VI.2.4. Зиёев Ф.С.** Формирование сельскохозяйственных кадров в целинных районах Узбекистана: опыт, проблемы (на примере Голодной степи) (1965–1970 гг.) Автореф. дисс. кан. ист. наук. – Т.: 1994. – с. 27.

**VI.2.5. Ишанходжаева З.Р.** Участие Узбекистана в освоении Нечерноземной зоны Российской Федерации: Автореф. дисс. кан. ист. наук. – Т.: 1997. – с. 27.

**VI.2.6. Кабулов Э.А.** История развития лёгкой и пищевой промышленности в южных областях Узбекистана в 1946–1960 гг. Опыт и проблемы. Автореф. дисс. кан. ист. наук. – Самарканд, 1994. – с. 26.

**VI.2.7. Мирзаев З.** Культурная жизнь села Узбекистана: состояние, особенности и проблемы (60-е середина 77 годов). Автореф. дисс. докт. ист. наук. –Т.: 1991. – с. 49.

**VI.2.8. Мулладжанов И.** Народонаселение Узбекской ССР. Автореф. дисс. канд. экон. наук. – Т.: 1966. – с. 24.

**VI.2.9. Салимов Х.** Особенности развития и размещения населения Узбекской ССР (1939–1959 г). Автореф. дисс. канд. экон. наук – Т.:1964. – с. 21.

**VI.2.10. Сафаров И.** Народонаселение Сурхандарьинской области (Демог. и геог. анализ). Автореф.дисс.канд.геог. наук. – Т.: 1974. – с. 25.

**VI.2.11. Тошпулатов Х.** Сотрудничество народов СССР в орошении и освоении новых земель на юге Узбекистана (1971–80 гг.). Автореф.дисс.док.ист.наук. – Т.: 1987. – с. 26.

**VI.2.12. Турсунов Ж.Н.** История экономического и социального развития городов Узбекистана (на примере городов Бойсун, Шаргун и Шурчи) 1971–1990 гг. Автореф.дисс.кан.ист.наук. – Самарканд, 1995. – с. 24.

**VI.2.13. Файзиев Н.М.** Некоторые проблемы развития народонаселения новых городов Узбекской ССР. – Автореф. дисс. канд. экон. наук. – Т.: 1968. – с. 22.

## МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ .....	3
<b>I БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРИХИЙ-ДЕМОГРАФИК ҚОЛАТИ</b>	
1.1. Мавзу тарихшунослиги ва манбашунослиги .....	5
1.2. Миграцион жараёнларнинг моҳияти .....	27
1.3. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлардаги зиддиятларнинг миграцион жараёнларга таъсири .....	45
<b>II БОБ. ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН СЎНГ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДАГИ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР</b>	
2.1. 1946–1990 йилларда ижтимоий-иқтисодий сиёсат ва Ўзбекистонда юзага келган демографик муаммолар .....	60
2.2. 1946–1990 йилларда жанубий вилоятларнинг Ўзбекистон иқтисодиётида тутган ўрни ва демографик ҳолати .....	72
<b>III БОБ. СУРҲОНДАРЁ ВА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИДА МИГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ КЕСКИНЛАШУВИ</b>	
3.1. Жанубий вилоятлардаги ташқи ва ички миграцион жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари .....	86
3.2. Миграциянинг жанубий вилоятлар аҳолиси миллий таркибига таъсири .....	102
ХУЛОСА .....	115
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	121

*Илмий-услубий нашр*

Хусан ХОЛМУМИНОВ

**ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДА  
ТАРИХИЙ-ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР  
Монография**

Муҳаррир  
Гавҳар МИРЗАЕВА

Тех. муҳаррир  
Вера ДЕМЧЕНКО

Бадий муҳаррир  
Уйғун СОЛИҲОВ

Компьютерда саҳифаловчи  
Дилдора ЖЎРАБЕКОВА

Босишга 14.11.2011 й.да рухсат этилди. Бичими 60x84 1\16.  
Босма тобоғи 4,25. Шартли босма тобоғи 7,90.  
Гарнитура «LexTimes Cyr+Uzb». Офсет қоғоз.  
Адади 300 нусха. Буюртма № 83.  
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.  
Лицензия рақами: АИ № 198. 2011 йил 28.08 да берилган.  
«ЕI-press» МЧЖда босилди.  
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

***Мурожсаат учун телефонлар:***

Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43  
факс – 273-00-14; web-сайтгимиз: [www.ibook.uz](http://www.ibook.uz)  
e-mail: [yangiasr@ibook.uz](mailto:yangiasr@ibook.uz); [yangiasravlodi@mail.ru](mailto:yangiasravlodi@mail.ru)



